

И. Жабборов

Кўхна  
харобалар  
сирри

Ўздавнашр



ИСО ЖАББОРОВ

*тарих фанлари кандидати*

# КУҶНА ХАРОБАЛАР СИРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ НАШРИЁТИ  
ТОШКЕНТ—1961

902.6  
Ж13

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тарих ва археология  
институтининг тавсияси билан нашр этилди.

*Жабборов Исо.*

КЎҲНА ХАРОБАЛАР СИРИ. Т., Уздавнашр, 1961. 96 бет.  
Сарлавҳа олдида авт. Исо Жабборов, тарих фанлари кандидати.  
*Джаббаров Иса.* ТАЙНЫ ДРЕВНИХ РАЗВАЛИН.

902.6

Ўтмишни билмай туриб, ҳозирги замоннинг чинакам маъносини ва келажак даврнинг мақсадларини тушуниш мумкин эмас.

А. М. ГОРЬКИЙ

## АФСОНАВИЙ ЎЛКА

Қадимги Хоразм. Бир неча минг йиллар давомида ўз қудрати ва тугалмас ажойиб воқеалар бойлиги билан тарих саҳифаларини тўлдирган афсонавий ўлка. Турли ирқдаги беҳисоб сайёҳ ва миссионерлар, олимлар ва ёзувчилар, шоир ва дostonчилар бу гўзал ва бой ўлканинг узоқ ўтмишини, иқтисодий ва ижтимоий тузумини, моддий ва маънавий ҳаётини, маиший турмушини асрлар сари ўз замонасининг гоёларига асосланиб тушунишга ва таърифлашга интилиб келганлар. Аммо бу интилишлар ўзига хос бўлган маданиятни яратган, оламга ал Хоразмий ва ал Бируний каби буюк мутафаккир олимларни, истеъдодли шоир ва тарихчи сифатида танилган Мунис ва Огаҳий кабиларни етказиб берган Хоразмнинг пайдо бўлиши ва шаклланиш жараёнини, унинг қадимги даврдаги иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий қиёфасини тасвирлашга имкон бермайди.

Хоразм маданий жиҳатдангина эмас, табиий-географик жиҳатдан ҳам ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, бу хусусиятлар унинг тараққиётида муҳим роль ўйнаган факторлардан бўлиб қолди. Бинобарин, бу ўлканинг тарихини муфассал тушуниш учун унинг табиий географик шароитини билиш муҳим шартлардан бири ҳисобланади.

Инсон туйғуларини тараннум қилувчи ажойиб табиий манзаралар киши меҳнати билан янги ҳусн касб этади. Аммо, инсоният пайдо бўлгунча планетамиз ўз қиёфасини ўзгартириш йўлида неча минг асрларни босиб ўтган.

Геология фанининг кўрсатишича, Урта Осиё текисликлари, шу жумладан Хоразм воҳаси учламчи даврнинг ўрталарида денгиз остида бўлган.

Неча минг йиллар давомида иқлимнинг ўзгариши натижасида денгиз қуриб, аста-секин шимолга чекина бошлайди. Денгиз остидан кўтарилган ерлар эса тўқай ва қамишзорларга айланади. Шу даврда пайдо бўлган кўп дарёлар ҳар томонга оқиб, ўзи билан Помир ва Олой тоғларидан олиб келган тош ва лойқаларни ўз йўлида қолдирар эди. Натижада жуда кенг майдонда турли хил экин ва дарахтлар ўсиши учун қулай бўлган серунум тупроқ — аллювий қатламлари бунёдга келади. Шу билан бирга табиатнинг зўр кучларидан бири—шамол ҳам ер қиёфасини ўзгартиришда ўз ҳиссасини қўшган.

Асрлар сари кеча-кундуз тинмай эсувчи шамол тоғлик ва тепаликларнинг қирра-бурра жойларини усталик билан тараб, қириндилардан чексиз биёбонда қум уюмларини бунёдга келтирар ва уларни бир жойдан иккинчи жойга кўчиради эди.

Шундай бир пайтда кўчма қумлар орасида, яъни дайди Аму этакларида қадимги Хоразм ҳам пайдо бўлиб, ўз қиёфасига кира бошлайди. Ҳар хил ҳайвон ва паррандаларга бой бўлган ажойиб тўқайзорлар, дарё қолдирган ўзанларда бунёдга келган хилма-хил балиқларга тўла қамишзор кўллари шу ўлканинг тарихдан илгариги замонлардаги қиёфасини кўрсатар эди. Уша даврда Хоразм ва бутун Урта Осиё иқлими ҳозиргига нисбатан анча нам бўлган.

Бундай табиий ҳолат ибтидоий одамларнинг яшаши учун анча қулай бўлган. Шу сабабдан хоразмликларнинг энг қадимги аجدодлари болалик, яъни ибтидоий даврини ўз замонасига хос бир шароитда босиб ўтган.

Ибтидоий хоразмликларнинг ҳаёт кечириш йўллари тўғрисида кейинроқ сўз юритамиз. Ҳозирги Хоразм воҳаси инсон тарихи бошланишидан илгариги даврга нисбатан анча фарқ қилади.

Маълумки, Хоразм воҳаси Урта Осиёнинг энг катта дарёси Амударё дельтасидадир. Бу дельта жуда ҳам кенг бўлиб  $58—61^{\circ}$  шарқий узунлик ва  $41—44^{\circ}$  шимолий кенликда эллик минг квадрат километрга яқин майдонни ишғол қилиб ётади. Уни шимоли-ғарбда Уст-юрт тепалиги, Шарқда Султон Увайс тоғи ҳамда Қизилқум, жанубда ва жануби-ғарбда Қорақум саҳролари ўраб олган.

Дельтанинг шимолий томонларига Орол денгизи тўлқинлари урилиб туради. Амударё дельтаси Совет Иттифоқида энг катта дельта бўлиб, Волга дельтасига нисбатан уч ярим ҳисса, қадимги Нил дельтасига нисбатан икки ҳисса кўпроқ майдонни эгаллайди. Дельта тупроғи унумли бўлиб, деҳқончилик учун жуда ҳам қулай. Бу район иқлими эса Ўзбекистоннинг бошқа ерларига қараганда кескин континентал иқлим ҳисобланади, яъни ёзи жуда иссиқ, қиши эса анча совуқ желади, ҳатто кечки температура билан кундузги температура ўртасида ҳам анчагина фарқ бўлади. Йилнинг беш ойи (май — сентябрь) давомида температура ўрта ҳисоб билан 20° дан юқори, июль ойида эса 26—30° бўлиб туради. Қиши Ўзбекистоннинг бошқа районларига қараганда анча узоқроқ бўлиб, баъзан — 31—32° гача совуқ бўлади. Ёнгарчиликнинг жуда ҳам кам бўлиши туфайли йилнинг кўп қисми қурғоқчилик билан ўтади ва бу даврда ҳаво очиқ бўлади. Баъзан қиш даврида ҳам ёнгарчилик бўлиб туради.

Шуни ҳам айтиш керакки, Хоразм воҳаси Амударё бўйи ва Орол денгизи яқинида бўлишига қарамай ёнгарчиликнинг кам бўлиши билан Ўзбекистоннинг бошқа районларидан фарқ қилади.

Бетайин ва инжиқ иқлимли Хоразм табиати ўзининг қуруқлиги билан маҳаллий аҳолига асрлар давомида қанча қийинчиликларни туғдирган. Бинобарин, узоқ ўтмишда пайдо бўлган Хоразм деҳқончилиги Ўрта Осиёнинг бошқа районларига нисбатан анча кўп меҳнат талаб қилар эди.

Хоразм воҳасида яшовчи халқлар тер тўкиб вояга етказган гўзал ўлкасини чин қалбдан севар ва уни ўз ижодида дoston қилиб куйлар эди. Асрлар давомида сақланиб келган мароқли куй ва қўшиқларда, эртақ ҳамда дostonларда Хоразмнинг табиий-географик тузилишигина эмас, шунингдек, унда яшовчи уруғ-аймоқ ва қабилаларнинг узоқ ўтмишдаги тарихи, уларнинг хўжалик фаолияти, урф-одатлари ва маданияти акс эттирилади.

Айрим афсоналарда Хоразмнинг пайдо бўлиш тарихи анча равшан кўрсатилган.

Масалан, қуйидаги афсона бизга Хоразм деган сўзнинг келиб чиқиши ва уни тушунишга бир оз бўлса ҳам ёрдам беради.

Қадимги замонларда бир подшо бўлиб, унинг жуда ҳам жасур, ўз Ватанини ҳимоя қилишда ҳеч тенги йўқ қўшини ва истеъдодли лашкарбошилари бўлган экан. Кунлардан бир кун лашкарбошилари бир гуруҳ қўшин билан подшонинг адолатсиз сиёсатига қарши исён кўтардилар. Подшо исённи анча қийинчиликлар билан бостиради ва исёнчиларнинг ҳаммасини ўлимга буюради. Лекин подшога яқин кишилар исёнчиларни ўлдириш ўрнига уларнинг барчасини бир чўли-биёбонга олиб бориб ташлашни маслаҳат берадилар. Подшо кўнади. Ҳукм қилинганларни ўз ватанидан жудо қилиб, қумлар орасида чангалзор ва тўқайзор бўлиб ётган дарё бўйидаги бир жойга олиб бориб ташлайдилар.

Сургун қилинган лашкар ва лашкарбошилар анча қобилиятли бўлиб, ўша чангал ва тўқайзорларни обод бир ўлкага айлантириб юборадилар. Кўп йиллар ўтиши билан кексайган подшо сургундаги севимли қўшинларидан хабар олишни буюради. Подшо одамлари келиб кўрса, илгариги тўқайзорни ҳеч таниб бўлмас эмиш. Ҳамма ерда обод шаҳар ва қишлоқлар, сувга тўла ариқлар. Улар катта бир шаҳарга кириб шаҳар каттаси билан учрашадилар ва ундан: «Бу қандай ўлка?»— деб сўрайдилар. Шаҳар каттаси: «Бу ердаги халойиқ бир вақтлар ўз подшоси томонидан хор қилинган эди, энди эса ўз меҳнати билан шаҳар ва қишлоқлар қуриб азим бўлган»,— деб жавоб берибди. Бу воқеани подшога келиб айтибдилар. Подшо илгари хор бўлиб, кейин азимга айланган ўша юрт кишиларининг гуноҳини кечиб, уларни бундан кейин хоразмликлар, деб аташни буюради.

Қадимги Хоразмнинг географик тузилишини анча тўғри тасвирлайдиган бу афсона X асрда яшаган атоқли араб географи Мақдиси асарларида келтирилган бир ҳикояга деярли сўзма-сўз ўхшаб кетади. Демак, мазкур афсонани узоқ ўтмишнинг маҳсулоти деб фараз қилиш мумкин.

Мақдиси хоразмликларнинг келиб чиқишини қуйидагича ҳикоя қилади: «...Қадим замонларда Шарқ подшоси ўз мамлакатада яшовчи 400 га яқин кишига дарғазаб бўлиб, уларни аҳоли яшайдиган жойдан 100 фарсах ерга элтиб қўйишни буюради. Кос (Қадимги Хоразмнинг маркази, ҳозирги Қорақалпоғистондаги Бируний район маркази — И. Ж.) ана шундай узоқ жой ҳисобланган. Узоқ вақт ўтгандан кейин подшо ўша одамлардан хабар олиб

келишни буюради. Подшо одамлари келиб, уларнинг ҳаммаси ҳаёт, чайла қуриб балиқчилик билан кун кечириётганликларини кўради. Бу ерда ўтин ҳам кўп экан. Подшо одамлари қайтиб кўрган-билганларини тасвирлаб берганларида, подшо: «Улар гўшти нима дер эканлар»,— деб сўрабди. «Хар» (ёки хавар) деб жавоб берибдилар. У яна: «Ўтинни-чи?»— деб сўрабди. Улар «разм» деб жавоб қилибдилар. Кейин подшо: «Ушбу мавзунини шуларга тақдим қилдим, уни Хоразм (хваразм) деб аталсин»,— дебди. Ҳамда уларга 400 та турк қизларини олиб бориб тўй қилиб беришни буюрибди. Шунинг учун ҳам ҳозиргача улар туркларга ўхшайди. Сўнгра подшо хоразмликларга Жайхун дарёсидан канал ҳам ўтказиб берибди. Шу тарзда афсонавий ўлка пайдо бўлган эмиш.

Бу афсонадан хоразмликларнинг келиб чиқишида ҳар хил қабила-уруғларнинг аралашгани ва уларнинг хўжалик фаолияти ибтидоий даврдаги калтаминорликлар маданиятига ўхшашлиги, афсонанинг қимматини анча орттиради.

Хоразмликларнинг келиб чиқиши тўғрисида Мақдидан 900 йил кейинроқ Хива хони Оллақули (1825—1842 й) кўшикида Эрон элчиси бўлиб хизмат қилувчи Ризақулихон жуда ҳам фантастик бир афсонани ҳикоя қилади. Унинг айтишича, қадим замонларда Ҳазрати Сулаймон ҳукм сурган даврда бир воқеа рўй берган. Сулаймон пайғамбарнинг хизматида жуда кўп дев ва парилар бўлган эмиш. Кунлардан бир кун пайғамбар париларидан бирига жаҳл қилган ва уни жазолаш учун дунёнинг энг узоқ юртига сургун қилиб, у ерда яшовчи қандайдир бир девнинг ихтиёрига топширишни буюради. Сулаймоннинг хизматкор девларидан бири парини ўз устига миңдириб, пайғамбарнинг буйруғини бажариш учун йўлга чиқади. Кўп вақт чексиз мовий самода парвоз қилиб, узоқ манзилларни босиб ўтгандан кейин ўша замонларда ҳали инсон эгалламаган Хоразм деган маконга тушади.

Узоқ вақт бирга бўлган дев бадарға қилинган парига хуштор бўлиб, унинг билан бирга қолишга қарор қилади. Дев парига уйланиб, набира, эвара-чевара кўради. Хоразмликлар шулардан тарқалган эмиш.

Хоразмликлар тўғрисидаги мавжуд эртак ва ҳикояларда келтирилган маълумотлар гарчи афсонавий ха-



рактарга эга бўлса ҳам, Амударё воҳасининг аҳолиси турли уруғ-аймоқлардан ташкил топганлигидан дарак беради. Хоразм территориясида ўтказилган археологик ҳамда палеоантропологик<sup>1</sup> текширишлар бу фикрни тасдиқлайди. Антрополог Т. А. Трофимова ибтидоий ва антик даврга оид бўлган калла суякларини текшириб, қадимги хоразмликларнинг тузилишида бир томондан Жанубий Европадаги сахро бронза маданияти аҳолиси, иккинчи томондан Яқин Шарқ ва Шимолий Ҳиндистон, яъни дарвидоидлар қўшимчаси борлигини исботлаб берди.


У хоразмликларнинг антик даврдаги антропологик тузилишида ўрта асрларнинг охирида шу воҳада яшган ўзбек ва туркманларнинг типлари билан анча ўхшашлик борлигини ҳам кўрсатиб ўтади.

Қадимги грек тарихчиси Страбон хоразмликларни массагет қабилаларининг бир тури деб таъкидлаб ўтади. Маълумки, массагет ёки сак қабилаларининг йирик иттифоқи бутун Хоразм воҳасида энг қадимдан, то антик давргача яшаган. Бу ярим кўчманчи ва кўчманчи қабилалар воҳаларда яшовчи халқлардан ажралиб чиққани сабабли уларнинг урф-одати ва тили бир-бирига анча яқин бўлган. Шунинг учун ҳам Страбоннинг айтгани тўғри бўлса ажаб эмас. Массагет деган сўзни «улуғ гетлар» ёки «катта саклар ўрдаси» деб таржима қилиш мумкин. Шундай қилиб, Ўрта Осиёнинг кенг майдонида йирик массагет иттифоқи узоқ давр ҳукм сурган.

Шуни қайд қилиб ўтиш лозимки, Хоразм деган сўзнинг маъносини жуда кўп олимлар ўзича тушунтиришга интиладилар. Шунинг учун ҳам бу ҳақда ҳозирча умумий бир фикрга келинган эмас. Бунга сабаб Хоразм сўзи кўп хил тарихий манбаларда ҳар хил ёзилиб келинган. Масалан, энг қадимги Ўрта Осиёга оид диний асарлардан бири зардушт (оташпарастлик)нинг муқаддас китоби — Овистода Ҳвайризем, грек ва латин тилларида — Хорасмиё, қадимги форсчада — Уварзмиш, арабчада Хваризм, VII асрга оид Хоразм тангаларида Хврэм деб юритилган. Лекин олимларнинг кўпчилигида бу сўзнинг иккинчи бўғинини таржима қилишда анча ўхшашлик бор. Улар охириги бўғин «узем» ёки «зм»ни форс сўзи

---

<sup>1</sup> Инсоннинг ибтидоий даврдаги антропологик тузилишини текширадиган фан.



Қум тагида қолган сирли харобалар.

«замин» билан боғлаб «ер» ёки «тупроқ» деб таржима қиладилар. Шунинг учун баъзи бир олимлар Хоразмни «паст текис ер» (Бюрнуф, Гейгер, Захау), айримлари «серунум ер» (Клипперт ва Лерх), баъзилари эса «унумсиз ер» (Шпигель) деб таърифлайдилар. Ўтган асрда яшаган рус шарқшуноси Савельев Хоразмнинг биринчи бўғинини форсча «Хур» яъни «Қуёш» сўзи билан боғлаб «қуёшлик ер» деб таржима қилади. Машҳур совет тарихчиси С. П. Толстов фикрича бундай изоҳлаш ҳақиқатга анча яқин.

Бу изоҳлар Хоразм сўзининг маъносини ва унинг этимологиясини, яъни келиб чиқишини илмий равишда тушунтиришда аниқ бир фикр йўқ эканлигини кўрсатади.

Бироқ олимларнинг ўлкани серунум, қуёшлик деб таърифлаши бежиз эмас. Асрлар давомида қадимги хоразмликларнинг мардонавор меҳнати туфайли чўл ва кўл, тўқай ва чангалзорлар ўрнида экинзор ва боғу бўстонлар пайдо бўлиши ҳамда шаҳар ва қишлоқларнинг қад кўтариши инсон меҳнатининг қудратини кўрсатибгина қолмай, яқин ва узоқ қўшни мамлакатларда яшовчи халқлар тилида бу мўъжизали ўлка тўғрисида хилма-хил афсоналар туғдиради.

Тарих фанининг отаси Геродот ва бошқа кўпгина қадимги грек авторларининг асарларида Окс, яъни Амударё бўйида яшовчи халқлар тўғрисида мароқли афсоналар келтирилади. Қисман юқорида айтиб ўтганимиздек, жуда кўп араб ёзувчиларининг асарларида, Чингизхон ва Темур даврида ёзилган кўп томлик солномаларда, буюк рус халқининг ажойиб солномаларида ҳам қудратли Хоразмга тегишли ҳар хил қимматли ҳикоялар муносиб ўринни эгаллайди. Окс дарёси бўйидан араб истилочиларининг лашкарлари билан қўшилиб Фарбий Европага етиб борган мардонавор кишилар ҳақида, ҳаттоки француз халқининг севимли асари, дунё маданият хазинасининг ажойиб дурдоналаридан бири «Роланд ҳақида қўшиқ» номли эпосда куйланади. Бу асарнинг 238-тирадасида гўзал Франция ерларига Испания орқали бостириб кирган араб халифалигининг кўпмиллатли қўшинлари ичида Оксиана, ёки Оксиана, яъни Окс дарёси бўйидаги ўлка намояндаларидан тузилган қўшин борлиги таъкидланиб, у қўйидагича таърифланади:

Бўлак қўшинлардан-чи ўнтасин тузди амир...  
Унда дашту биёбон Оксиана юртининг  
Худого ишонмаган лаънати қабиласи  
Бор эди ва уларнинг ҳар бирининг сийнаси  
Пўлатдан ҳам мустаҳкам, тошдан ҳам метин эди!  
Уларга на дубулға, на совут эди даркор,  
Уларнинг мардлигига ғалаба ҳам эди ёр.

Бинобарин, бепоён қумлар орасида пайдо бўлган ва ажойиб афсоналарда тилга олинган Хоразм кўп асрлар давомида Шарқда забардаст Чинмочин давлатидан, то Фарбдаги Буюк Рум империясига ёйилган кенг территориядаги давлат арбобларининг диққат-эътиборини ўзига жалб қилиб келган. Антик даврдан бошлаб бутун ўрта аср давомида Хитой, Фарбий Европа ва Яқин Шарқ мамлакатларидан Хоразмга жуда кўп сайёҳ ва элчиларнинг келиб кетганлиги бунга яққол далил бўла олади. Афсоналарда бой ва гўзал деб таърифланган бу ўлкани босиб олиш учун аҳмонийлар империясининг шоҳлари ва македониялик Искандарнинг қилган юришлари, кучли эфталит ва турк ҳоқонларининг босқинчилик ҳужумлари, бераҳм Чингиз ва Темурнинг ваҳший истилолари, Буюк Петрнинг дипломатик ҳаракатлари — ўтмишда

Хоразмнинг дунё миқёсида кўзга кўринарли ўринда бўлганлигини кўрсатади.

Шунинг учун ҳам биз совет археология фанининг Хоразм территориясида кўп йиллар давомида олиб борган тадқиқотлар натижасига асосланиб, сон-саноқсиз харобаларнинг сирини билишга ва бу гўзал афсонавий ўлка тарихининг айрим саҳифаларини бир-бир варақлашга журъат қиламиз.

## ЖАСУР ТАДҚИҚОТЧИЛАР

Чексиз биёбон. Кучли шторм таъсиридан тўлқинланган денгиз манзарасини эслатувчи бепоён қум тепалар, қайси томонга қараманг ҳамма ёқ бир хил. Эрта кўкларда кимсасиз Қизилқум ва Қорақум саҳроларига ғалати чирой бериб турувчи ранг-баранг ўт-гиёҳлар саратоннинг жазирама иссиғидан сарғайиб, қовжираб кетган. Тоғдек баланд қум уюмлари орасида кенг майдонни эгаллаб ётган теп-текис тақирлар қуриб, цемент каби қотиб қолган. Теварак-атроф абадий сўнганга ва мутлақо ҳаёт йўққа ўхшаб кўринади. Лекин баъзан-баъзан бепоён қумликлар орасида пайдо бўладиган ва кўп саҳроларни кезган сайёҳлар тили билан айтганда «саҳро кемаси» деб аталган жонивор — туялар, шўрак ўт, янтоқ ёки сазоқ орасидан югуриб чиққан калтакесаклар бу ерда ҳам ҳаёт борлигидан дарак беради.

Саҳрога кўпроқ кириб борган сари кўп замонлардан буён инсон қадами тегмаган бу биёбонда яна ҳам бошқачароқ манзара кўзга ташлана бошлайди. Деярли ҳар қадамда ажойиб ва хилма-хил қилиб ишланган сопол идиш синиқлари, мис ва темирдан ясалган парчалар, бронзадан қилинган камон ўқларининг учлари, зирак, билагузуклар, сарғиш-қизил лойдан ишланган сопол ҳайкалчалар, подшоларнинг расмлари солинган қадимий тангалар, хуллас инсон қўли билан бунёд этилган хилма-хил буюмларни кўриш мумкин. Баланд-баланд қум уюмлари орасидаги тақир ерларда ўнлаб километргача чўзилган қадимий каналларнинг рошлари ва илгарилари экин экилган ерларнинг чизиқлари сезилиб туради.

Қуёш ботаётган пайтда бу ерлар жуда чиройли бўлиб кўринади. Мовий осмон остида қадимги улуғвор қалъалар қад кўтариб туради. Бу катта ажойиб ёдгор-

ликларга диққат билан назар солар экансиз, кўз олдин-гизда ўтмишдаги қудратли давлатнинг қолдиқлари бенхтиёр гавдаланади.

Лекин жонсиз ва тилсиз бўлган бу харобалар, аллақачон қуриб қолган бу ариқ ва дарёларни қандай қилиб «тилга» киритиш мумкин? Сон-саноқсиз харобаларнинг сири нимада? Қандай манбалар бу тилсимни еча олади?

Афсуски, узоқ ўтмишда бу ерда яшаган халқларнинг ҳаётига онд деярли битта ҳам асар бизгача етиб келмаган. Айрим сайёҳларнинг афсонавий ҳикоялари, грек тарихчиларининг тўлиқ бўлмаган маълумотларигагина асосланиб ислом тарқалишидан илгариги халқимизнинг кўп асрлик ҳаётини тўлиқ тасвирлаш мумкин эмас, албатта. Бинобарин, амалда бутун Урта Осиё тарихи, шу жумладан Хоразм тарихи ҳам VII—VIII асрлардаги араб истилоси давридан бошланар эди. Бунга асосий сабаблардан бири ислом динини тарқатувчи аҳлларнинг ўша даврда ғайри халқларни ўзига бўйсундириш йўлида олиб борган сиёсатидир. Бунга Хоразм ёрқин мисол бўла олади. Хоразмнинг араб халифалигининг истилосидан илгариги тарихига ойд илмий ва бошқа асарлар ҳамда уларни яратган маҳаллий олимлар Қутайба бошчилигидаги араб истилочилари томонидан ваҳшийларча йўқ қилинган. Урта асрнинг машҳур мутафаккир олими хоразмлик Абу Райҳон Бируний бу тўғрида «Ўтмиш авлодларнинг ёдгорликлари» деган асарида шундай деб ёзади: «Қутайба хоразмликларга маълум бўлган фанларни ўқий оладиган, уларнинг ривоятларидан хабардор ва Хоразм ёзувини яхши билган кишиларни турли азобуқубатларга солди ва қириб ташлади. Натижада бу ривоятлар шу даражада йўқолиб кетдики, ҳозирда, ислом дини вужудга келгандан сўнг, ҳатто хоразмликлар аҳволи нима бўлганлигини ҳам аниқ билиб бўлмайди».

Узоқ ўтмишнинг тилсиз шоҳиди бўлган ва чексиз саҳро ичида қад кўтарган беҳисоб харобалар асрлар давомида халқнинг ажойиб эртак ва дostonларида куйланиб келган, холос. Қорақум саҳролари ичида ўрнашган дабдабали қалъалардан бирининг номи халқимизнинг сеvimли лирик поэмаси «Шоҳсанам ва Ғариб» дostonи билан боғлиқ. Ана шу ва бошқа кўпгина дostonларда учрайдиган Ширвон, Ёрбакир, Бадиркант, Қирққиз каби сўзлар билан маҳаллий аҳоли харобаларни атайди.

Аммо айрим қалъаларнинг ҳозир халқ оғзида тарқалган номлари кишида даҳшат ва қўрқинч туғдиради. Қўйқирилганқалъа, Одамлиқалъа, Қумбосганқалъа, Қумқалъа, Тупроққалъа каби харобаларнинг номи бу ерларда узоқ вақтлардан бери ҳаёт сўнганлигидан, табиатнинг жоҳил кучлари остида бир қанча фожиали воқеалар бўлганлигидан дарак беради.

Демак, совет археологлари олдида Қизилқум ва Қорақум саҳролари орасида, дайди Амударёнинг қуйи оқимида жойлашган қадимги Хоразмнинг қоронғуликка айланган узоқ ўтмишдаги тарихини қайтадан тиклаш, тилсиз харобаларни сўзлатиш вазифаси турар эди.

Бу мураккаб масалани ечишда совет тадқиқотчилари ихтиёрида ўтмишдан қолган жуда кам манбалар ва шу манбалар асосида ёзилган буржуа олимларининг айрим асарлари устида тўхтаб ўтишга тўғри келади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, ислом дини тарқалгунча бўлган даврни ёритиш учун маҳаллий ёзма манбалар мутлақо йўқ. Мавжуд тарқоқ ва чигал маълумотлар ҳам эрамиздан олдинги VI асрнинг иккинчи ярмига — аҳмонийлар даврига мансубдир. Хоразм тўғрисидаги дастлабки маълумотлар Эрон шоҳлари томонидан қоя ва қабр тошларига ўйиб ёзилган зафарномаларда учрайди. Бу ёзмаларда Хоразм аҳмоний империясининг Урта Осиёдаги областларидан бири деб кўрсатилади. Айнан шундай маълумот тарих илмининг отаси машҳур грек тарихчиси Геродот асарларида ҳам мавжуд. Геродотнинг ёзишича, Хоразм Дорий давлатининг XVI сатрапияси (области) бўлиб, 300 талант солғит (солиқ) тўлаб турган. Ҳатто хоразмликлар Эрон шоҳи Ксеркснинг Грецияга қилган юришида ҳам иштирок қилганлар. Эрамиздан олдинги V асрларда эса аҳмонийлар давлатининг айрим вилоятларида хоразмликлардан мансаб бошида турганлар ҳам бўлган. Хоразм фақат IV асрга келибгина мустақил бир давлат сифатида тарих саҳифаларидан ўрин олади. Грек авторлари Арриан ва Курций Хоразм шоҳи Форосмонни 1500 отлиқ қўшин билан эрамиздан илгариги 329—328 йилларда Бактрияга келган македониялик Искандар билан учрашиб, ундан иттифоқдош бўлишни сўраганлигини хабар қиладилар. Страбон асарларида греклар билан урушда енгилиб Хоразмга қочиб қутулган Зарафшон воҳасидаги Суғд мамлакатидан чиққан халқ қаҳрамони Спитамен ҳақида сўз юритила-

ди. Эрамиздан олдинги II—I ва эрамизнинг VIII асрларига оид айрим маълумотлар Хитой манбаларида ҳам учрайди. Эрамизнинг биринчи асрларига доир маълумотлар кам бўлиб, фақат VI асрнинг II ярмига келиб Хоразмни Турк ҳоқонлигига вакил бўлиб келган Византия элчиси Земар тилга олади.

Хоразмнинг қадимги даврига оид жуда ҳам муҳим тарихий лавҳалар араб истилосидан кейинги алоҳида қудратли Хоразм давлати барпо топгандан сўнгги даврдаги маҳаллий ва араб авторларининг асарларида ҳам мавжуд. Шулардан энг қимматлиси хоразмлик мутафаккир Бирунийнинг бизгача етиб келмаган «Хоразм тарихи»дир. Бу ажойиб асардан айрим парчалар фақат қўшни мамлакатда ижод қилган тарихчиларнинг асарларида сақланиб қолган.

Шундай қилиб, Хоразм тўғрисидаги маълумотлар жуда ҳам кам эканлиги билиниб турибди. Айтиб ўтилган манбаларнинг асосий камчилиги шундан иборатки, уларга асосланиб антик Хоразмда қандай ижтимоий тузум бўлганлиги, бу ерда яшовчи халқларнинг моддий ва маънавий ҳаёти қандай бўлганлигини мутлақо билиш мумкин эмас. Шунга кўра методологик жиҳатдан ожиз бўлган буржуа олимлари антик Хоразмни ва бутун Ўрта Осиёни қадимдан феодализм тузуми билан боғлиқ бўлган ва бу ерда қулдорлик формацияси бўлмаган деган фикрни юритадилар. Бундай нотўғри фикрлар машҳур рус шарқшуноси академик В. В. Бартольд ва революциядан илгариги бошқа тадқиқотчиларнинг асарларида ҳам мавжуд. Аммо кўп олимлар, жумладан В. В. Бартольд, К. А. Иностранцев, Н. Веселовский, П. Лерх, В. В. Тарн, Захау, Томашек ва Маркварт Хоразмнинг қадимги тарихини тушунишга анча интилганлар. Қадимги Хоразмнинг қудратли давлат бўлганлигини кўрсатишда Маркварт анча ишлар қилган. Бу фикр устида инглиз олими Тарн ҳам иш олиб борган. Айрим тадқиқотчилар эса археологик текширишлар ўтказишга ҳам ҳаракат қилиб кўрганлар. Бундай текширишлар Ўрта Осиёнинг айрим жойларида жуда ҳам кичик масштабда ўтказилган. Бундай ишлар орасида Афросиёб, Самарқандда Вяткин ва Ашхобод яқинидаги Ановда олим Пумпелли томонидан ўтказилган археологик қазилмалар диққатга сазовордир. Шунини айтиб ўтиш лозимки, буржуа олимлари учун археологик текширишлар муҳим манба сифа-

тида эмас, балки ўз фикрларини тасдиқлаш учун айрим мисол сифатида хизмат қилган, холос. Айрим даврларда тасодифан ўтказилган бу битта-яримта текширишлар чор ҳокимияти томонидан ҳеч қўллаб-қувватланмаган. Чунки чоризм Ўрта Осиё халқларининг жуда ҳам бой қадимги тарихини билишга қизиқмасди. Бинобарин, Улуғ Октябрь социалистик революциясигача Ўрта Осиёда каттароқ масштабда археологик қазилмалар олиб бориш у ёқда турсин, ҳатто мавжуд бўлган тарихий ёдгорликларнинг кўпгина турлари фанга маълум ҳам эмас эди. Фақат Совет даврида партия ва ҳукуватимизнинг чексиз ғамхўрлиги туфайли мисли кўрилмаган миқёсда археологик ёдгорликларни текшириб ўрганишга катта эътибор берилди бошланди. Шундан кейингина Ўрта Осиё, шу жумладан Хоразм халқларининг энг қадимги даврдан то XIX асргача бўлган давр ичида босиб ўтган турли тарихий йўллари аниқлаб олишга муяссар бўлди. Марксизм-ленинизм методологияси билан қуролланган совет археологларининг бўм-бўш ётган харобалар ва ер остидан қазиб олинган ишлаб чиқариш воситалари, зеби-зийнат ва бошқа моддий буюмларни илмий жиҳатдан текширишлари, қадимги жамиятнинг жонли ҳаёти ҳамда унинг тарихий тараққиёт қонунларини кўз олдимизга келтиришга имкон беради. К. Маркс «Капитал» номли ўлмас асарида ўтган формациялардаги ишлаб чиқариш воситаларининг қолдиқлари аҳамиятига баҳо бериб қуйидагиларни ёзади:

«Йўқ бўлиб кетган ҳайвон турларининг сақланиб қолган суякларининг тузилиши шу ҳайвонлар гавдасининг тузилишини ўрганиш учун нақадар аҳамиятли бўлса, меҳнат воситаларининг қолдиқлари ҳам йўқ бўлиб кетган ижтимоий-иқтисодий формацияларни ўрганиш учун шу қадар аҳамиятлидир».<sup>1</sup>

Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистон территориясида археологик текширишлар совет даврида асосан 30-йиллардан бошлаб авж олди. Бу ишни СССР Фанлар академиясининг Ўрта Осиё республикаларидаги филиаллари (ҳозир бу республикаларнинг ҳаммасида ўз фанлар академияси бор), Ленинград ва Москвадаги илмий ташкилотлар, алоҳида Моддий маданият тарихи академияси

<sup>1</sup> К. Маркс. Капитал. I т. Ўздавнашр. Тошкент, 1955, 204-бет.



(ҳозир СССР Фанлар академиясининг Археология институти), Шарқ маданияти Музеи каби ташкилотлар олиб борган.

Г. В. Григорьевнинг 1934 йилдан бошлаб бир неча йил давомида Тошкент атрофидаги ёдгорликларни ва Самарқанд яқинидаги антик даврга оид шаҳар — Тали-Борзувни қазиб текширишлари натижасида ажойиб натижалар қўлга киритилган.

Ўзбекистонда М. Е. Массон раҳбарлигидаги (1936—1938 йилларда) Термиз комплекс экспедицияси ва унинг 1939 йилдаги Катта Фарғона каналида ишлаган экспедицияси муҳим текширишлар ўтказди. В. А. Шишкиннинг 1937 йилда Бухоро воҳасининг ғарбий қисмида, А. И. Тереножкин, Р. Н. Набиев ва бошқаларнинг 1939—1940 йилларда Тошкент яқинидаги Оқтепада ҳамда Тошкент каналида ўтказган текширишлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Сурхондарёнинг Бойсун тоғларида 1938 йилда А. П. Окладников тадқиқ қилган илк тош даври (палеолит)га оид макон жаҳон фанига қўшилган зўр ҳиссадир.

Урушдан кейинги даврда Ўрта Осиёда яна ҳам кенг миқёсда археологик текширишлар олиб борилди. Атоқли тарихшунослар А. А. Фрейман, марҳум А. Ю. Якубовский томонидан кўп йиллар давомида олиб борилган ишлар ва А. Л. Беленицкий раҳбарлигидаги катта Тожикистон экспедицияси, М. Е. Массон бошчилигидаги Жанубий Туркменистон экспедицияси, Ўзбекистон археологлари Я. Ф. Фуломов, В. А. Шишкин раҳбарлигидаги ҳамда кўпгина бошқа экспедицияларнинг самарали меҳнати натижасида севикли Ватанимизнинг кўп томли тарихи янгидан-янги саҳифалар билан бойиди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг фахрий академиги Сергей Павлович Толстов бошчилигида СССР Фанлар академиясининг Хоразмда иш олиб борган экспедицияси Совет Шарқидаги халқларнинг қадимий тарихини ўрганишда ва бу халқларнинг жаҳон маданияти тарихи хазинасига қўшган ҳиссаси тўғрисидаги ҳақиқатни кўтаришда асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Бу машҳур экспедиция ўз ишини 1937 йилдан бери муттасил олиб бормоқда. Аммо Хоразм харобаларини биринчи бўлиб С. П. Толстов экспедициясидан илгари 1928—1929 йилларда А. Ю. Якубовский экспедицияси текшира бошлаган. Бу экспедиция асосан ўрта аср Хоразм шоҳлари-



Хоғазм экспедициясининг бошлиғи профессор Сергей Павлович Толстов (ўртада) археологик разведка вақтида Қизилқум саҳроларида.

нинг маркази Урганч вайроналарини тадқиқ қилган эди. 1934 йилда Туркменистоннинг Тошҳовуз области территориясидаги Замахшор қалъасида (ўрта аср ёдгорлиғи) М. В. Воеводский экспедицияси археологик иш олиб борган. Лекин бу экспедициялар ўрта асрга оид маданий қатламларни текширганлар, холос.

Ислом дини келиб чиқишигача бўлган даврни, яъни қадимги Хоразмни биринчи марта ўзбек археологлари Я. Фуломов ва Т. Мирғиёсовлар текшира бошлаган. Улар 1936 йилда Манғит қошидаги Кубатов тепалигидаги эрамиздан илгариги биринчи минг йилликнинг ўрталарига оид қабристонни қазиб кўрганлар. Бир йилдан кейин Я. Фуломов Жанубий Қорақалпоғистондаги «қадимги суғорилган ерларни» текширишга қайтадан киришган. Уша йили Хоразм экспедицияси шу территорияда ўзининг кенг фаолиятини бошлаган эди.

Экспедиция раҳбари С. П. Толстов ҳам ажойиб археологик дурдоналарга эга бўлган бой хазина— Хоразмга биринчи марта 22 ёшда — 1929 йилда Ижтимоий фанлар илмий текшириш институтлари Россия ассоциацияси (РАНИОН)нинг экспедицияси составида келганди. Дастлабки келишидаёқ таланти ёш олим Сергей Павлович


бу ўлкани севиб қолган, унинг тарихий қимматини яхши тушуна олган. У Сталин мукофоти лауреати олишга муяссар бўлган монументал «Қадимги Хоразм» деган аса-рида шундай деб ёзади: «Бу экспедиция авторнинг келажакда қиладиган ишларининг йўналишини белгилаб берди. Доимо учрайдиган хилма-хил тасодифий вазифалар унинг эътиборини ҳар қанча чалғитмасин, барибир у мамлакатимизнинг энг қадимги маданий областларидан бири бўлган, ўзига хос Ўрта Осиё «Мисрининг» тарихи, этнографияси ва археологияси билан қизиқди».<sup>1</sup>

Иккинчи марта Толстов 1932, кейин 1934 йилларда СССР халқлар музейининг Ўрта Осиё тарихий ва этнографияк экспедициясининг раҳбари сифатида Хива, Тўрткўл ва Чимбой районларида бўлган. Шундан кейин Сергей Павлович Хоразмни фақат Ўрта Осиёдагина эмас, балки бутун қўшни мамлакатлар тарихида муҳим роль ўйнаганига амин бўлиб, бу территорияда кенг миқёсда археологик текширишлар бошлаб юбориш фикрига келган эди. Толстов мақсад қилган экспедиция СССР Фанлар академияси томонидан ташкил қилиниб, 1937 йилда унинг раҳбарлигида ўз фаолиятини бошлайди. Экспедиция ходимлари Улуғ Ватан уруши бошлангунга қадар *илмий разведка олиб бориб, сувсиз Қорақум ва Қизилқум саҳроларида туяда ва пиёда юзлаб километр масофани босиб ўтганлар. Бу жасуруна юриш натижасида илгари маълум бўлмаган сон-саноқсиз тарихий ёдгорликларни кашф қилиб, уларни текширишга киришилган эди. Аммо тинч ҳаётимизни бузган уруш туфайли совет тадқиқотчилари илмий фаолиятларини вақтинча тўхтатиб, қўлга қурол олиб азиз Ватанни ҳимоя қилишга отландилар. Уруш ғалаба билан тугаб, жаҳонда тинчлик таронаси янграй бошлагач, археологларимиз ҳам ўзларининг саҳро томон юришларини ҳар қандай шароитда юра оладиган машина (вездеход)лар ва авиация ёрдамида қайтадан бошлаб юбордилар.*

Бир неча отряддан иборат бўлган бу машҳур экспедиция шарқда Сирдарё ва марказий Қизилқумдан, ғарбда то Каспий денгизининг шарқий ва жанубий қирғоқларигача бўлган кенг территорияда ибтидоий даврдан бошлаб ўрта асрнинг охирларигача оид бўлган кўп ёдгор-

---

<sup>1</sup> С. П. Толстов. Древний Хорезм. Издание МГУ. Москва, 1948, 8-бет.



Техника археологлар хизматида. Кўҳна Урганч харобалари.

ликларни топиб текширди. Шундай қилиб археологларимиз олдида жуда ҳам бой тугалмас тарихий дурдоналарга эга бўлган ажойиб музей пайдо бўлган эди. Экспедиция қадимги ва ўрта аср суғориш иншоотларини, катта Сарикамиш ҳавзаси ва Амударё қолдирган кўп тармоқларини текшириш, Хоразмнинг ирригацион тарихини аниқлабгина қолмай, кўпдан бери ечилмай келган Узбой масаласини ҳал қилишга ҳам муяссар бўлди.

Шундай қилиб, жасур совет тадқиқотчилари олдида ожиз бўлган афсонавий ёдгорликлар хазинасига айланган бу кимсасиз чўли-биёбон ўз сирларини бир-бир очар ва уларга ўтмиш воқеаларини дoston-doston қилиб айтиб берарди. Хоразм экспедициясининг кўп йиллик текширишларига яқун ясовчи С. П. Толстовнинг «Қадимги Хоразм», «Қадимги Хоразм цивилизацияси изидан» каби китоблари, ҳамда экспедиция ходимларининг бир неча илмий асарлари Ўрта Осиё халқларининг тарихини ўрганишда муҳим бир босқич ҳисобланади.

Хоразм экспедициясининг қилган кашфиётлари Ўрта Осиёдагина эмас, балки жаҳон тарихида ҳам катта аҳамиятга эга.

Бу кашфиётлар буржуа олимларининг Ўрта Осиё территориясида «исломгача даврда» феодализм тузуми

ҳукмрон бўлган деган фикрни рад қилади. Совет тадқиқотчилари Ўрта Осиёда, Хоразмдаги мавжуд кўпгина дабдабали шаҳар ва қалъалар, жуда катта канал ва ариқлар, бепоён экинзорлар, ибтидоий иш қуроллари — озод деҳқонлар кучи билан эмас, балки ҳукмрон синфга бутунлай тобе бўлган қулларнинг меҳнати туфайли пайдо бўлиши мумкинлигини тасдиқлаб берди. Маълумки, илк феодализм даврида, яъни IX—XII асрларда бутун Ўрта Осиёда, шу жумладан қудратли Хоразм давлатида фан ва маданият гуриллаб ўсиб, жаҳонга Абу Али ибн Сино, ал Бируний, ал Хоразмий каби машҳур сиймоларни етказиб берди. Бундай юқори босқичдаги маданият, албатта, узоқ давр ичида шаклланиб келаётган бир замин асосида пайдо бўлиши мумкин. Асрлар давомида ҳукм суриб келган қулдорлик тузуми ана шундай замин бўла олади. Бу фикрни яна ҳам қувватлаш учун Ф. Энгельснинг қўйидаги сўзларини эсга олайлик: «...Қуллик бўлмаганда, грек давлати, грек санъати ва грек фани ҳам бўлмас эди; қуллик бўлмаганда Рим давлати ҳам бўлмас эди. Греция билан Рим қуриб берган пойдевор бўлмаганда эса — ҳозирги Европа ҳам бўлмас эди. Бизнинг бутун иқтисодий, сиёсий ва ақлий тараққиётимизнинг дастлабки шарти шундай бир тузумдан иборат бўлганки, бу тузумда қуллик қай даражада умум томондан эътироф қилинган бўлса, ана шу даражада зарур эди, — буни биз ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Ана шу маънода биз: антик қуллик бўлмаганда, ҳозирги замон социализми ҳам бўлмас эди, деб айтишга ҳақлимиз»<sup>1</sup>. Бу чуқур маъноли сўзларни эсга олар эканмиз, Ўрта Осиёда ҳам шаклланган қулдорлик жамияти бўлмаганда, Ўрта асрларда пайдо бўлган қудратли Хоразм давлати, унинг гуллаган санъати, замонасига нисбатан илғор фани ҳам бўлмас эди, десак хато қилмаган бўламиз.

Хоразм ва бошқа экспедицияларнинг иши Ўрта Осиё халқларининг қадимги даврда жуда ҳам юқори босқичдаги ўзига хос мустақил бир маданиятга эгаллигини аниқ кўрсатиб берди. Бунинг натижасида буржуа олимларининг ирқий назария асосида «Цивилизацияли Ғарбни варварлик Шарққа» қарама-қарши қўйиш учун қилган интилишларига янгидан қатъий зарба берилди.

<sup>1</sup> Ф. Энгельс. Анти-Дюринг, Ўздавнашр, 1957. 228-бет.

Совет тадқиқотчилари эрамиздан бир неча асрлар илгари вужудга келган ва юксак даражада тараққий этган қадимги Хоразм цивилизациясини марксистик позицияда туриб тарих фани соҳасидаги идеализм ва догматизмга, буржуа «тарихчи»ларининг гўё Ўрта Осиё халқлари тарихий халқ «эмаслиги», уларнинг маданияти Эрон ва бошқа мамлакатларнинг маданиятига «тобе эканлиги» ҳақидаги даъволарни фош қилиб ташладилар. Улар рад қилиб бўлмайдиган бой далиллар билан Шарқ халқлари, шу жумладан Ўрта Осиё халқлари ҳам худди Ғарб мамлакатлари халқларидек марксизм-ленинизм очган тарих қонунлари асосида тараққий этганликларини исботлаб бердилар.

Ўрта Осиё, жумладан Хоразм ҳам қишлоқ хўжалиги бой бўлган ўлкалардан биридир. Баъзи бир буржуа тадқиқотчилари бу гўзал ўлкада узоқ ўтмишда фақат кўчманчи, ваҳший қабилалар яшаган бўлиб, бу ерлар жазирама чўли-биёбонлардан иборат бўлган деб ҳисоблайдилар. Совет археологларининг кўп йиллик самарали ишлари натижасида Ўрта Осиё — деҳқончилиги тараққий қилган ўлка бўлганлиги исботланди. Қизилқум ва Қорақум саҳроларида, Амударё, Сирдарё, Зарафшон, Мурғоб ва Тажан дарёларининг воҳаларида, Копетдоғ ва Фарғона водисини ўраб олган тоғ этакларида топилган сон-саноқсиз кўҳна харобалар, сунъий тепалар, катта-кичик ариқ ва далалар бўлганлигини кўрсатувчи нишонлар бу фикримизнинг гувоҳидир.

Ўрта Осиё халқларининг қадимдан мустақил, ўзига хос юқори маданиятга эга бўлганлигини яна бир кўрсатувчи далил — жуда ҳам кенг территорияда кашф этилган ажойиб архитектура, санъат ва ёзув дурдоналаридир. «Ирқий» назарияни тарғиб қилувчи буржуа олимларининг узоқ аждодлари ваҳшийлик маданиятига энди эришган бир пайтда, қадимги Нисадан топилган фил суягидан ишланган ритон (қадаҳ идиш), Хоразмнинг кўп жойида учрайдиган лойдан ва сополдан ясалган хилма-хил ҳайкаллар, Тупроққалъада топилган қадимги Хоразм ёзуви ва бой расм галереяси, Тожикистоннинг Муғ тоғида очилган суғд даврига оид архив, Болалиқтепа ва Панжикентда кашф этилган ҳар хил маросимларни тасвирловчи ажойиб ранг-баранг расмлар, Варахшанинг гўзал ганч ҳайкал ва безаклари, бутун антик даврда қурилган ҳашаматли қалъаларнинг

архитектураси — Ўрта Осиё халқларининг қадимги аж-  
подлари қанчалик юқори маданиятли бўлганликларини  
ёрқин кўрсатиб турибди.

## КУҲНА КАНАЛ ВА АРИҚЛАР БЎЙЛАБ

Волга дарёсининг пастки оқимидаги Астрахань шаҳ-  
ри Буюк император Пётр I замонида рус империясининг  
Шарқдаги энг катта савдо марказларидан бири эди. Ас-  
траханда Ўрта Осиёдан келган савдогарлар кўп бўлиб,  
улар қизғин савдо-сотиқ ишларини олиб борганлар.  
Иқтисодий жиҳатдан кўтарилаётган рус давлати Шарқ  
мамлакатлари билан алоқаларни яна ҳам кучайтириш  
мақсадида ана шу давлатлар тўғрисида мукамалроқ  
маълумотларга эга бўлишни истар эди. Бинобарин,  
1713 йилда Астраханда пайдо бўлган туркман Хўжа  
Непеснинг хоразмликлар Амударё қумларидан жуда кўп  
олтин ажратиб олмоқда, деган хабари рус савдогарлари  
ва давлат арбобларининг диққатини ўзига жалб қилади.  
Бундай хуш хабарни эшитган рус князи Сомонов (хрис-  
тианликни қабул қилган форс) ўз императори Пётр I ни  
хурсанд қилиш учун Хўжа Непесни унинг олдига бош-  
лаб боради. Хўжа Непес Пётрга Хоразмда олтин борли-  
гидан ташқари, Амударё бир вақтлар Каспий денгизга  
қуйилганини ва унинг ҳозиргача эски ўзани борлигини  
гапириб беради. Хўжа Непес экспедиция ташкил қилиш-  
ни таклиф қилган ва бу тадбирни ўтказишда туркман  
қабилалари ёрдам кўрсатади, деб ваъда берган. Уша  
вақтда Петербургга борган Хива хонининг элчиси Ашур-  
бек ҳам Амударё суви илгари Каспий денгизига қуйил-  
ган, деган фикрни тасдиқлайди. Деярли бир вақтда Си-  
бирь губернатори Гагарин Пётрга «Кичик Бухорода»,  
яъни Шарқий Туркистонда ҳам бой олтин зарралари  
бор, деб хабар қилган эди.

Буни эшитган Пётр I Ўрта Осиёга ўз таъсирини ёйиш  
ва бу бой ўлка билан савдо муносабатларини кучайти-  
риш мақсадида иккита экспедиция тузади. Экспедиция-  
нинг биттасига князь Александр Бекович-Черкасскийни,  
иккинчисига капитан Иван Бухгольцни бошлиқ қилиб  
тайинлайди. Бекович-Черкасскийнинг асосий вазифала-  
ридан бири «дарё оқимини яна эски ўзанга буриб, уни  
Орол денгизига қуйилмайдиган қилиш» учун имкон бор,  
йўқлигини аниқлаш топширилган эди. Фожиали мағлу-

биятга учраган бу экспедиция Пётр I қўйган вазифаларни бажара олмади. Аммо экспедиция Хоразм билан Россия ўртасидаги муносабатларни кучайтишга асос солди. Амударёнинг Каспий денгизига оққанлиги тўғрисидаги фикр эса шу районни жиддий текшириш учун йўл очиб берди.

Пётр умрининг охиригача Ўрта Осиё хонликларининг ҳаёти ва шу ўлкага йўл-очиш имконияти тўғрисидаги маълумотларга тўлиқ эга бўлиш мақсадидан кечмади. Унинг буйруғи билан 1719 йилда Каспий денгизини текшириш учун янги экспедиция ташкил қилинади. Бу экспедициянинг ва ундан олдинги экспедицияларнинг тўплаган материаллари асосида 1720 йилда Каспий денгизининг биринчи картаси тузилган эди. Қеласи йили Бухорога элчи қилиб жўнатилган Флорио Беневени Хивага ҳам бориб бу мамлакатлар тўғрисида қимматли тарихий, географик ва этнографик маълумотлар олиб келган. Аммо мазкур тадбирлар Пётрнинг Амударё тўғрисидаги зарур маълумотлар билан таъмин қила олмади... Фақат Совет даврида Амударё ўз сирларини тўлиқ очиб берди. Каспий ва Орол денгизи ўртасидаги кенг территорияда юзлаб километр қуриб қолган дарё ўзанларининг қолдиқлари катта-кичик ариқ излари, қум уюмлари орасида сезилар-сезилмас учрайдиган қадимги полизлар асрлар сари кўп сайёҳларни ҳайратда қолдирган. Совет тадқиқотчиларининг тарихий геология ва гидрогеология, палеогеография<sup>1</sup> ва археология соҳасида ўтказган кўп йиллик ишлари Амунинг келиб чиқиш тарихи ва кўпдан бери ҳал бўлмаётган Узбой проблемасини ечиб берди. Узбой масаласини ечишда археологлар узил-кесил фикр айтган эди.

Орол денгизи билан Каспий денгизи ўртасидаги катта территорияда ибтидоий даврдан бошлаб ўрта асрларнинг охиригача бўлган даврга оид сон-саноксиз ёдгорликларни учратиш мумкин. Бу ҳолат Амударё қуйи оқимининг шаклланиш тарихини ва бу районнинг палеогеографиясини тушунишга ёрдам беради.

Маълумки, Амударёнинг баракали суви бўлмаганда Хоразм ҳам бўлмас эди. Халқнинг «сувсиз ҳаёт бўлмас» дегани ва сувни нур билан тенглаштириши бежиз эмас, албатта. Ўрта асрнинг атоқли географи ва тарихчиси

<sup>1</sup> Ернинг қадимги қиёфасини текширадиган фан.



Истахрийнинг айтишича: Хоразм Жайхун (Амударё) нинг бутун фойдасини ола билган мамлакатдир». Бинобарин, Хоразмнинг тарихини яхши тушуниш учун ҳаётбахш Амунинг тарихини ва унинг характеристикасини ҳам билиш зарур.

Амударё Ўрта Осиёнинг энг йирик дарёси бўлиб, узунлиги 2336 километрга тенг. Амударёнинг ирмоқлари беш минг километр баландликда — абадий қор ва музликлар билан қопланган Помир ва Ҳиндиқуш тоғларидадир. Дарёнинг юқори қисми тоғлар орасида бўлиб, ўрта ва пастки қисми кенг саҳро ичидан оқиб ўтади. Унинг энг юқори оқими бешта асосий ирмоқдан — Вохондарё, Помирдарё, Гунт, Ванч ва Вартонг дарёларидан иборат бўлиб Панж (бешта) номи билан аталади. Амударё Вахш ирмоғи қўшилган жойдан бошлаб ўз номи билан (Амударё) юритилади. Бу ирмоқларнинг баланд тоғ қоялари орасидан оқиб, ҳар километр масофада беш метр пастга тушиши сабабли Амударё жуда тез ва даҳшат билан оқади ҳамда ўз тўлқинлари билан жуда кўп миқдорда серунум минерал жинсларни лойқа ҳолда оқизиб олиб кетади. Амударёга Сурхон келиб қўшилган жойнинг пастроғидан бошлаб 1036 километр масофада чексиз жазирама Қорақум ва Қизилқум саҳролари орасидан оқиб ўтиб, Орол денгизига келиб қуяди. Ана шу масофада унга ҳеч қандай ирмоқ келиб қўшилмайди. Оролга тахминан 150 км қолганда—Нукус шаҳрига яқин жойдан Амударёнинг кўп тармоқли дельтаси бошланади, ана шу жойлар қамишзор ва тўқайзорлардан иборат.

Амударёнинг сувлари қор ва музликлар эришидан пайдо бўлиб, йилига бир неча марта тошади. Бу тошқинлар экинларнинг сувга муҳтож бўлган даврига тўғри келгани сабабли маҳаллий деҳқонлар кўп асрлик тажрибага асосланиб тошқинлар календарини тузганлар. Шунинг учун Хоразмда дарё тошқинининг қачон бошланишини биладиган ва дарё режимининг қай тарзда ўзгаришини айтиб берадиган махсус кишилар ҳам бўлган. Уларнинг календариди тўрт тошқин кўрсатилади. «Кўк қамиш тошуви» дейилувчи биринчи тошқин март ойининг охирларида, кўлларда қамиш эндигина ўсиб чиққан пайтларда бошланади. Қамишнинг тез ёки секин ўсишига қараб хоразмликлар тошқиннинг ўз вақтида бўлишини ёки кечикишини аниқлай билганлар. Апрель ойининг

ўрталарида Орол денгизидан оқ балиқлар Амударёнинг юқори оқмига ўта бошлайди, шунга қараб иккинчи тошқин белгиланади. Бунга «Оқ балиқ тошуви» дейилади. «Юлдуз тошуви» — учинчи тошқин май ойининг ўрталарига тўғри келади. Деҳқонлар бу тошқинни Хулкар юлдузлар туркумининг кўриниш вақти билан белгилайдилар. Тўртинчи тошқин — «Қирқ чилғов тошуви» (ёзги чилла) июннинг иккинчи ярмида бошланиб, қирқ кунча давом этади. Бу тошқин тўғрисида Бируний ҳам ёзган эди.

Тошқин даврида дарё сувининг анча қисми деҳқончиликка кетади. Бутун Амударё сувининг 25 проценти халқ хўжалигига сарф бўлади (шундан 18 проценти фақат суғоришга кетади). Бу эса мамлакатимизда энг катта дарёлардан бири бўлган Днепрнинг умумий сув ҳажмидан ҳам кўп. Амударёнинг деҳқончиликка кетадиган сувининг кўп қисми Хоразм воҳасида сарф бўлади.

Ҳаётбахш бу дарё жуда қизиқ ва бой тарихга эга бўлиб, афсона ва эртақларда, ашула ва дostonларда куйланиб келади. Аму деган ном дарёнинг ўзига нисбатан жуда ҳам ёшдир. Бу ном, профессор Я. Ғ. Ғуломовнинг айтишича, Хуросон ва Моварауннаҳр ўртасида асосий ва энг кўп ўтиш жойи бўлмиш Амуя (Чоржўй) шаҳри билан боғлиқдир. Қадимги грек авторлари Амударёни Окс ёки Оксус, араб ёзувчилари эса «Жайхун» деб атайдилар.

Амударё Ўрта Осиёнинг бошқа катта дарёлари каби учламчи даврнинг иккинчи ярмида пайдо бўлган. Бу Помир, Олой ва Тянь-шань тоғлари кўтарила бошлаган бир давр бўлиб, бутун Ўрта Осиё текисликларини қоплаган денгиз ғарбга томон чекина бошлаган. Денгиз чекингандан кейин очилиб қолган ерлар эса қадимги дарёларнинг дайдиш майдонига айланади. Шундай дарёлардан энг каттаси қадимги Аму ўша даврдан то тўртламчи давр ўрталаригача Қорақум саҳросида дайдиб қадимги Хазар ҳавзаси (ҳозирги Каспий денгизи)га қўйган. Кейин ер қатламида бўлиб турган тектоник ҳаракатлар натижасида ва дарёнинг кучли оқимидан пайдо бўлган қалин қумлоқлар Амударё йўлини ўзгартади. Қадимги Аму Ўрта Осиё текисликларининг пасайган томонига, яъни шимолга — ҳозирги Хоразм воҳаси томон ёйилиб оқа бошлайди. Дарёнинг катта ўзанларидан бири ер қатлами ўзгариши натижасида пайдо бўлган чуқур-

лик — Сариқамиш кўлига қуйган, иккинчиси Оқча дарё орқали шимолга, учинчиси эса Орол чуқурлигига оқиб янги кўл ташкил қила бошлаган, Сариқамиш кўлининг чуқурлиги 110 метр бўлиб, 11 минг квадрат метрдан кўпроқ майдонни эгаллаган, Амударёнинг асосий ўзани Сариқамишга қўйиб, ундан Узбой орқали яна қадимги Каспийга оққан. Бу даврда Каспий денгизининг суви ҳозиргига нисбатан 70—80 м баланд бўлган. Тўртламчи даврнинг бошларида Сирдарё ҳам Қизилқум саҳроларини ташлаб шимолга — Орол бўйларига қараб оқа бошлайди.

Натижада тўртламчи давр давомида Амударёнинг учта дельтаси — қуриб қолган Оқчадарё, Кўҳнадарё (ёки Дарёлик, яъни Сариқамишга қуйган ўзани) ва ҳозирги Оролга қўйиб турган ўзани ҳамда қадимги Сирдарё дельтаси ташкил топади. Қорақум ва Қизилқум саҳроларининг шимолда учрайдиган ва ҳозиргача сақланиб келган кўҳна ўзанларнинг юзлаб километр узунликдаги излари қадимги Аму ва Сирдарёнинг дайдиб жуда кўп тармоқлар пайдо қилганлигидан далолат беради. То тўртламчи даврнинг ўрталаригача Амунинг асосий тармоғи Кўҳнадарё ва Довдан бўлган. Чунки Амударё сувининг кўпчилиги Сариқамишга оқмаганда, яъни шундай катта чуқурлик тўлдирилмаганда Узбойдан Каспийгача сув оқмаган бўлар эди. Узбой қирғоқларида, Сариқамиш чуқурлигининг жанубий ва шарқий бўйларида, Кўҳна ва Оқча дарёларининг дельтасида топилган жуда кўп неолит даврига оид ибтидоий маконлар ҳам тўртламчи даврнинг биринчи ярмида бу ерда сув сероб бўлганидан дарак беради.

Бу даврда ҳали Орол чуқурлиги тўлмаган ва у ҳозирги шаклига келмаган эди, яъни бошқача қилиб айтганда, Орол денгизи йўқ эди.

Тўртламчи даврнинг ўрталарида Хоразмнинг палеогеографик тузилишида анча ўзгаришлар рўй беради. Тектоник ҳаракатларнинг давом қилиши натижасида Орол бўйлари пасайиб Амударё шимолга қараб Оқчадарё орқали оқа бошлайди. Амунинг асосий суви бошқа томонга оқа бошлагани туфайли, Сариқамиш чуқурлигидаги сув анча камаяди. Бинобарин, Узбойда эндиликда сув илгаригидай доимий бўлмасдан аҳён-аҳёнда оқиб турган.

Шундай қилиб, ибтидоий хоразмликлар бронза даврида, яъни эрамиздан илгариги III—II минг йилликлар-

да аста-секин шимолга — Оқчадарё бўйларига кўча бошлайдилар. Бу даврда иқлим ҳам анча ўзгариб, қурғоқчилик ортади. Энди деҳқончиликка ўтган хоразмликлар сунъий суғориш усулларини аста-секин ўзлаштира бошлайдилар.


Бронза даврида Сирдарё дельтаси ҳозирги шаклга кела бошлайди. Аммо ундан иккита катта ўзан — Қувондарё ва Жанадарё оқиб чиқиб, Амударё билан Сирдарё ўртасидаги кенг территорияда ибтидий маконларнинг пайдо бўлишига имкон туғдиради.

Тахминан биринчи минг йилликнинг бошларида Амударё асосан ҳозирги дельтасини ташкил қилиб, сувнинг кўп қисмини Орол чуқурлигига қуя бошлайди. Орол чуқурлиги ҳам ўша даврдаёқ ҳозирги қиёфага кира бошлайди. Демак, Оролни мамлакатимизда, балки бутун дунёда энг ёш денгиз дейиш мумкин.

Амударёнинг Сарикамишга оқиб турган Кўҳнадарё (Дарёлик), Довдан каби ўзанларида эрамыздан илгариги биринчи минг йилликнинг иккинчи ярмида сув борлигига бу районда учрайдиган Қангақалъа, Кўзалиқир, Кўҳнавоз каби антик давр ёдгорликлари далил бўла олади. Аммо Амударёнинг бу ўзанларидаги сув Сарикамишгача етиб бормаё, сунъий суғориш иншоотлари орқали деҳқончиликка сарф қилинган.

Бу даврда Сирдарёнинг суви асосан Жанадарё ва Қувондарё ўзанлари орқали оқиб, катта-кичик ариқлар орқали Жетиосор, Чирикробот, Оққир, Бобишмулла каби қалъаларнинг аҳолисини таъмин қилиб турган. С. П. Толстойнинг айтишича, бу ерда массагетларнинг тохар ва апасиак қабилалари яшаган. Амударё ва Сирдарёнинг антик давр ўзанларидан чиқарилган сунъий кўҳна канал ва ариқларнинг чексиз излари ҳозиргача сақланиб келган.

Амударё ҳозирги дельтасига тушгандан кейин ҳам бир қанча марта ўз оқимини ўзгартирган. У вақт-вақти билан қапасга тушган шердек ўзини ё ўннга, ё сўлга урар, кучли оқими билан қирғоқларни бузар, суғориш иншоотларини ва деҳқончиликни бир ердан иккинчи ерга кўчиришга мажбур қилар эди. В. В. Бартольднинг айтишича, XII асргача Амударёнинг суви тошган вақтда шарққа интилса, XIII асрдан XVI асргача ғарбга, XVI асрдан XIX асргача эса яна шарққа интилиб, сув босиш хавфини туғдириб турган.



Қўйқирилган қалъа теварагидаги қадимги дала ва ариқ  
изларининг самолётдан кўрinishи.

Шу давр ичида Амударё фақат бир марта ўз дельтасидан чиқиб Сариқамиш чуқурлигига оқиб Узбойга ўтган (XIV аср охири). Дарё суви тошиб қирғоққа чиқа бошлаганидан кейин, аҳоли узоқ масофагача дарё бўйлаб қочи (дамба), яъни кўтармалар, дарёнинг эски ўзанларига тўғонлар қурган. Бинобарин, Темур Хоразми босиб олиш учун, қочи ва тўғонларни очиб юбориши билан тўлиб-тошиб ётган тентак Амударё қадимги ўзани Дарёлик (ёки Қўҳнадарё) орқали Сариқамишга оқа бошлаган. Натижада шимолдан жанубга чўзилган 140 км узунликдаги ва 100 метрга яқин чуқурликдаги кўл ташкил топади, аммо бу ҳолат узоққа чўзилмай, аҳолининг жасурона меҳнати туфайли қочилар қайтадан кўтарилиб, Амударёни ўз оқимиغا тўғрилагандан кейин Сариқамиш кўлининг суви яна камай бошлайди. XVI асрнинг охирига келиб Қўҳнадарёда сув бутунлай тўхтаб, Сариқамиш кўли қуриб, унинг ўрнига чўли биёбон ва шўрлик пайдо бўлади. Қўҳнадарё бўйидаги ажойиб ўрта аср воҳаси ва шу даврга оид Вазир каби кўп қалъалар сув камлигидан харобаликка айланади.

Доимий бўлиб турган тошқин хавфи маҳаллий аҳолини бир қанча ариқ-каналларни қайтадан қазиш, бир

жойдан иккинчи жойга кўчиш, янги ерларни эгаллаш ва бошқа қўшимча меҳнат сарф қилишга мажбур қилиб турган.

Қанча меҳнат сарф қилиб сув чиқарилган Хоразмнинг энг катта сунъий иншоотларидан бири Полвонёпни Аму емиришга уринар ва воҳа сув босиш хавфида қоларди. Буни мустаҳкамлаш учун меҳнаткаш халқ неча кунлаб тер тўкарди. Ваҳимага тушган халойиқ Полвонёпнинг дарёдан чиққан жойи — Тошсоққага аравада, от-эшақда, яёв юриб Хоразмнинг ҳар ёғидан тўпланар эди. Ҳамманинг оғзида ваҳимали сўз — «дейиш». Бу сўз билан хоразмликларни даҳшатга солувчи дарёнинг энг хавфли емирувчи оқими аталган. «Дейиш» қанча шаҳар ва қишлоқларни, боғу-бўстон ва экинзорларнинг бошига сув қуйган. Амунинг даҳшатли оқими бундан минг йил муқаддам қадимги Хоразмдаги Кат шаҳрини олиб кетган бўлса, минг йилдан кейин Тўрткўл шаҳрини ўзининг кучли оқими остида қолдирди.

Меҳнаткаш халқ асрлар давомида ўз ўлкасини сув балосидан сақлаш учун дарё бўйлаб юзлаб километр тупроқдан қочи кўтарар, Полвонёп соқасини қутқариб қолиш учун катта «уламолар» дуо қилиб худони ёрдамга чақирар эди. Бу ҳам натижа бермаса, дарёни тинчитиб учун қурбонлик қилиб мол сўярдилар. Билъакс, бундай анъаналар сув етишмаган пайтларда ҳам ўтказилган. Сув етишмаслигидан қутулиш учун ҳар хил анъаналардан ташқари қўшимча мажбурий қозу (ариқ чопиш) ўтказилган. Бу тадбир асрлар давомида ҳар бир деҳқон учун одат бўлиб қолган ўн икки кунлик мажбурий қозудан ташқари бўлгани туфайли меҳнаткаш халқнинг аҳволига жуда ёмон таъсир қилар эди. Шундай мажбурий меҳнат оқибати натижасида кўп деҳқонларнинг хўжалиги қаровсиз қолар, деҳқон эса қашшоқлик ва тушкунликка учрарди. Бу қўшимча тадбир халқда «бало қозу» деб аталган.

Янги ариқ ўтказиш ва дарё қирғоқларига қочи қуриш, ариқ бошларини тозалаш ва тўғон босиш каби кўп хил тадбирлар давлат томонидан ҳар бир хоразмлик учун мажбурий хизмат бўлиб, унга ҳеч ким ҳақ ва овқат бермас эди. Қозу устида турган «ташкilotчи» соҳибкорларни боқиш учун «қапча пули» солиғини ҳам тўлаганлар. Унинг устига хилма-хил жарималар, арзимайдиган гуноҳ учун ваҳшийларча азоблаш ва дорга осиш

оддий бир воқеа бўлиб қолган. Катта қозу устида энг олий мансабдаги соҳибкорлар туриб, хоннинг бевосита иштироки билан ўтказилган. Катта қозу асосан Полвонёп, Ғозиобод, Шовот каби йирик магистрал каналларда ўтказилган.

Хоразм деҳқончилиги учун бу оғир қозу ишларидан ташқари яна қўшимча меҳнат — сувни сунъий йўл билан пастдан юқорига чиқариш бор эди. Бу усул Хоразм учун характерли бўлиб, Ўрта Осиёнинг бошқа районларига нисбатан маҳаллий деҳқончиликнинг яна ҳам мўраққаброқ ва кўпроқ меҳнат ва маблағ сарфланишига олиб келарди.

Амударё ва ундан чиқадиган ёп(канал)ларнинг сув сатҳи далалар сатҳидан анча паст бўлгани туфайли Хоразмда қадимдан сув чиқарадиган техника ишлатилган. Бу ердаги сув чиқаришнинг энг оддий усуллари «сепма», «депма» ва «нова» деб аталади. Бу усуллар одам кучи билан ишланган жуда оддий асбоблар — курак, новадан иборат бўлган.

Энг такомиллашган усули Миср ва Месопотамияда қадимдан маълум «Соқия», Эрон ва Ҳиндистондаги «Чарх» каби сув чиқариш воситаларига ўхшаш Хоразмда ҳам то сўнгги давргача «Чиқир» номли механизм кенг тарқалган эди.

Б. М. Георгиевский ёзишича, Хоразм воҳасининг сатҳи инсоният пайдо бўлгандан кейинги давр ичида икки метрдан ортиқ кўтарилган. Хоразм воҳасида асримизнинг 20 йилларининг бошларида 66 мингдан кўпроқ чиқир бўлган. Чиқир ҳайвон кучи билан ҳаркатга келтирилиши туфайли маҳаллий деҳқонлар учун арава, ер ҳайдаш ишидан ташқари яна қўшимча ҳайвон кучи зарур бўлганини кўз олдимизга келтиришимиз қийин эмас.

Хоразмнинг кўпчилик ҳукмдорлари узоқ ўтмишдан бери сувнинг аҳамиятини яхши тушуниб, суғориш системасини бошқаришни ўзининг асосий вазифаларидан бири деб билганлар. Аммо улар суғориш билан боғлиқ бўлган ишларда халқ меҳнатидан ўз шахсий манфаатлари учун кўпроқ фойдаланганлар. Демак, сув халқни эзишда қўшимча восита ролини ўйнаган.

Сувнинг аҳамиятига яхши тушунолмаган, унга етарли даражада эътибор қилмаган давлат арбоблари юртининг харобаликка айланишига сабабчи бўлганлар.

Баъзан гуллаб ётган кўп ўлкаларни чўли биёбонга айланишига табиат кучларигина эмас, шунингдек, ижтимоий шароит ҳам сабабчи бўлган. Хоразм тарихида жуда кўп саҳифалар Амударё оқимининг табиат қонунлари асосидагина ўзгариб қолмай, кишининг ёвуз иродаси ёки одамларнинг суғориш қонунларини билмай юргизган нотўғри фаолияти ва айрим тарихий ижтимоий факторлар туфайли содир бўлган ўзгаришлар рўй бериб турганини кўрсатади. Бу ҳақда халқ жуда кўп эртак ва дostonлар яратган. Булардан энг машҳури Тўрабек хоним ва Султон Санжар ҳикоясидир.

Демак, буржуа олимлари кўрсатганларидек қадимги гўзал шаҳар ва қишлоқларнинг вайронликка айланишига «Урта Осиёнинг қурғоқлиниб қолганлиги» ёки дарё оқимининг ўзгариши каби табиат ҳодисалари эмас, балки бир формация ўрнига иккинчи формациянинг келиши, доимий синфий кураш ва ўзаро урушлар, қўшни чорвадор қабилаларнинг тўхтовсиз ҳужуми, Чингиз ва Темур лашкарларининг ваҳшийларча юришлари каби ижтимоий факторлар сабаб бўлган.

## ИБТИДОИЙ ҚУЛБА ҚОЛДИҚЛАРИ

Амударёнинг ўнг қирғоғидаги Султон Увайс тоғларининг шарқий этагида Жонбосқалъа баландликлари жойлашган. Бу баландликлардан жануб ва шарққа қарар экансиз, кўз олдингизда ажойиб бир манзара очилади. Чексиз кўчма қум уюмлари орасида онда-сонда қад кўтарган катта-кичик қалъаларнинг харобалари, жуда ҳам узоқларга чўзилиб кетган сув иншоотларининг тугалмас излари, офтобда ярқираб ётган тақирлар қадимги Оқчадарё воҳаси бир замонлар инсон меҳнати билан гуллаб-яшнаганлигидан дарак беради. Агар қадимги дарё ўзанлари бўйлаб бир неча километр йўл юрсангиз қумликлар орасидаги тақирларда ғалати қилиб ишланган чақмоқтош бўлакларини, айрим жойларда эса ўчоқ ўринлари ва ҳайвон суякларининг қолдиқларини учратишингиз мумкин. Юзаки қараганда бу нарса ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Аммо мутахассислар учун қум уюмлари орасида топилган чақмоқтош бўлаклари жуда ҳам катта янгилик ҳисобланади. Улар кенг Оқчадарё воҳасида топилган нарсаларни текши-



риб, бу ерда ибтидой макон қолдиқлари мавжуд эканлигини кўрсатиб бердилар.

Совет археологлари кашф этган бу маконлар топилган жойнинг номи билан тарих фанида калтаминор маданияти деб аталган. Калтаминор маданиятининг ёдгорликлари неолит ва энеолит, яъни эрамиздан аввалги IV ва III мингламчи йилларга оид бўлиб, жуда ҳам кенг территорияда тарқалган. Бу маданият тош қуроллари формаларининг бирлиги, сопол идишларга берилган нақшларнинг ўзаро ўхшашлиги билан характерлидир.

Калтаминор маданияти ёдгорликлари Фарбий Қозоғистоннинг кўп қисмида, Сирдарёнинг пастки оқимида, Орол бўйларининг шимол-шарқ қисмида, Амударёнинг ўрта ва пастки оқимида, Узбой ва Сариқамиш бўйларида, Марказий ва Шимолий Қизилқумда ва Қорақумнинг кўп қисмида учрайди. С. П. Толстовнинг бу ёдгорликларни текшириш асосида яратган айрим асарлари — Ўрта Осиё ибтидой археологиясига қўшган зўр ҳисса ҳисобланади. Чунки, Сергей Павловичнинг бу соҳадаги кўп ишлари Ўрта Осиё, Қозоғистон ва ҳатто қўшни мамлакатларнинг неолитик ёдгорликларини текширишда туртки бўлиб ҳисобланди.

Сўнгги вақтларда қилинган неолит даврига оид кашфиётлар калтаминор маданиятини ҳам территориал, ҳам хронологик жиҳатдан анча кенг тарқалганлигини кўрсатади. Бинобарин, бу ажойиб маданият устида батафсил тўхтаб ўтиш зарурдир.


Калтаминорликлар яшаган даврда Хоразмнинг иқлими ибтидой ҳаёт кечирувчи кишилар учун қулай бўлган. Амударё ва Сирдарё эса дайдиб жуда кўп кўл ва ботқоқлар, катта-кичик ўзанлар ташкил қилган эди. Сувга сероб бўлган Оқчадарё воҳасини профессор С. П. Толстов «Ўрта Осиё Венецияси» деб атайди. Балиқчилик ва овчилик билан тирикчилик қилган калтаминорликлар ўзларининг оддий маконларини шу сон-саноксиз кўл ва ботқоқ бўйларида тиклаган. Қадимги грек ёзувчиси Страбоннинг бу ерда яшовчи қабилаларни «ботқоқлик ва орол массагетлари» деб аташи ҳам бежиз эмас. Кўлга бой бу ўлка Зордуштнинг муқаддас китоби Овистода «Вурукарта денгизи», яъни «Қирғоқсиз денгиз» номи билан машҳур. Ҳақиқатан ҳам сўнгги неолит даврида аҳолиси зич Хоразм ўзаро ўзанлар би-

лан боғланган жуда кўп табиий сув ҳавзаларига эга бўлиб, уни Буюк кўллар ўлкаси деб аташ мумкин.

Калтаминор маданияти икки даврга бўлинади. Илк калтаминор маданиятига Жонбос — 4, Кўнак — 1, Кўгинак — 22, 195, 198, Бола-эшим — 9 каби ибтидоий маконлар киради.

Бу маконларда топилган сопол идишлар маҳаллий соғ тупроқдан, бир оз йирик қум ва туйилган чиғаноқ аралашмасидан ясалган. Шакл жиҳатдан улар хилма-хил бўлиб, кўпинча қорни чиққан кўзага, чуқур ва кенг косага ҳамда катта чўмичга ўхшаб кетади. Идишларнинг деярли ҳаммасига нақш берилган. Берилган нақшлар жуда оддий бошоқ, синиқ чизиқ, юқоридан пастга ва горизонтал ўтказилган тўғри чизиқлар ва айрим геометрик шакллардан иборат бўлган. Нақшларнинг айрим шакллари фақат калтаминор маданиятига хос бўлиб, қисман Ўрта Осиёнинг жанубидаги илк деҳқончилик (Жайтун) маданияти, Бухоро воҳасининг катта ва кичик Тузконида ҳам шимолда пастки Обь маконларида топилган баъзи сопол идишларнинг нақшларига ўхшаб кетади.

Илк калтаминорликларнинг иш қуроли чакмоқтош, кварцит каби тошларнинг ҳар хил турларидан ясалган. Бу тош қуролининг асосий хусусияти — анча архаик типда бўлганлигидир. Аммо бундай ҳолат калтаминорликлар тошни ишлашда орқада қолган, деган фикрни туғдирмаслиги керак. Чунки илк калтаминорликлар тошни ишлашдаги деярли бутун неолитик усулларини билганлар. Улар тош ва суяк қуролини оддий парчалаш ёки синдириб олиш билан бирга, унга анча аниқ шакллар берувчи икки томонлама учириш усули, пармалаш ва силлиқлаш техникасини ҳам билганлар. Бунга мазкур маконларда топилган сон-саноқсиз икки томонлама ишланган япроқсимон ўқёй учлари, бир томонли ўткир пичоқсимон қуроли, ҳар хил шаклдаги қирғич ва кескич асбоблар далил бўла олади. Калтаминор усталари қаттиқ кул ранг қумтошлардан ёрғучоқлар ва қармоққа бойланадиган лангарчалар ҳам ясаганлар. Топилган нарсалар орасида турли хилдаги зеби-зийнат сифатида ишлатилган чиғаноқлар диққатга сазовордир. Илк калтаминор даврига оид сопол идишлар ва тошдан ясалган асбоб-ускуналар бошқа



Жонбос—4 номли ибтидоий макондан топилган тош қуролларнинг нусхалари.

бир қанча сўнгги неолит ёдгорликларида қазиб олинган нарсаларга ўхшаб кетади

Қалтаминор маданиятининг сўнгги этапини характерловчи маконлар Оқчадарё дельтасининг Жингалди ва Тожиқозган, Қизилқумнинг Лавлакон ва Бешбулоқ каби районларида, юқори Узбой ва Фарбий Қозоғистоннинг айрим жойларида топиб текширилган. Бу маконларда топилган сопол идишлар ва тошдан ишланган асбоб-ускуналар илк калтаминорликларнинг традицияларини сақлаб келганликларини кўрсатади. Аммо, топилган кўп нарсалар ичида янгилик элементлари ва мукаммалаштирилган қуроллар ҳам учрайди. Янгиликлар асосан кулолчилик буюмларига солинган нақшларда кўпроқ сезилади. Мазкур маданият учун хос нақшлар юқоридан пастга, горизонтал ва қийшиқроқ ўтказилган тароқсимон геометрик чуқурчалар ва учбурчакка ўхшаш шакллардан иборат.

Сўнгги калтаминорликларнинг тош қуроллари ҳам ўз аждодлариникига ўхшаб кетса-да, сон жиҳатдан кўп ва юқорида айтганимиздек, анча такомиллаштирилган. Икки томонидан ретушь берилган ромбасимон ва учбурчакка ўхшаш ўқёй учлари кўп топилган. Бу маданият тошдан ясалган асбоб-ускуналар ичида кўпгина катта пичоқ, найзача (дротик) ва найза учлари учраши билан ажралиб туради. Найза учлари япроқ шаклга ўхшаш бўлиб, 7—10 сантиметр узунликдаги тош парчаларидан ясалган. Сўнгги калтаминорликларнинг пичоқлари ҳам тош парчаларидан ясалиб, ишлов берилган, айримларининг эса икки томони ҳам кескир бўлган. Пичоқларнинг узунлиги 8—10 см, ҳар томонлама йўниб олинган тош ўзаги (нуклеус) билан бир қаторда илк калтаминорликларникига ўхшаш ёруғчоқ, лангарча ва чиғаноқ безаклар ҳам учрайди. Айрим далиллар сўнгги калтаминор маданиятида миснинг эритиш технологиясини, оддий металл буюмларни ясашни билганлигидан дарак беради. Бешбулоқ маконида топилган мис шлаклари, Иргиз маконида топилган тўрт қиррали мис бигиз бунга далил бўла олади.


Қалтаминор маконларининг деярли ҳаммаси, юқорида қайд қилганимиздек, бир-биридан анча узоқдалигига қарамасдан, моддий-маданият формаларининг бирлиги билан характерлидир. Шундай бўлса ҳам сўнгги калтаминорликлар маданиятида бирмунча ўзига

хос хусусиятлар бўлган. Оқчадарё, Узбой ва Фарбий Қозоғистон маданиятлари алоҳида ажралиб туради. Бу маконларнинг кўп қисми эраמידан илгариги учинчи минг йилликнинг иккинчи ярми ва иккинчи минг йилликнинг бошлари билан саналади.

Бутун калтаминор маконларидан топилган суяк қолдиқлари калтаминорликлар балиқчилик ва овчилик билан шуғулланганлигини кўрсатади. Балиқ суякларининг кўп қисми (86 проценти) сазан, чўртон ва лаққа балиқлариникидир. Илк калтаминорликларнинг хўжалигида асосий ролни балиқчилик ўйнагани туфайли, уларнинг маконлари ҳам балиққа бой сув манбаларига яқин — кўл ва дарё қирғоқларида бўлган. Суяк қолдиқлари балиқни санчиққа ўхшаш қурол-қармоқ билан, топилган лангарчалар эса тўр билан тутилган, деб фараз қилишга имкон беради. Калтаминорликлар чўлда яшовчи жайран каби сутэмизувчи ҳайвонларни ов қилганлар. Улар аҳён-аҳёнда ҳар хил моллюска ва қуш тухумларини ҳам истеъмол қилганлар.

Сўнгги калтаминор маконларида ўқёй ва найза учларининг, катта пичоқсимон қуролларнинг ва йирик сутэмизувчи ҳайвон суякларининг кўп учраши — бу даврда калтаминорликлар хўжалигида овчилик катта роль ўйнаганлигидан дарак беради. Айрим маконларда топилган сигир ва қўй суякларининг қолдиқлари эса калтаминор маданиятининг сўнгги этапида чорвачилик пайдо бўлганлигини кўрсатади.

Калтаминорликларнинг ўтроқ ҳолда ҳаёт кечирганликларини тасдиқлашда Жонбос — 4 маконида топилган ибтидоий кулба қолдиқлари жуда характерлидир. Кулба конус шаклида бўлиб, катта ўқи 24 метрга, кичкина ўқи 17 метрга яқин, марказий устунликларнинг баландлиги тахминан 8—10 метрча бўлиб, синчбоп ходалардан тикланган ва улар устига қамиш ёпилган. Жуфтлаштириб ўрнатилган устунлар устига қўйилган страпилалар бир-бирига жуда яқинлаштириб маҳкам боғлаб қўйилган. Маълумки, бундай қурилиш усуллари Африка, Океания ва Америкада яшаган ибтидоий халқлар архитектурасида ҳам кенг тарқалган эди. Томнинг четидаги куйиб кетган материал массасининг зичлиги — кулбанинг унча баланд бўлмаган деворга таяниб турганлигини кўрсатади. Икки қатор устунлар билан ўралган тор йўлак томнинг ўртасида доимо ёниб тура-



Калтаминорликлар кулбасининг реконструкцияси.

диган марказий ўчоққа олиб боради. Бу ўчоқнинг диаметри бир метрга яқин бўлиб, у ярим метрли куйган қизил қум қатлами остида, оппоқ зич қалин қатламли кул ҳолида сақланиб қолган. Эшикнинг ўнг томонида, марказий ўчоқнинг орқасида эса овқат пишириш учун жуда кўп кичикроқ ўчоқлар бор. Кундалик турмуш буюмларининг кўпчилиги мана шу ўчоқлар атрофидан топилган. Кираверишда чап томонда асосий турар жой бўлими бўлиб, унда ўчоқлар, асбоб-ускуна ва буюмлар деярли йўқ. Бу кулбада тахминан 100—120 киши она уруғи тартибида яшаганлар. Кулбанинг катталиги ва унда кичкина-кичкина ўчоқларнинг борлиги — бу коллективнинг хўжалик жиҳатдан жуфт-жуфт оилаларга бўлина бошлаганини кўрсатади. Катта ўчоқда доимо муқаддас олов сақланиб турган ва бу ўчоқ С. П. Толстов фикрича шу кулбада яшовчи уруғ жа-

моасининг диний маркази ҳисобланган. Жонбосқалъа харобалари яқинида топилган ҳамда шу даврга оид сополдан ясалган хотин ҳайкалчаси ҳам калтаминор эътиқодлари тўғрисида фикр юритишга имкон беради.

Калтаминор маданиятига оид ёдгорликларнинг кенг территорияда тарқалишига қарамасдан, уларнинг моддий ва маънавий ўхшашлиги, этник ва тил жиҳатдан қандайдир бирлик борлигидан дарак беради. Иккинчидан бу ҳолат калтаминорликларнинг қўшни мамлакатлар билан яқин муносабатда бўлганлигини кўрсатади. Калтаминор маконларида учрайдиган чиганоқларнинг айрим турлари бу муносабатларнинг бир учини Ҳинд океани қирғоқларига элтади.

Бинобарин, илк калтаминорликлар Ҳиндистондаги дравидоид ва мунда тилларидаги қабилалар билан яқиндан боғлиқ эканлигини кўрсатади. Маълумки, бу фикр илгаридан ҳам адабиётда мавжуд. Аммо калтаминор маконларида топилган кўп нарсалар бу маданиятни жанубий Туркменистондаги (Жайтун) ва Яқин Шарқдаги, яъни Эрон ва Ироқдаги илк деҳқончилик неолитик маконлари билан анча яқинлаштириб қўяди. Бу яқинлик мазкур маконларда топилган тош асбоб-ускуналарда, сопол идишларнинг шакллари ва уларга берилган нақшларда жуда ҳам аниқ сезилади.

Юқорида кўрсатилган иқтисодий ва маданий яқинликларни фақат оддий муносабат ёки бир маданиятнинг иккинчи маданиятга таъсири деб тушунтириш билан чекланиб қолиш мумкин эмас. Кейинги йилларда жанубий Туркменистонда ва Яқин Шарқда ўтказилган археологик текширишлар шуни кўрсатадики, сўнгги неолит даврига оид илк деҳқончилик маданияти маҳаллий овчи ва термачи аҳолининг ўтроқ ҳолатга ва деҳқончиликка ўтиши натижасида пайдо бўлган. Маълумки, бу даврда хўжаликда рўй бераётган ўзгаришлар туфайли кўп овчи қабилаларнинг шимолга кўчиш ҳаракатлари бўлиб ўтади. Демак, тўртинчи минг йилликнинг охирида Орол бўйларига янги этник группалар кўчиб борган деб фараз қилиш мумкин.

Сўнгги калтаминор маданиятининг Пастки Обь ва Кама дарёлари бўйларида, Уралда топилган неолитик маконлар билан жуда яқин муносабатда бўлганлигини кўрсатувчи далиллар кўп. Ҳатто, айрим олимларнинг таъкидлашича, калтаминорликлар Пастки Обь, Урал

бўйларидаги неолит маданияти шаклланишида ҳам иштирок қилганлар. С. П. Толстов, кейинчалик атоқли совет археологи С. В. Қиселев ва бошқа тадқиқотчилар Урта Осиё неолитининг жанубий Сибирда топилган машҳур Афанасьев маданиятига қисман таъсир қилганлигини бир қанча марта таъкидлаганлар. Кўп далиллар калтаминор маданиятининг сўнгги, яъни энеолит (эрамиздан аввалги III—II минг йилликлар) даврида уни Ғарбий Қозоғистон билан муносабати бошқа ерларга нисбатан анча яхшиланганини кўрсатади.

Хоразм ибтидоий тарихининг кейинги даврлари ҳам калтаминор маданиятининг бевосита давоми ҳисобланади. Бу маданият босқичидан иккинчисига ўтиш жараёни Хоразм иқлимининг ўзгариши билан белгиланади. Шамолнинг асосан шимолдан нам ҳавони олиб келиши туфайли илгариги қурқоқчилик бир оз камаяди.

Бу даврда хўжаликда бронза, яъни жез қўлланила бошланган. Лекин Урта Осиёда, шу жумладан Хоразмда дастлабки даврда мис унча қаттиқ ва мустаҳкам бўлмаганлиги туфайли тош қуроолларнинг ўрнини босолмаган. Бинобарин, мисдан фойдаланиш ишлаб чиқариш кучларининг тараққий этишида катта роль ўйнамаган. Шундай бўлса-да, хўжаликда миснинг қўлланилиши ибтидоий хоразмликларга металлни ўзлаштириш ва унга зарур ишлов бериш йўлини очиб берди. Бронза ихтиро қилиниши бутун ўртаосиёликларнинг узоқ ўтмиши тарихида муҳим бир босқич бўлиб, ибтидоий жамият хўжалиги, ижтимоий ва маданий ҳаётнинг ҳамма соҳаларини олға силжитишда катта аҳамиятга эга бўлди. Маълумки, бронза ишлов бериш ва ҳар хил асбоб-ускуна ҳамда қуроол ясашга жуда қулай. У яна бошқа ажойиб хусусиятларга ҳам эга: мисга нисбатан анча паст температурада эрийди, қирралари ўткир ва чиройли чиқади. Шунинг учун бронза тошни турмушдан аста-секин сиқиб чиқара бошлади.

Хоразмнинг бронза маданиятини Жонбосқалъа районида ва Анқоқалъанинг шимоли-шарқида топилган маконлар, Бургутқалъа воҳасининг ғарбий чеккасида Норинжон ҳамда Тешиққалъа харобалари ўртасида топилган ибтидоий ёдгорликлар тасвирлайди. Бу маконлар тақирлар устида ёки емирилган тақир қатламлари орасидадир. Хоразмдаги бу даврга мансуб бўлган биринчи ёдгорлик қумлар орасида қадимги суғорилган



ёрларга қарашли кимсасиз Бургутқалъа воҳасида топилган. Узоқ ўтмишда бу воҳа орқали Пахтаарна суғориш системасига кирувчи Тозабоғёп канали ўтган. Шунинг учун ҳам бу маданият Тозабоғёп номи билан юритилади.

Тозабоғёпликлар эрамиздан аввалги икки мингинчи йилда тақирликларни ўзлаштириб, деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланганлар. Бу даврга оид маконларнинг кўпгина қисми Амударёнинг қадимги ўзани Оқчадарё бўйларида топилган. Бу ёдгорликларнинг ичида энг муҳими — Анқо 5 номли макон бўлиб, унинг майдонида узун тор эшикли тўғри бурчак шаклдаги ярим ертўла диққатга сазовордир.

Тозабоғёп маданияти қолипда босилган ва ўйилма нақшлар берилган сопол идишларнинг бўлиши, ишлаб чиқариш техникасининг оддийлиги ва майда тошлардан қилинган (микролитойд) қуроолларнинг камайиб кетиши билан характерланади.

Кўкча тоғ тизмаларининг жанубида топилган Кўкча 3 номли қабристон археологларнинг диққатини ўзига жалб қилган. Бу қабристон яқинида Тозабоғёп маданиятига оид қишлоқ ҳам бўлган. Қишлоқ атрофида қадимги вақтда суғорилган далалар бўлганлигини кўрсатувчи белгилар бўлиб, улар ўша ерда ҳам деҳқончилик қилинганлигидан дарак беради. Қабристоннинг тақир қатламлари қазилганда юзга яқин гўр топилиб, унда дафн қилинган жасадларнинг бошлари ғарбга қаратиб ётқизилганлиги аниқланган. Улар якка-якка ва жуфт-жуфт қилиб кўмилган. Жуфт кўмилганлар ичида бирга ётқизилган эркак ва хотинларнинг, айниқса, болаларнинг жасади кўп учрайди. Аммо жуфт кўмилганларнинг бири аввал, иккинчиси кейин дафн қилинган. Текширилган қабрларда жуда кўп нақшли бутбутун сопол идишлар, бронзадан ясалган билагузуклар, бигизлар, ўқёй учлари ва попуклар топилган. Кўмилган жасадларнинг ётқизилиши ва қабрлардан топилган нарсалар тозабоғёпликларнинг диний эътиқодларини тушунишда муҳим маълумотлар беради.

Қадимги суғорилган жойларда Жонбосқалъа районида Тозабоғёп маданиятига яқин Сувёрғон номли деҳқончилик маданияти пайдо бўлади. Сувёрғонликлар ёғоч устунларга ўрнатилган енгил шийпон билан ёпилган тўғри бурчакли кулбаларда истиқомат қилганлар. Бу

қулбаларнинг сатҳи калтаминорликларникига нисбатан кичик бўлади. Ундаги ўчоқларнинг камлиги эса аввало бу даврда илгариги катта она уруғидаги оилалар ўрнига майда кичик ёки айрим ота уруғидаги оилалар келганлигини кўрсатиб, ибтидоий Хоразмнинг жамоа тузумида катта ўзгаришлар рўй берганлигидан дарак беради. Айрим тадқиқотчиларнинг айтишича, бу ҳол ярим интенсив деҳқончилик билан бирга пода ҳайдаб чорвачилик қилиш шароитида юз берган янги хўжалик ўзгаришлари туфайли содир бўлган. Шу маданиятга оид маконларнинг бирида ўтказилган текширишлар илк деҳқончилик ва чорвачиликка ўтган ибтидоий хоразмликлар тошқин гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда бўлиб тургани учун тез-тез бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юрганини кўрсатади. Бинобарин бу ерда ибтидоий деҳқончиликнинг Шарқий Фарғона ва Жанубий Туркманистондагидек доимий ўтроқ қишлоқлари учрамайди.

Ибтидоий суғориш деҳқончилиги билан бир қаторда қадимги хоразмликлар қайрларда, яъни дарё тармоқлари ва сунъий каналларнинг этаклари бўйлаб жойлашган, ер ости суви юқори бўлган ерларда деҳқончилик қилганлар. Қайрларда қадимдан полиз экинлари экилиб юқори ҳосил олинган. Бундай ерларда экилган Хоразм қовунлари кўп асрлардан бери дунёга машҳур. Тарихий манбаларда бу қовунларни зардан ишланган махсус тўрларга солиб узоқ Боғдодга, араб халифаларига олиб борилганлигининг хабар қилиниши бежиз эмас.

Я. Ф. Гуломовнинг айтишича, эрамиздан олдинги иккинчи минг йилликда Хоразмнинг бронза даври маданияти, афтидан, Копетдоғ этакларида топилиб текширилган илк деҳқончилик маданияти билан Шарқий Европадаги дашт бронза маданиятини бир-бирига боғловчи ҳалқа бўлиб хизмат қилади. Бошқа бир қанча олимларнинг (С. П. Толстов, А. Н. Бернштам ва А. В. Збруева) таъкидлашига қараганда Хоразм бронзаси Тянь-Шань этакларидан Кама дарёси бўйлаб то Дон дарёсигача чўзилган кенг территорияда топилган деҳқончилик ва чорвачиликка кўчган бепоён дашт (срубандронов) маданияти билан жуда яқин бўлган.

Суверён маданиятининг ўрнига эрамизгача бўлган биринчи минг йилликнинг бошларида, яъни илк темир даврида янги, Амиробод маданияти келади. Қўлда

ясалиб, қора ва тўқ кул ранга бўялган, ҳамда оғзи тўғри ва паст қилиб ишланган сопол идишлар ана шу маданият учун характерлидир.

Амирободликлар ўз аждодларидек ёғоч устунлар қўйиб қилинган тухум шаклидаги чайлаларда эмас, балки лойдан анча мустаҳкам қилиб ишланган узун уйларда яшаганлар. Бундай уйларнинг узунлиги 70 метргача бўлиб, иккита параллел даҳлизга ўхшаган ва бир-бирига параллел бўлган иккита ҳужрадан ташкил топган. Афтидан бу даврда амирободликларнинг ижтимоий-иқтисодий турмушида ва уларнинг ибтидоий жамоа тузумида ўзгаришлар рўй берган бўлса керак. Қўп далиллар бу маданият варварлик даврининг юқори босқичида бўлганлигини кўрсатади. Аммо амирободликларнинг цивилизацияга ўтишига озроқ вақт қолган бўлиб улар бу муҳим босқичга эрамиздан аввалги VIII—VII асрларга келиб ўта бошлайдилар. Натижада Хоразм тарихида янги эра бошланади. Бу даврдан бошлаб, қадимги Шарқда қабул қилинган одат бўйича, хоразмликлар ўз йил ҳисобларини подшоларнинг ҳукмронлик қилган йилига қараб юргизганлар. Бу ҳақда Бируний ҳам ёзган. Қадимги Хоразм шоҳлари сулоласининг энг биринчи аждоди афсонавий ярим худо Сиёвуш ва унинг ўғли биринчи Хоразм давлатига асос солувчи Кейхосров Шарқ мифологиясида кенг тарқалган образлардандир.

Демак, Хоразмнинг Бируний баён этган қадимги санасининг бошланиши ибтидоий жамоа тузумининг емирилиб, илгариги уруғ-аймоқ бошида турган катхудо коҳинлар ўрнига, мустабид шоҳлар бошчилигидаги қулдорлик жамияти тузилган даврга тўғри келади.

## БЕҲИСОБ ШАҲАР ВА ҚАЛЪАЛАР ДАВРИ

Хива хони Оллоқулихон машҳур Тошҳовлини қурдириш учун иморатсоз ҳунармандларнинг бош калантари (оқсоқоли) ни чақириб, қурилишни жуда ҳам қисқа муддат ичида тамомлашни буюрган. Аммо, бош калантар бу қисқа муддатда бундай катта ҳашаматли иморатни битказиш мумкин эмаслигини айтган. Баджаҳл хон ғазабланиб, ҳунармандлар бошлигини ўз ҳукмига қарши чиққанлар қаторида айблаб энг оғир

жазога — қийнаб ўлдиришга буюради. Гуноҳсиз калантарни тириклай ўткир ёғоч қозиққа ўтқазадилар. Бу ёғоч ваҳшиёна ҳукмга йўлиққан ана шундай кишининг ичак-чавоғи ва юрак бағрини бир неча кун давомида ишдан чиқаради ҳамда орқасидан ёки олдидан тешиб чиқиб ваҳшийларча ҳалок қилади. Ана шундай оғир жазоларни билган халқ золим хонларнинг барча буйруқларини бажаришга мажбур бўлган. Шундай ваҳший усулларни қўллаган шафқатсиз шоҳлар асрлар давомида кенг меҳнаткаш халқни эзиб, ўз маишати ва шахсий манфаати учун ҳашаматли қасрлар, дабдабали шаҳарлар ва қалъалар қурдириб ҳамда ҳаётбахш канал ва ариқларни қаздириб келганлар. Антик ва ўрта асрга оид бир қанча қалъаларнинг деворларига қўйилган гиштлар орасида киши жасади суякларининг кўп учраши айтилган бу фикрларни яна бир марта исботлайди. Бу ҳақда халқ орасида бир қанча афсоналар ҳам тўқилган.

Марказлашган қулдорлик давлати бўлмаганда ва минглаб асоратга тушган қуллар давлатга мажбуран хизмат қилмаганда эди доимо ўзгариб турадиган дарё ўзанларидан чиққан майда ариқлар ўрнига эни 40 метр, узунлиги 100 километрдан ҳам ортиқ бўлган магистрал каналлар, илгариги майда чайлалар ўрнига бир неча гектар территорияни эгаллаган ва деворларининг баландлиги 20—25 метр бўлган қалъаларнинг бунёдга келтириш мумкин ҳам эмас эди, албатта.

Демак, эрамиздан аввалги VII—VI асрларга келиб Хоразмда ишлаб чиқариш кучларининг тараққий қилиши туфайли илгариги ибтидоий жамоа тузуми ўрнига, Шарқдаги ва Ўрта ер денгизидаги классик антик давлатлар каби қудратли қулдорлик давлати вужудга келади. Янги тузум тахминан минг йилларча, яъни эрамизнинг IV—V асрларигача тараққий қилади. Шуниси қизиқки, Хоразмнинг бутун антик тарихи жуда кенг даврни ўз ичига олишига қарамай, қурилиш усули ва фортификациясининг умумийлигидан ташқари, бир шаклдаги уч қиррали камон ўқлар, катта тош ёрғучоқлар, чархда ишланган аъло сифатли, кўпинча қизил рангга бўялган ва лак берилган сопол идишлар ҳамда бошқа буюмлар сақланиб келади. Шубҳасиз, бу маданий бирлик негизида ҳам ижтимоий-иқтисодий тузум бирлиги ётади.

Бу даврда Хоразм воҳасида яшовчи халқларнинг хўжалиги сунъий суғоришга асосланган ўтроқ деҳқончиликдан иборат бўлган бўлса, воҳани ўраб олган чексиз дашт-биёбонда чорвачилик ҳам тобора тараққий қила бошлайди. Иқтисодий жиҳатдан бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган икки хил хўжалик воҳа ва дашт ўртасида меҳнатнинг бўлиниши натижасида содир бўлади. Подаларнинг жуда тез кўпайиши, яйлов ва ўтлоқларнинг анча кенгайиши туфайли чорвачилик билан шуғулланувчи аҳолининг турмуш усуллари ҳам ўзгара бошлайди. Кўп подалари бўлган кўчманчи аристократия ўзининг катта хўжалигида фойдаланиш учун текин ишчи кучига муҳтож эди. Уша даврда фақат қул ана шундай куч бўла олган.

Демак, ўтроқ деҳқончилик хўжалигидагина эмас, ундан ажралиб чиққан кўчманчи чорвачиликда ҳам қулдорлик кенг тарқала бошлайди.

Амударёнинг чап қирғоғида — Туркменистондаги Тошҳовуз областининг қадимги суғорилган ерларидаги кўҳна Чарманёп канали районида Хоразмнинг илк қулдорлик даврига оид бўлган ёдгорликлар топилган. Мавжуд қадимий истеҳкомлар теварак-атрофи узун кетган халқоб сувлик ботқоқликлардан иборат бўлган табиий баландликларга қурилган. Бу антик шаҳар харобалари тарихда Қалъалиқир ва Кўзалиқир номи билан машҳур. Кўзалиқир ўзи ишғол қилган табиий баландликнинг шаклига мувофиқ сатҳи 1000×400 метр келадиган учбурчакдан иборатдир. Шаҳар планировкаси ажойиб хусусиятга эга: жуда қалин ва бир неча километр узунликдаги девор билан ўралган кенг майдон истиқомат белгиларидан холи бўлиб, шаҳар харобасининг деворлари қатор қилиб солинган тор йўлаксимон киши яшайдиган бинолардан иборат. Қалъалиқир шаҳрининг шимолидаги деворга ичкаридан ёндоштириб кўп ҳужрали бино солинган. Текширишлар шуни кўрсатдики, бу бино дафн этиш маросими билан боғлиқ бўлиб, уни археологлар «жасадлар уйи», яъни хилхона деб атаганлар. Чунки бу бинода махсус сополдан ясалган катта қути (оссуарий)ларда киши жасадларининг суяклари сақланган. Муқаддас китоб Овистода ҳам бу шаҳарлар ҳақида кўп нарсалар ёзилган. Бу китобда афсонавий шахс Йимо (ўрта аср дostonларида Жамшид) асос солган «Тўрт бурчакли Вара» истеҳкоми, Қалъалиқир ва

Кўзалиқир шаҳарларининг архитектура ҳамда ўша даврдаги Хоразмнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳаётининг баъзи томонлари тасвир этилган.

Баланд ва қалин деворлар билан ўраб олинган шаҳар ичидаги кенг майдон молқўра эканлиги — хоразмликларда ўша даврларда чорвачилик устун бўлганлигини кўрсатади. Шаҳар теварагидаги суғориш иншоотларининг қолдиқлари эса ундаги яшовчиларнинг деҳқончилик билан ҳам шуғулланганлигидан дарак беради. Шунга ўхшаш ёдгорликлар Фарғона водийсида ҳам топилган.

С. П. Толстов таъкидлашича олти-етти километр узунликда қатор (параллел уйларни қўшганда) қурилган бу бинода кам деганда бир неча юз киши яшаган. Унинг фикрича шаҳар ичидаги уйларнинг ижтимоий жиҳатдан унча фарқ қилмаслиги, ундаги жамоанинг ҳали анча архаик тузум — уруғ қабила традицияларини сақлаб келаётганлигини кўрсатади. Иккинчидан, мустақам деворлар билан ўралган қалъаларда яшовчилардан ташқари унда чорва молларининг сақланиши — бу даврда жамоалар орасида уларнинг асосий бойлиги бўлган чорва учун ўзаро зўр курашлар бўлганлигидан дарак беради.

Овисто ва қадимги ёзувчиларнинг кўпчилик асарлари мазкур фикрни қувватлайди. Овустада Ўрта Осиёда, шу жумладан Хоразмда ҳам илк қулдорлик давридаги ижтимоий тузумни таърифловчи муҳим маълумотлар мавжуд. Унда таърифланган жамоада чорва моллари жуда кўп бўлиб ўтроқ чорвадор ва деҳқон хўжаликларидан иборат бўлган. Чорва моллари кўп бўлган ҳарбий аристократия бошқалардан ажралиб туради. Бу эса ибтидоий жамоанинг юзаки ҳукмрон бўлишига қарамасдан унинг ичида бой ва камбағалларнинг, яъни синфларнинг пайдо бўла бошлаганлигини кўрсатади. Хўжаликда асосий меҳнат — пода боқиш ва уни сақлаш, деҳқончилик қилиш ва ҳарбий хизматда бўлиш эркакнинг вазифаси бўлгани туфайли бу даврдаги ижтимоий-иқтисодий ҳаётда ота уруғи ҳукмрон роль ўйнаган. Аммо, ижтимоий тузумда, алоҳида массагет қабилалари иттифоқида, она уруғи иккинчи даражада бўлса ҳам, узоқ вақтлар ўзининг таъсирини ўтказиб келган.

Қадимги грек ёзувчиларининг, айниқса Гекатей Милетский Страбон асарларида массагет — сак ёки апа-

сиак номи билан маълум (орол бўйи скифлари деб ҳам юритилади). Сўнги йилларда Сирдарёнинг қадимги ўзани — Жонидарё ёдгорликларини текшириш туфайли мураккаб комплекс хўжалик — чорвачилик, деҳқончилик, балиқчилик ва овчилик билан шуғулланувчи қабилаларнинг турмуши қандай бўлганлиги аниқланди. Эрамиздан аввалги VII—VI асрларда Сирдарё воҳасида апасиак қабилаларининг ёдгорликлари, яъни археологлар кўкчатенгиз деб атаган маданият пайдо бўлади.

Бу маданиятга оид бўлган жуда кўп жойларда илгариги бронза маданиятининг традицияларини давом эттириш билан бир қаторда уларнинг хўжалик фаолиятида бир қанча ажойиб янгиликлар содир бўлганини кўрамиз. Кўкчатенгиз маданияти II асрларгача тараққий қилади.

Текширилган ёдгорликлар орасида энг ажойиби Жонидарёнинг ўрта оқимидаги дабдабали Чирикработ ёки Чирикқалъа харобаларидир. Чирикработ истехкоми тухум шаклида ва катталиги 850×600 метр бўлиб, чор атрофи икки қатор девор билан ўралган. Бу деворлар ораси эса чуқур хандақдан иборат. Бу истехком баландлиги 15 метрча бўлган тепаликка қурилган. Қалъанинг ичидаги иморатлар жуда зич солинган. Текширишлар шуни кўрсатадики, Чирикработ эрамиздан аввалги V асрлар арафасида пайдо бўлиб, ундаги ҳаёт III асрларнинг ўрталарига келиб тугаган. Қалъа жойлашган тепаликнинг баланд қисмида топилган апасиак қабил бошлиқлари ёки шоҳларининг мақбаралари жуда ажойиб. Мақбаралар яқинидаги номаълум қўрғон харобалари ҳам киши эътиборини жалб қилади.

Кўкчатенгиз маданиятига оид Бобишмулла, Боланди каби ёдгорликларни текшириш натижасида апасиакларнинг комплекс хўжаликка эга эканлиги яна яққол кўринди. Бу маданиятга оид сопол идишлар шакл жиҳатдан Хоразмнинг Амударё воҳаси маданиятидаги идишлардан фарқ қилади. Қурилиш ва фортификация ишлари, ҳунармандчилик апасиакларнинг ўз қўли билан эмас, аксинча Ўрта Осиёнинг жанубий ўлкаларидан олиб келинган қуллар қўли билан қилинганлиги текширилган ёдгорликлардан кўриниб турибди. Аммо апасиак усталари чет элдан келтирилган қуллар бўлсада, қурилиш ва ҳунармандчиликни ўз хўжайинларининг

талабига биноан хоразмликларнинг архитектура ва касб санъатига тақлид қилиб ишлаганлар.

Анчагина мақбаралар текширилганда уларда одам суякларидан ташқари бошқа ҳар хил буюмлар ҳам бўлганлиги аниқланди. Топилган нарсалар орасида ҳар хил сопол идишларнинг синиқ бўлаклари, уч қиррали скиф камон ўқлари, олтин ва кумушдан ясалган безаклар, мунчоқлар, темирдан ясалган найза учлари ва бошқа нарсалар кўп учрайди. Айрим ҳужраларда одам суякларининг куйдирилганлиги кўкчатенгизликларнинг кўмиш маросимида янги урф-одат пайдо бўлганлигидан дарак беради. Ҳатто жасадларни куйдирадиган махсус ҳужралар ҳам учрайди. Аммо кўпчилик мақбараларда кўмилган жасадлар юқорида таърифланган бронза даврига оид Кўкча 3 қабристондагидай дафн қилинган. Бобишмулладаги қабрларнинг (улар 70 га яқин) бирида дафн қилинган жасад қолдиқлари билан бошқа кўп буюмлар орасида жездан ясалган 90 та мих топилган. Эҳтимол бу михлар қабила бошлиғини кўмиш маросимида мақбара деворларига қоқилиб уларга ажойиб безаклар осилгандир.

Аммо мазкур ваҳший урф-одатлар ва ибтидоий жамоа турмушининг формалари ижтимоий тузум негизида рўй бераётган буюк ўзгаришларни инкор қила олмайди, албатта.

Эрамиздан аввалги 1 минг йилликнинг ўрталарига оид бўлган Боланди харобалари архитектура тарихи жиҳатидан жуда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу ёдгорликнинг баландлиги 4,5 метр бўлиб, диаметри тахминан 16 метр келади. Унинг марказида бутун айланасига ғалати конструкцияли еттита тор ҳужралар билан ўралган гумбазли зал жойлашган. Ҳужралар бир-бирига пештоқлар билан туташиб туради. Мақбарага кирадиган жой ҳам гумбаз шаклида ишланган.

С.П. Толстовнинг фикрича жаҳон архитектурасида гумбаз шаклидаги қурилиш биринчи марта кўҳна Ўрта Осиёнинг чўлларида пайдо бўлиб, Партияга тарқалган ҳамда у орқали эҳтимол қадимги Римга ҳам ўтган.

Кўкчатенгиз маданиятида кашф қилинган яна бир ажойиб нарса Чирикработ қўрғонларининг бирида топилган скиф, яъни апаснак жангчисининг темирдан ясалган совутидир. Бу совут Искандар юришлари даврига оид бўлиб, ҳозирги Ўрта Осиёда энг қадимги шу



хилдаги темир қурол-аслаҳаларнинг нусҳаларидан ҳисобланади. Қора денгиз шимолидаги қадимги мақбараларнинг бирида топилган совут қолдиқлари ва шунга ўхшаш қурол-аслаҳа кийган жангчи расми солинган тангалар Ўрта Осиёнинг жанубида ва Ҳиндистоннинг шимолида мавжуд бўлиб, Чирикработ совутига нисбатан анча кейинги даврга оиддир. Бундай совутларни тактика жиҳатидан анча кучли бўлган кўп мингли массагет жангчилари кийиб юрган. Минг йиллардан кейин Фарбий Европа мамлакатларида кенг тарқалган рицарлик қурол-аслаҳалари узоқ Орол бўйидаги дашт қабилаларидан Европа скифлари ва бошқа халқлар орқали ўтган, деб фараз қилиш мумкин. Айрим олимларнинг айтишича, Геродот ва Страбон асарларида учрайдиган массагет қабила иттифоқига асосан қуйидаги қабилалар: хорасмийлар, апасиаклар, Хоразмнинг то Нуротагача етган жануби-шарқ чегараларида яшаган сакараваклар, Амударёнинг ўрта қисмида ўрнашган дербиклар, тухор ёки дохлар (Қувондарё бўйларида), осий ёки яксартлар (Сирдарёнинг ўрта оқимида) ва овгос (овгол)лар кирган. Бу ёш ва қудратли Хоразм давлати остида бириккан зўр иттифоқ анча кучли аҳмонийларнинг Кир ва Дорий монархиясига қараганда ожиз бўлиб, эрамиздан олдинги VI асрда Эронга бўйсунган ҳамда унинг XVI сатрапи (области)га айланган.

Аmmo Хоразм ўз ҳукмронлигини аслида сақлаб қолган, ҳатто у аҳмонийлар империясининг давлат ишлари ва ҳарбий юришларида бевосита иштирок қилган. Ажойиб қурол-аслаҳали ва зўр тактикали хорасмийлар, сакараваклар, суғдлар, бактрияликлар билан бирга эрамиздан аввалги 480 йилда Ксеркснинг Элладага қилган юришида иштирок қилганлиги ҳақида Геродот ёзади. Аҳмонийлар ҳукмронлигидаги Яқин Шарқ ва Африка мамлакатларининг ҳарбий ва давлат ишларида хоразмликлар юқори лавозимларда турганлиги маълум. Хоразмлик Артаикт Дарданелл бўйидаги Сест шаҳрининг ҳокими қилиб тайинланганлиги ва бошқа фактлар аҳмонийлар монархиясида Хоразм катта роль ўйнаганини яққол кўрсатади.

Баъзи бир маълумотлар Искандар Ўрта Осиёга келиши арафасида Хоразм бутунлай мустақил бўлганлигини кўрсатади. Дорий III нинг Искандарга қарши фожиали курашида хоразмликларнинг иштирок қилма-

ганлиги бежиз эмас, албатта. Хоразм ҳатто Искандарга нисбатан ҳам мустақил сиёсат юргизган. Маълумки, Хоразм шоҳи Форосмон эрамиздан аввалги 329—328 йилларнинг қишида 1500 отлиқ лашкар билан Искандарнинг резиденцияси Маракандага келади ва Искандар билан унинг ҳарбий юришларида иттифоқдош бўлишга шартнома тузади. Аммо Хоразм шоҳи аслида истилочиларга қарши курашишга тайёр эди. Тузилган шартнома аҳмонийлар ҳукмронлигини охиригача емирилиши учун бир восита ролини ўйнаган, холос. Шунинг учун Форосмон шартнома тузилган вақтдан бир йил ўтмасданок, македониялик истилочиларга қарши партизанлик ҳаракатини олиб борган суғдларнинг бошлиғи Спитаменни қўллаб-қувватлайди.

Шундай қилиб, сиёсий кураш майдонига мустақиллигини сақлаб қолган қудратли Хоразм давлати чиқа бошлайди ва у эрамиздан аввалги III—II асрларга келиб Ўрта Осиёни чет эл истилочиларидан озод қилишда катта роль ўйнайди.

Маълумки, эрамиздан аввалги IV асрнинг охирларида Ўрта Осиёнинг жанубий ва шарқий қисми Греко-Македония империясига, кейинроқ Искандар босиб олган Осиё мамлакатларидан ташкил топган Селевкий давлатига кирган эди. Тахминан эрамиздан аввалги 250 йилга келиб, ака-ука Аршак ва Тиридат раҳбарлигидаги (жанубий Туркманистон территориясидаги) дашт қабилалар қўзғолон кўтариб селевкийлардан ажралиб чиқади ва аршакийлар сулоласи бошчилигида Парфия давлатига асос соладилар. Мустақил Хоразм давлати аршакий монархияси ташкил топишида муҳим таянч бўлган, чунки у селевкийларга қарши қўзғолон кўтарган қабилаларга ҳар томонлама ёрдам берган. Бу қабилалар орасида Орол бўйидаги дайлар ҳам бўлган. Аршакийлар билан бир вақтда селевкий давлатидан ажралиб чиққан Греко-Бактрия давлатини тахминан 140 йилларда Хоразм атрофида жипслашган массагет қабилаларининг иттифоқи босиб олади.

Шундай қилиб, эрамиздан аввалги III асрнинг иккинчи ярмига келиб, Хоразм ғарбда Каспий денгизигача, шарқда эса то Мўғулистон чегарасигача бўлган кенг территорияда ўз сиёсий таъсирини ўтказа бошлайди. Хитой манбаларида «катта юечжи» деб аталган массагетларда оғир яроқ-аслаҳа билан қуролланган отлиқ

қўшинлар бўлиб, улар қўшни мамлакатларга хавф туғдириб турган.

Биринчи марта Хоразмда пайдо бўлган бундай отлиқ қўшин билан жанг қилиш тактикаси аста-секин сармат-аланлар орқали Шарқий Европа, ундан Римга; Шарқда эса гуннларга ўтади. Эрамиздан аввалги I асрларда парфияликлар Марв темирчилари қўли билан ясалган совут кийган отлиқ қўшин билан римликларга қарши Карр яқинидаги жангда қатнашганликларини грек ёзувчилари хабар қилади. Баланд келган ҳарбий отларнинг асл зоти ўша даврларда массагетлар юрти, яъни Хоразмдан Мўғулистон, Хитой ва Жанубий Сибирга тарқала бошлаган.

Бундай муҳим тарихий воқеалар рўй бераётган бир вақтда Урта Осиёга келиб кетган Хитой элчиси ва сайёҳи Чжан Цяннинг кўрсатишича Кангюй ёки Кандзой деб аталмиш катта давлат борлиги маълум бўлади. Овистода ҳам, ҳинд эпоси Махабхаратида ҳам бу давлат Кангха ёки Канки номи билан тилга олинади. С. П. Толстов ва бошқа бир неча тадқиқотчилар Кангха билан Хоразм иккови бир деб ҳисоблайдилар. Кангха эрамиздан аввалги II асрларда ниҳоятда ривожланади. Кейинги икки аср давомида ҳам Кангха территориясида кўпгина янги шаҳар ва қалъалар пайдо бўлади. Турли ҳунар ва савдо-сотиқ ўсади, натижада танга пул системаси ва муомаласи ривожланади. Бу эса иқтисодий ҳаётда катта силжишлар бўлганлигидан дарак беради.

Демак, эрамиздан аввалги IV—I асрлар қадимги Хоразмнинг гуллаб-яшнаган даври бўлиб, бу даврга оид ёдгорликлар жуда ҳам кўп ва хилма-хилдир. Хоразмнинг антик даврдаги шаҳарларининг деярли барчаси воҳани даштдаги қўшни қабилалардан мудофаа қилиш мақсадида қурилган. Амударёнинг ўнг томонидан шарқдан ғарбга қараб бирин-кетин чўзилган Жонбосқалъа, Бозорқалъа, Қўрғошинқалъа, Қирққиз, Аёзқалъа, Бурлиқалъа ва Тупроққалъа суғориш иншоотларининг этагида бир-бирларига яқин ва қатор қилиб қурилган. Бир планга асосланган мудофаа системаси ва тараққий қилган зўр суғориш иншоотларининг мавжудлиги Хоразмнинг қудратли марказлашган давлат бўлганлигини кўрсатади.

Сон-саноқсиз шаҳарлар орасида археологларимизнинг диққатини ўзига жалб қилган Жонбосқалъа ва

Қўйқирилган қалъа архитектура ҳамда унда топилган нарсаларнинг кўплиги билан алоҳида ўрин тутади.

Жонбосқалъанинг тўрт бурчакли сатҳи 170—200 метр келадиган майдонни эгаллайди. Унинг тўрт томони 10—11 метр баландликдаги қалинлиги 1—1,3 метр келадиган икки қават девор билан ўраб олинган. Жонбосқалъанинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унинг деворлари Хоразм қалъаларининг деярли ҳаммасида мавжуд бўлган буржлардан холи. Қадимги шаҳар ва қалъаларда бурж тиклаш шунчалик катта ўрин тутганки, бу традиция то сўнгги вақтларгача ҳам ҳаттоки, унга эҳтиёж бўлмаса ҳам сақланиб келган. Хоразмнинг катта ҳовлиларида учрайдиган кўп кунгиралар бунга яққол мисол бўла олади. Жонбосқалъа деворлари 2 метргача пахса, ундан юқориси хом ғиштдан тикланган бўлиб, ташқи қатори шахмат шаклида қўйилган икки, уч қатор найзасимон шинакларга эга. Эни 18—20 см келадиган шинаклар пастга қараб ўқ отишга қулай қилиб бир-биридан 1,2 м узоқликда қўйилган. Шинакларнинг икки қатор қўйилиши, шинак қаторлари ўртасида тўсин учун қўйилган тешик изларининг бўлиши — қалъа деворлари икки қават бўлганлигини кўрсатади. Қалъага кирадиган дарвоза ҳам қўшимча тўғри бурчакли мураккаб иншоотдан иборат. Бу иншоот ҳам қалъа деворлари каби мудофаа учун қулай бўлган икки қатор шинакларга эга. Шундай бўлса-да, деворларда буржларнинг бўлмаслиги, шинакларнинг жуда яқин қўйилиши жонбосқалъаликларнинг мудофаа системаси анча қолоқ бўлганлигини кўрсатади. Шинакларнинг сонига қараганда қалъани икки мингга яқин жангчи мудофаа қилган. Жонбосқалъада 400 га яқин хона борлигини эътиборга олганда, қалъани мудофаа қилишда шаҳар аҳолисидан қурол ушлашни биладиган эркаклар билан бир қаторда аёллар ва теварак-атрофдаги майда деҳқон қўрғонларидан келганлар иштирок қилган, деб фараз қилиш мумкин. Шунини ҳам таъкидлаш зарурки, бу истеҳком анча чеккада, қадимги суғорилган ерларнинг шимоли-шарқ чегарасида бўлиб, Сирдарё қирғоқларидан келган дашт қабилаларининг дастлабки зарбаларини ўз устига олиб турган қалъалардан биридир.

Қалъа дарвозасидан ичкарига қараб шаҳарни икки катта кварталга ажратиб турган кенг кўча ўтади. Ҳар

қайси кварталда бир-бирлари билан ички йўлаклар орқали боғланган 200 га яқин хонадон бўлган. Шаҳарни шу тариқа иккига бўлиниши унда истиқомат қилган аҳоли бир-биридан ажралган ҳолда, аммо ўзаро қариндошлиги билан боғлиқ уруғ жамоасидан иборат эканлигини кўрсатади. Харобалар орасида топилган ҳар хил тамғали ёиштлар ҳам қалъа аҳолиси бир неча уруғлардан иборат эканлигига далил бўла олади. Чунки тамғали бу ёиштлар ҳар массивда алоҳида-алоҳида тартиб билан қўйилган бўлиб, унинг ҳар қайсиси ҳар бир уруғнинг белгиси эканлигини кўрсатади.

Марказий кўча охирида жойлашган иморат харобаларини текшириш натижасида жонбосқалъаликларнинг ўт ибодатхонаси бўлганлиги аниқланди. Иморат ўртасидаги супачада қурилган ўчоқда муқаддас ўт доим ёниб турган. Ибодатхонанинг ички девори тагида узун супа, оташхона ёнида эса ибодат қилувчиларнинг диний маросимларни ўтказишлари учун айрим хона ҳам мавжуд бўлган. Бу хонада топилган кўп суяк қолдиқлари, унда диний маросимлар учун тайёрланган таомлар истеъмол қилинганлигидан дарак беради. Ўрта Осиёдаги халқлар илк феодализм даврида ҳам жамоат тўпланган пайтларда умумий маросим таомларини пиширганликлари ва одамлар тўпланиши учун махсус уйлар бўлиб, бу уйлардаги ўчоқларда доимо ўт ёниб тургани ҳақида Бируний ва бир қанча авторлар ёзиб қолдирганлар. Маълумки, яқин вақтгача Тожикистоннинг айрим тоғлик районларида махсус отошхонали уйлар мавжуд бўлиб, бу ерда эркаклар тўпланишиб гап берганлар. Ўзбекларнинг тўй ва бошқа айрим маросимларида гулхан ёқиш одати ҳали ҳам учрайди. Бутун антик даврида Ўрта Осиёда ҳукмронлик қилган зардушт (зороастризм) динига биноан эски урф-одатларга эътиқод қилувчиларнинг тушунчасига қараганда, ўтга сифиниш турли фалокат ва инс-жинслардан сақлар, турмушда бахт ва муваффақиятлар келтирар эмиш.


Жонбосқалъа ва бошқа ёдгорликларда жуда кўп учрайдиган ҳайкалчалар (археологлар тилида терракоталар) ва бошқа санъат нусхалари Ўрта Осиё, жумладан Хоразм халқларининг диний эътиқодларини тушунишга имкон беради. Бу эса ислом динидагиларга зид бўлган фикрларни туғдириб, Ўрта Осиё халқларининг аجدодлари қуръондаги худо ва пайғамбарларсиз яшаб

зўр маҳорат кўрсатганлигидан дарак беради. Маълумки, ислом динича киши ва ҳайвонларнинг расмини яшагуноҳ ҳисобланади. Ажойиб ҳайкал, расм ва архитектура яратган қадимги хоразмликлар исломни қабул қилиши натижасида тасвирий санъат соҳасида бир қанча аср орқага чекиндилар. Бу эса Муҳаммад «таълимининг» оқибатларидир. Текширилган ёдгорликларда отларни тасвирловчи сон-саноксиз ҳайкал ва идишларга солинган отнинг расмлари қадимги хоразмликларда зардушт динидан ташқари отга сиғиниш эътиқоди катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Тарихий манбаларда ҳам массагетларнинг отга сиғинганлиги тўғрисида фикр бор. Серҳашам кийимли асл кишини тасвирловчи жуда кўп ҳайкалчалар—унумдорлик худоси, сув ва суғориш иншоотларининг ҳомийси Анахита образи билан боғлиқлигига ҳеч шубҳа йўқ. Норшоҳининг айтишича, зардушт динидаги бухороликлар ҳар йилги наврўз байрами маросимларида маҳсус бозорлардан лойдан ясалган худо ҳайкалчаларини олиб, эскисини синдираётган эканлар. Ёдгорликларда топилган ҳайкалчаларнинг деярли ҳаммаси синдирилганлиги мазкур одат билан боғлиқ эканлигини яққол кўрсатади. Бируний асарларида ҳам Норшоҳи ҳикоясига ўхшаш афсона мавжуд. Демак, аجدодларимиз ҳар бир даврда турли динга сиғинган бўлсалар, ҳозирги ислом динидагиларнинг тушунчаси ҳам киши фантазиясининг маҳсулоти сифатида абадий бўлмай, балки бутунлай ўзгариб кетишига ҳеч шубҳа йўқ. Бунга воқелигимиз ёрқин мисол бўла олади.

Қўйқирилганқалъада топилган кўп нарсалар қадимги хоразмликларнинг диний эътиқодларини тушунишга анча ёрдам беради. С. П. Толстов фикрича Қўйқирилганқалъа дафн қилиш маросими билан боғлиқ ёдгорлик бўлса эҳтимол. Бу қалъа қадимги Қалтаминор сув иншоотининг бўйидаги катта территорияни эгаллаган деҳқончилик райони марказидадир. Қўйқирилганқалъа буржга ўхшаш катта цилиндр шаклида бўлиб (диаметри 44,4 метр), атрофидаги тақирликларга нисбатан 8,5 метр баланд кўтарилган иморатдан иборат бўлган. Ташқаридан қўшдевор (диаметри 86,5 метр) уни ҳалқа каби ўраб турган. Девор ичида гумбазли жуда кўп хоналар бўлган. Қалъанинг ташқи қўшдеворида 9 та ярим доирасимон буржлар бор. Қўшдеворнинг ва марказий иморат деворининг ташқи қаторларида Жонбосқалъа-



*a*



*б*


*a, б* - Қуйқирилган қалъанинг қазилишдан кейинги кўрinishи ш  
ҳамда реконструкцияси.

дагидек найзасимон қатор шинаклар кўп. Девор ичидаги хоналардан топилган нарсаларга қараганда, унда қул ва ибодатхона хизматкорлари яшаган.

Археологик қазилмалар ичида учрайдиган хилма-хил топилмалар эрамиздан аввалги IV—I асрларда, яъни Кангуй даврида қалъа аҳолисининг хўжалик ва маданий ҳаёти қандай бўлганлигини тасвирлашга имкон беради.

Жуда кўп учрайдиган сопол идишлар орасида туя ва эшакларда олиб юриладиган сувдонга ўхшаш идиш синиқларидаги расмлар алоҳида кўзга ташланиб туради. Бу идишларнинг бирида тахтда ўтириб бола эмизаяётган аёл, иккинчисида эса муштлашишга тайёрланаётган эркак (қадимги аждодларимиз бокс билан таниш бўлиши эҳтимол) аниқ тасвирланган. Бўрттириб ишланган расмлар орасида вино кўтарган қари боғбон, жимжима жиякли камзул ва бурмали кўйлак кийиб олиб, бир қўлида кўзача, иккинчисида қадаҳ ушлаган аёл тасвирланган ҳайкалчалар диққатга сазовордир. Бу аёл сиймосида балки виночилик худоси Мино тасвирлангандир. Мино ибодати ва мифологияси тўғрисидаги баъзи маълумотларни Бируний асарларидан топиш мумкин. Бу топилмалар ва қалъанинг ташқи доирасидаги хоналарнинг бирига ўрнаштирилиб, баландлиги 1—1,5 метрча келадиган ҳамда усталик билан ишланган вино идишлар — хумлар, қалъа теварагида учрайдиган токзор излари қадимги хоразмликларда узумчилик анча тараққий қилганлигини кўрсатади. Археологик қазиш натижасида хоналарда деворга осилган франг-баранг нақш фрагментлари, от, туя, қўй ва шу сингари ҳайвон ҳамда қушларни тасвирловчи расмлар, ўсимлик шаклидаги, мазмундор нақшли катта идишлар, дастаси фил ёки от бошига ўхшатиб ясалган кўзалар ва бошқа бадий қимматли кўп хил сопол буюмларнинг парчалари топилган. Ташқи доирадаги хоналарнинг бирида топилган ҳайкалча усталик билан сополдан ясалган бўлиб, қўлида бола ушлаб ўтирган маймун тасвирланган, бу эса қадимги Ҳиндистон санъатини эслатади. Қўйқирилган қалъа атрофини эгаллаб ётган тақирларда ҳам ажойиб санъат нусхалари кўп учрайди. Қалъанинг шимолидаги тақирдан топилган кампир ҳайкалининг калла қисми — қадимги ҳайкалтарошлик реалистик асосга эга бўлганлигини кўрсатади.





а



б

Қўйқирилганқалъа теварагидан ва қазилмаларидан топилган нарсалар:

а қанотли афсонавий ҳайвон ва чол киши боши тасвирланган сопол сувдон парчалари.


б) сополдан ясалган терракота.

Тасвирий санъат намуналари ичида жимжимали оссуарийлар алоҳида ўринни эгаллайди. Юқорида айтганиздай, бу даврда бутун Ўрта Осиёда зардушт дини ривож топган эди. Зардушт динига биноан, ўликларни ерга кўмиш, сувга ташлаш гуноҳ деб ҳисоблаб жасадни ё куйдирганлар ёки гўшт ва терисини йиртқич ҳайвон ва қушларга едириб, суякларини махсус сополқути (оссуарий) ларга солиб айрим биноларда сақлаганлар. Шундай қутиларни Ўрта Осиёнинг ҳамма ерида учратиш мумкин. Мана шу ва бошқа фактларга асосланиб кўп олимлар зардуштнинг ватани Ўрта Осиё деб ҳисоблайдилар.

Хоразмнинг Қўйқирилганқалъа теварагида кўп учрайдиган оссуарийлар ўзининг хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Бу оссуарийлар қопқоқларининг кўпчилигига ҳайкалчалар қилинган. Қўйқирилганқалъадан тахминан бир ярим чақирим шимолда қум тепалар орасида топилган квадрат шаклдаги оссуарийнинг қопқоғидаги чордона қуриб ўтирган эркакнинг ҳайкали жуда ажойибдир. Шуниси қизиқки, калта мўйловли, соқоли эса хоразмча қилиб қўйилган, кийими нақшдор қилиб



а



б

а, б — аёл ва эркак кишини тасвирловчи жасад суяклари солинадиган сополдан ясалган махсус қутилар — оссуарийлар.

тўқилиб, камари учида қўй бошини тасвирловчи безак борлиги ҳайкалда кўриниб туради. Оссуарийлар ичида отга ўхшатиб қилинганлари ҳам учрайди.

Қўйқирилганқалъадаги ажойиб кашфиётлардан яна бири — Хоразмнинг қадимги ёзувидир. Ташқи доира харобаларида хум оғзининг четига ўйиб ёзилган аромай типидagi алфавитли қисқа хат топилган.

Ёзув шундай аниқ сақланганки, уни осонгина ўқиш мумкин. Иккинчи нусхаси хумчага тушъ билан (Хоразм тарихида сопол идишга тушъ бериш биринчи мартаба учрайди) ёзилган бўлиб, у ҳам осон ўқилади. Бу ёзув намуналарини фақат Хоразмдагина эмас, балки бутун Ўрта Осиёда ҳозирча маълум бўлган энг қадимги ёзув деб айтсак хато қилмаган бўламиз. Демак, Хоразм илк антик даврданоқ кенг тарқалган ёзувга эга бўлиб, бу

эса унинг маданий жиҳатдан юқори босқичда турганлигини кўрсатади.

Шундай қилиб, кўмиш маросими билан боғлиқ бўлган ибодат қасри — Қўйқирилганқалъа қимматли ва муҳим материалларни асрлар оша бизгача сақлаб келган. Бу қалъадаги ҳаёт Қангуй давлати даврида давом қилиб, Хоразмнинг Кушан империясига қўшилиши билан тўхтаб қолади ва кейин ҳеч жонланмайди.

## КУШАН ДАВЛАТИ ВА ТУПРОҚҚАЛЪА

Эрамиздан аввалги биринчи аср охирларида Урта Осиё гуни қабила иттифоқидан ташкил топган қудратли Кушан империясига кирарди. Хоразмнинг Кушан даврига оид тарихи жуда ҳам ноаниқ. Аммо, бу даврда Хоразм шоҳларининг тангалари ўрнини кушанликлар тангаси эгаллашига қараганда Хоразм Кушан империяси составига кирган, деб фараз қилиш мумкин. Эрамизнинг III асрларида Хоразмда маҳаллий шоҳларнинг тангалари зарб қилиниши ва кушан тангаларини сиқиб чиқарилиши Хоразмнинг яна илгаригидай сиёсий мустақилликка эришганлигини кўрсатади.

Император Қанишка (78—123 йиллар) ҳукмронлик қилган даврда Кушан давлати жуда қудратли давлатга айланиб, замонасининг буюк давлатлари Рум, Парфия ва Хитой билан бир қаторда туради. Қанишка ҳукмронлигининг охириги йилларида Кушан давлати жуда ҳам кенг территорияни ўз ичига олган. Унинг чегараси Фарбда Орол ва Каспий денгизи бўйларигача, жанубда Ҳинд дарёсининг қуйи оқимигача, Шарқда эса Синьцзяннинг Хўтан шаҳридан Ганг бўйларидаги Баноросгача чўзилган.

Қанишка ғолибона юришлардан ташқари, катта қурилишлар ҳам қилди. Унинг даврида Шимолий Ҳиндистондаги анча шаҳарларга асос солинган. Ҳозиргача шу шаҳарларнинг бири унинг номи билан юритилади. Кўп мамлакатлар блан иқтисодий ва сиёсий муносабатлар кучаяди. 99 йилда Кушан элчиларининг Румга келиши ва Кушан территориясида жуда кўп рум тангаларининг топилиши бунга далил бўла олади. Кушан тангалари Кама бўйларида ҳам учрайди. Қанишканинг дин соҳасидаги сиёсати натижасида Кушан империясида, жумладан Урта Осиёда ҳам то араб истилосигача буддизм

дини кенг тарқала бошлаган. Ҳаттоки, Хитойга ҳам буддизм Кушан империяси орқали тарқалади. Буддизмнинг энг қимматли асарларидан бири Амитаба Сутра Кушан мамлакатидан Хитойга 147 йилда олиб келтирилганлиги тўғрисида Хитой хроникалари хабар беради.

Кушан даври бу империяга қарашли ва унинг таъсири остида бўлган мамлакатларнинг бадиий маданиятида муҳим роль ўйнади. Бу даврда пайдо бўлган ажойиб архитектура ва ҳайкалтарошлик санъатининг кўпгина ёдгорликлари Шимолий Ҳиндистонда, Бактрия, Кобул дарёси водийсида ва Амударёнинг юқори оқимларида бизгача сақланиб келган. Бу ёдгорлик намуналари ана шу ёдгорлик кўпроқ топилган ернинг номи билан махсус адабиётларда гандхар санъати деб аталади. Гандхар санъати Хитой, Ҳинди-Хитой, Япония ва Индонезия халқларининг бадиий маданиятига катта таъсир ўтказган ҳамда унинг традициялари бутун ўрта аср ва ҳатто ҳозирги давргача сақланиб келган.

Кушан империяси даврида дин, архитектура ва санъат соҳасида рўй берган ўзгаришлар Хоразм маданиятига ҳам таъсир этди. Шунингдек, Ўрта Осиёнинг бошқа районларидан қадимги Бактрия (Термиз яқинидаги Айртом ёдгорлиги), Тўхористон (Сурхондарё областининг Ангор районидаги Болаликтепа ёдгорлиги) маданияти ҳам гандхар санъати традицияларининг бевосита таъсири остида тараққий қилган. Натижада Хоразмда учрайдиган кушан даври ҳайкалчаларининг характери анча ўзгаради. Эндиликда ҳайкалчалардаги кийим ва безаклар кангуй давриникидай серҳашам бўлмай, унда гандхар санъатининг таъсири сезилиб туради. Янги типдаги ҳайкалчалар ҳинд кийимларидагидай анча ери очиқ бўлиб, бу ҳол унинг будда образлари билан боғлиқ эканлигини кўрсатади.

Хоразмнинг Кушан даврига оид ёдгорликлари ҳам жуда бой ва ажойибдир. Бу даврда ҳам илгаригидай суғориш тармоқлари ривожланади ва такомиллашади, эски қалъалар қайта қурилади, янги қалъалар ва аҳоли яшайдиган пунктлар вужудга келади. Янги пайдо бўлган катта суғориш иншоотларидан Қирққиз ва Тупроққалъа каналларини айтиб ўтиш лозим. Воҳа чеккаларида кушан даври учун типик бўлган мудофаа иншоотларидан қуйи Чарманёпда Говурқалъа, Устюрт

қирларида Девкесканқалъа бунёдга келади. Сугорийи тармоқларининг ривожланиши натижасида Аёзқалъа, Қизилқалъа, Қўрғошинқалъа, Тупроққалъа, Катта Гулдурсун, Кичик Қирққиз каби яхши мустақамланган шаҳар ва қалъалар пайдо бўлади. Бу ёдгорликларнинг ичида Катта Гулдурсун, Қизилқалъа, Аёзқалъа, Говурқалъа, Анқақалъа ва ажойиб тарихий хазина бўлган Хоразмшоҳлар резиденцияси — Тупроққалъа алоҳида диққатга сазовордир.

Катта Гулдурсун найзасимон шинакли қўшдевор билан ўралган нотўғри тўрт бурчак (280×230 м) шаклидаги зўр истеҳком бўлиб, у иккита катта сув иншооти — Қирққиз ва Тупроққалъа каналлари бир-биридан ажралган жойда қурилган. Ички ҳовлида илк кушан нусхасидаги қизил лойдан ишланган сополлар ва катта иморатларнинг қолдиғи бор. Бу қалъа яқинида Қирққиз магистрал каналидан шимоли-ғарб ва ғарбга жуда катта сув иншооти ўтказилган. У Норинжон шаҳри орқали ўтиб Тупроққалъага боради ва Қизилқалъа истеҳкоми олдидан тугайди. Жилдиққалъа районида ундан чиқарилган шохобча ўзанининг кўп қисми ҳозир қум остида қолиб кетган бўлиб, этаги Аёзқалъадаги тоғ ён бағирларида пайдо бўлади. Бу каналнинг катталигидан ҳатто Тупроққалъа канали унинг шохобчаларига ўхшаб кетади. Мана шу зўр сув иншоотларининг бош қисмини мудофаа қилувчи ва сув тақсимлаш ишларини бошқарувчи марказий идора Гулдурсунқалъасида бўлса эҳтимол. Бу канал ва шохобчаларнинг қуйи оқимларини Қизилқалъа, Аёзқалъа ва бошқа қалъалар қўриқлаган. Булар ичида Қизилқалъа илк кушан даврида баланд ғишт пойдеворга қурилган анча қудратли истеҳком бўлиб ундаги бинолар каттагина чегара соқчилигини олиб борган ҳарбий гарнизонга мўлжалланган. Қалъанинг ички қисмига ёппасига равоқли йўлаксимон бинолар қурилган. Қизилқалъа муҳим стратегик пункт бўлиб, у хоразмшоҳлар резиденцияси — Тупроққалъани ва бутун воҳани Султон Увайс тоғи орқали ўтадиган қадимги йўлдан ҳамда Амударё томондан қўриқлаб турган.

Аёзқалъа ёдгорлиги кичик девор билан ўралган Султон Увайс тоғининг шарқий этагидаги йирик деҳқонларнинг қўрғонларидан иборатдир. Эҳтимол қўрғон ичида боғ ва полизлар мавжуд бўлган. Бу жуда кўп деҳқон қўрғонлари орасида учтаси алоҳида ажралиб туради.

Аёзқалъа қоясининг тепасини безаб турган Аёз —1 деб аталган истеҳком ярим доира шаклидаги буржли баланд қўшдеворлар билан ўраб олинган. Қалъа бурчакларида икки буржнинг бир-бирига қўшилишидан «қалдирғоч думига» ўхшаш қизиқ шакл ҳосил бўлади. Бундай қурилиш усулини фақат илк кушанлар даврида қадимги Хоразмнинг ҳарбий истеҳком қурувчи усталари қўллаган. Кенг саҳро ўртасида баланд кўтарилиб турган Аёз —1 ҳам Қизилқалъа каби Хоразмга шимолдан олиб борадиган йўл устидаги муҳим стратегик иншоот ҳисобланган.

Бу истеҳком жойлашган қоянинг пастки ён бағрида, жанубий тепаликнинг учида тухумсимон шаклда солинган Аёз —2 истеҳкоми қад кўтаради. Бу қалъадаги турар биноларда ва деворлар ўртасидаги равоқсимон йўлакларда ҳеч қандай маданий қатламлар бўлмаганлиги учун уни Аёз —1, Қизилқалъа, Қўзиқирилганқалъа, Кўнарлиқалъа каби ҳимоячи гарнизоннинг турар қишлоғи деб ҳисоблаш мумкин. Эҳтимол қамал вақтларда ҳимоячиларга атрофда яшовчи аҳоли ёрдамга келган.

Мазкур мустаҳкамланган тепаларнинг этакларида гишт деворлар билан ўралган катта ҳовли қўрғонларидан иборат бир қишлоқнинг харобалари ётади. Улар орасида кўп буржли девор билан ўралган Аёз —3 номли қўрғон алоҳида ажралиб туради.

Аёзқалъа комплексига кирган қишлоқ ёдгорликлари унда кўп миқдорда топилган кушан даври тангаларига қараганда эрамизнинг II асрларида пайдо бўлган. Қишлоқ узоқ яшамай ундаги ҳаёт III—IV асрларда тугаган. Олимларнинг айтишича, бу ердаги кўп қўрғонларда деҳқончилик билан шўғулланган аҳолининг патриархал типдаги катта жамоалари яшаган бўлиб, у Хоразм қишлоғининг ижтимоий-иқтисодий тузумида муҳим ўзгаришлар рўй бераётганидан дарак берарди. Кушан давлатининг гуллаш даврида катта уруғ-жамоа типидagi мустаҳкамланган истеҳкомлардан, патриархал типдаги кўп оилали жамоаларнинг айрим қўрғон ёки катта ҳовлиларга ажралиб чиқиши анча кучаяди. «Катта оилали» жамоаларнинг ажралиб чиқиш жарёни қулдорлик тузумининг емирилә бошлаганлигини ва илк феодал хўжаликларининг вужудга келаётганлигини кўрсатади.

Шуни ҳам қайд қилиб ўтиш лозимки, бу қўрғонларда аҳоли зич яшайдиган Гулдурсун, Жонбосқалъа, Ха-

зорасп, Тупроққалъа истехкомларига ўхшаш антик шаҳарлардан узоқда жойлашган озод деҳқонларнинг қишлоқ уйларини кўраміз.

Кушан империясининг шимолий чегараларидаги кучли мудофаа иншоотларига Говурқалъа ҳам киради. Қалъа Амударё қирғоғида, Султон Увайс тоғининг ғарбий тизмаларини кесиб ўтган жойида, дарё ва дарё бўйлаб келадиган йўлни мудофаа қилишга қулай бўлган баланд қоя устида қурилган. Бу истехком тахминан II—III асрларга оид бўлиб, мудофаа вақтида ундаги гарнизон составига ҳарбий кемалар ҳам кирган.

Говурқалъа икки қатор шинакли қўшдеворлик оғиш тўрт бурчакдан иборат. Деворларнинг бошқа қаторида ундан бир оз баландроқ кўтарилган, ораси 20 метр масофада қўйилган тўғри бурчакли буржлар мавжуд. Бурчаклардаги буржлар кушан даври архитектура традициясига асосланган бўлиб, «қалдирғоч думига» ўхшатиб қурилган. Қурилиш усули жиҳатдан унинг Аёз — I га яқин туриши — бу қалъаларнинг барчаси бир мудофаа системаси билан боғлиқ эканлигини кўрсатади. Лекин Говурқалъада икки қатор шинакларнинг борлиги уни бир томондан Кангуй даврига оид Жонбосқалъа каби ёдгорликлар билан ҳам боғлиқ эканлигидан дарак беради.

Деворларга қўйилган катта ва қалин (40×40×10) ғиштларнинг деярли 25—30 процентига тамға босилган. Кангуй ва Кушан даврига тегишли бармоқ билан лойга босилган 16 хил тамға белгилари аниқланган. Шубҳасиз бу тамғалар айрим уруғ белгилари бўлган.

Қалъа ичида шимолий девор бўйлаб қурилган хона харобалари бўлиб, унда гарнизон ўрнашган бўлса эҳтимол. Қалъанинг шимоли ғарб бурчагида квадрат шаклда қурилган зал алоҳида ажралиб туради. Зал деворлари сувоқ қилинган ва унга нақш берилганлиги билиниб турибди. Тўрт деворда тўрт токча бўлиб, ўртада тошдан усталик билан ясалган иккита таккурси қўйилган. Устун ҳозирги ҳовлилардагидек ўйиб нақш берилган ёғочдан ишланган бўлиши эҳтимол. Зални қазиб текширилганда ҳайкал топилган. Лойдан ясалиб, эркак кишининг бошини тасвирловчи бу реалистик ҳайкал алоҳида диққатга сазовордир.

Кушан империясининг сўнгги даврларидаги мудофаа иншоотларидан яна бири Анқақалъадир. Бу ёдгорлик

Қўйқирилган қалъадан икки километр шарқда қадимги қўрғон ва қишлоқ харобалари ўртасида жойлашган. Шу харобаларнинг бирида эрамизнинг III асрига оид бўлган бошига бургутсимон темир қалпоқ кийган шоҳнинг расми солинган Хоразм мис тангаларидан иккитаси топилган.

Анқақалъа унча катта бўлмай, бошқа антик истеҳкомлардай катта қолипли ғиштлардан қурилган қўш-девор билан ўралган. Қалъа дарвозаси шинакли тўғри бурчакли буржлардан иборат. Квадрат шаклидаги бурчак буржлари (11×11 м) қурилиш жиҳатидан бошқа ёдгорликлардан фарқ қилиб, ўзига хос хусусиятга эга. Дарвоза буржларидан ташқари қолган уч деворда ҳам биттадан тўғри бурчакли буржлар бор. Қалъанинг етти метр баландликда сақланиб қолган ташқи деворида бир қатор узун ва тор, ҳар биттасининг оралиғи 1,3 м келадиган найзасимон шинаклар яхши сақланган. Истеҳком ўртасида қалъанинг ўзига ўхшаш квадрат шаклидаги (18×18 м) уй харобалари унинг ўртасида эса 2,5×2,5 м келадиган чуқурлик бор.

Мустаҳкам қўрғонлар пайдо бўлиши билан бирга катта шаҳарлар ҳам вужудга келади ва сиёсий, савдо ва ҳунармандчилик маркази сифатида ривожланади.

Бу даврга келиб Кушан давлатида жиддий кризис бошланади ва эски ҳамда маҳаллий сулола ўртасида ички сиёсий кураш кучайиб кетади. Империяда рўй бераётган ижтимоий ва сиёсий жараёнда Хоразм муҳим роль ўйнаган бўлса керак, чунки танга пулларни текшириш натижасида олинган маълумотларга қараганда, у III асрдаёқ ўз мустақиллиги учун кураш бошлаган. Бу муносабат билан ички сиёсат ларзага келади, натижада Хоразм территориясида иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан мустақил бўлиб олган қатор айрим ҳокимликлар вужудга келади. Тупроққалъа саройи залларининг бирида бошига тож кийган ва қўлига бургут ушлаган подшо ҳайкалининг топилиши, шунингдек, Анқақалъа яқинида ҳам бошида тож, қўлида бургут ушлаган киши расми солинган танганинг топилиши ва бу тангаларнинг шу жойда зарб қилинганлиги — маҳаллий сулола ҳокимияти ўрнатилганлигидан гувоҳлик беради. Топилган тангаларда латин алфавити билан «S» ҳарфига ўхшаш сиёвушлар тамғасининг борлиги, бу сулола сиёвушлар авлодидан бўлган



бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Эрамизнинг III асри ўрталарида Кушан империясидагина эмас, балки бутун Ўрта Шарқда катта сиёсий ўзгаришлар рўй беради. Кушанлар сулоласи билан бир вақтда Парфия аршакидларининг ҳукмронлиги емирилади.

Эронда давлат бошига сосонийлар сулоласи келади ва у Ўрта Осиёнинг бир қисмини ўз қўли остига олади. Бу даврда Хитой империяси ҳам емирила бошлайди.


Аммо, Хоразмда кушанлар билан кураш ва ички сиёсий ларзалар қудратли маҳаллий сулолани вужудга келтиради. Бу сулола ўз тангаларини зарб қилади ва шаҳарларда ўзларига саройлар қуради, қўшни кучли давлатларда бўлаётган ларзалардан фойдаланиб, бутун дунёга ҳукмрон бўлишга даъво қила бошлайди. Тангаларни текшириш туфайли олинган хулосаларга қараганда Хоразм мустақиллиги VIII асрнинг охирларигача давом этади.

Шундай қилиб III асрда Хоразмда кушанлар билан курашда голиб чиққан сиёсий гуруҳ — африғийлар сулоласига асос солади. Бу янги сулола Тупроққалъага таянган ҳолда ўз ҳокимиятини дастлаб воҳанинг ўнг қирғоғида ўрнатади. Тупроққалъа харобаларини текшириш унинг ҳақиқатан ҳам катта давлат таянчи — шоҳлар резиденцияси бўлганлигини кўрсатади.

Тупроққалъа ўзининг планировкаси, деворлари ва ундаги шинаклар, у ердаги хоналарнинг қурилиши ва мудофаа системаси билан антик даврдаги катта шаҳарларга ўхшаб кетади. Лекин у, айниқса ўзининг ажойиб санъат бойлиги билан алоҳида ўрин тутаяди.

Султон Увайс тоғларининг жануброғида, қадимий қалъалар районида топилган бу ажойиб ёдгорлик 17,5 гектар майдонни (500×350 метрни) ишғол этади. Кўринишда тўғри бурчак шаклидаги Тупроққалъа шимолдан жанубга чўзилган бўлиб, атрофи катта қолипда қуйилган хом гиштлардан қурилган қалин ва баланд девор билан ўралган. Деворлар бўйлаб квадрат шаклдаги жуда кўп буржлар қад кўтариб туради. Қалъанинг шимоли-ғарбида эни ҳам, бўйи ҳам 180 метр келадиган икки қават қилиб солинган ҳашаматли сарой харобалари кўзга ташланиб туради. Саройнинг учта буржи бўлиб, бу буржларнинг баландлиги 25 метрга етади.

Бу ёдгорликни текшириш юзасидан олиб борилган ишлар 1938 йилдан буён давом эттирилиб келинган



Тупроққалъанинг реконструкцияси.

эди. Уша йиллардаёқ, қалъанинг теварак-атрофидан топилган бир қанча тангалар ва бошқа нарсаларга асосланиб, Тупроққалъа эрамизнинг III—IV асрларига тегишли эканлиги аниқланди. Лекин, қалъани ўрганиш ишларига 1945—1950 йиллардагина астойдил киришилди.

Мана, шаҳарнинг жанубий бош дарвозаси. У Хоразмда ҳозир ҳам учрайдиган катта уй (ҳовли)ларнинг дарвозаларига ўхшайди. Дарвозадан ичкарига кирилган заҳоти тўғри бурчакли қилиб солинган уйга дуч келинади. Афтидан, бу шаҳар соқчилари турган жой бўлса керак. Шу уйдан марказий кўча бошланади. Ун метр кенгликдаги бу кўча тўғри ҳокимнинг саройига ва шаҳар ибодатхонасига олиб кирадиган дарвозага бориб тақалади. Шу кўчанинг охиридан ўнгга қараб кетган кўча бозорга олиб чиқади.

Бош кўчанинг ҳар томонида бир-бирига тўғри келадиган тор кўчаларда 9—10 қаторлаб кўп хонали катта уйлар солинган. Қалъанинг ички архитектураси Жонбосқалъага ўхшаб кетади.

Ана шундай тор кўчалар ўртасидаги ҳовли-жойлар бир-бирига тутшиб кетган бўлиб, улар орасида девор йўқдай кўринади. Туташ ҳовлилардаги хоналарнинг сони 200 гача боради. Бу нарса Тупроққалъада истиқомат қилган аҳоли уруғчилик традициясига асосланиб авлодма-авлод яшаганлигидан ва ижтимоий ҳаётнинг жуда қадимги формасига мансуб бўлганлигидан далолат беради.

Ҳоким саройининг жанубий дарвозасидан бошланган узун йўлакнинг охирида ўт ибодатхонаси жойлашган. Ибодатхона бир неча иншоотлардан ташкил топган. Иншоотларнинг ўртасида қўш деворлар билан қуршалган ва ичкарига айланма йўлаги бўлган тўғри бурчакли бино туради. Қадимий хоразмликлар ибодат қилган сўнмас ўт шу бинода бўлган.

Бундай ибодатхоналар қадимги Хоразмдаги бошқа ёдгорликларда ҳам, чунончи, Жонбосқалъадан ҳам топилганлигини юқорида айтиб ўтдик. Тупроққалъадаги бу иншоот тузилиши жиҳатидан Эрон Озарбайжонининг Шапур деган жойдан Р. Гришман қазиб топган ибодатхонага ўхшайди.

Ўт ибодатхонаси билан ёнма-ён икки қават қилиб ишланган, уч бурчакли ажойиб бино ўзининг ҳашаматли кўриниши билан кишини ҳайратда қолдиради. Бинонинг юқори қисмидаги девор ганчдан ишланган чиройли ҳайкалчалар билан безатилган. Сарой ва ибодатхона қурилишларининг жанубий ҳамда шарқий тарафидан шинакли - қалин ва баланд деворлар билан гир айлантириб ўралган. Девор бўйлаб бурж ва дарвозалар қурилган, саройга шарқ томондаги пандусдан кирилар эди. Пандуснинг охири турли ўсимликларга ўхшатиб нозик нақшлар солинган тор йўлак билан тугайди. Сарой шу қадар баланд қилиб солинганки, аҳоли яшайдиган ҳовлилар ундан жуда кичкина бўлиб кўринади.

Сарой биноларининг ўртасида ташқарига олиб чиқадиган катта хоналар, нақш ва ҳайкаллар билан безатилган зал бор. Археологларимиз топилган нарсаларнинг характерига қараб, бу хоналарга «шоҳаншоҳлар зали», «зафарлар зали», «жангчилар зали», «буғулар зали», «ўймақор ганч зали» каби номлар беришган.

Саройда булардан ташқари турли турар жойлар, хўжалик ва хизмат кўрсатиш бинолари, шунингдек

устахоналар бор. Хоналарнинг деразалари йўқ. Еруғ тушиб туриши учун туйнук қилинган. Пештоқ йўлаклар орқали хонадан-хонага ўтилади.

Саройнинг кўча ёки ҳовлига очиладиган эшиклари шунингдек, хоналардаги эшиклар хилма-хил ўйма нақшлар солиб безатилган. Уларга кишилар, ҳайвонлар, қушлар ва ҳатто тўлқинларда сузаётган балиқларнинг расмлари моҳирона тасвирланган. Арфага ўхшаш уч бурчак шаклдаги катта созда ўйнаётган аёлнинг, шунингдек дўмбирасимон иккиёқли мусиқа асбобининг пардасини ушлаб турган қўл расми ўзининг нафислиги ва жозибадорлиги билан кишини ўзига тортади. Яна бир жойда токлар орасида юриб узум узаётган аёлнинг расми кўзга ташланади. Расм сополга минерал бўёқлар билан солинган.

«Шоҳаншоҳлар зали» ҳамда «жангчилар зали»нинг деворларидаги тахмон ва токчаларга подшолар ёки худоларнинг расмлари солинган. Улар орасида қора танли аскарлар ажралиб туради. «Зафарлар зали»га ўтиб, зафар гумбази остида дабдаба билан ўтирган подшоҳ ва маликаларнинг расмини кўрамиз. Бир неча гумбазли йўлаклардан ўтгач, «раққосалар зали»га киради.

Бу ерда ранг-баранг кийимлар билан безанган ва аллақандайр маскалар (ниқоблар) кийиб олган таннозлар қўшинларнинг қандайдир урф-одатга мансуб бўлган ўйинини ижро этишмоқда. Шу зал яқинида ён хонага буғуларнинг расмлари нақшдор қилиб солинган.

Ҳайкалларнинг кўпи табиий катталиқда ишланган. Баъзилари эса бир ярим-икки ҳисса катталаштириб ёки икки баравар кичиклаштириб ишланган. Ҳайкалларнинг кўпига хилма-хил ранглар берилган. Одамларнинг завқлантирадиган даражада усталик билан солинган юз-бетлари одам бадани ранги билан, кийимлари эса турли хил ранг билан бўялган. Ҳайкаллар лой, сопол ва ганчдан ишланган.

Сарой биноларининг панжара ва пирамонлари ҳам нақшдор қилиб ишланган. Деворларга барглардан чамбарак қилиб гуллар солинган.

Бу ерда нақш ва безаклар қадимги Хоразм санъатининг ўзига хос ажойиб ютуқларга эришганлигидан дарак беради.



Деворга ҳар хил ранг билан ясалган арфага ўхшаш мусиқа асбобини чалаётган аёл расми.

Тупроққалъали кларнинг юриш-туришлари, кийимлари, уйлари кўп жиҳатдан ҳозирги хоразмликларникига ўхшаб кетади.

1948—1949 йилларда уюштирилган экспедиция юқори қаватдаги хоналарнинг бирдан қадимги хоразмликларнинг тери ва ёғочга ёзилган архивини топди. Ундан ҳаммаси бўлиб 140 та ҳужжат чиққан. Шундан 122 таси терига ёзилган бўлиб, уларнинг кўпи чириб кетган. Терига ёзилган ҳужжатлардан 18 таси, тахтага ёзилганлардан эса 8 таси яхши сақланган. Бу ҳужжатларнинг асосий қисми маъмурий-хўжалик масалаларига доир бўлиб, аромай типидagi алифбеда ёзилган. Ҳуж-

жатларнинг тили А. А. Фрейман ва бошқа тилшунослар текширган Хоразмнинг XIII—XIV асрлардаги форсий тилига ўхшайди. Айрим ҳужжатларнинг йили ҳам кўрсатилган (эрамизнинг 285—309 йиллари).

Топилган айрим нарсалар ичида аслидан бир ярим ҳисса каттароқ қилиб ганчдан ишланган эркак киши бошини тасвирловчи ҳайкал алоҳида диққатга сазовор. Чунки бу Хоразмда ганчдан ишланган биринчи ҳайкалдир. Ҳайкалга ранг берилганлиги сезилиб туради.

Шуни ҳам қайд қилиш лозимки, тасвирий расмлар зал ёки шоҳ хоналаридагина эмас, ҳатто қуллар яшайдиган уйларда ҳам бор. Зеби-зийнатлардан ўнтача олтин безаклар, 300 га яқин хилма-хил шиша, қаҳрабо, маржон ва чиғаноқлардан тузилган мунчоқ топилган.

Топилган нарсалар ичида хўжаликка доир бўлган ва Хоразмда биринчи марта учраган ўроқ ва темир совут тангачалари муҳим ўрин тутди. Совутнинг қол-



Сарой хоналарининг бирида топилган ёғочга ёзилган архив ҳужжатларидан бири.

диқлари саройдаги «жангчилар зали»даги ҳайкалларда тасвирланган совутга ўхшайди.

Тупроққалъада топилган материаллар қадимги Хоразм ўзига хос санъат ва архитектурага эга бўлганлиги, мустақил тараққий қилганлиги ҳамда қўшни мамлакатлар — Парфия, Бактрия, Ҳиндистон, Яқин Шарқ ва Қора денгизнинг шимолидаги давлатлар билан яқин алоқада бўлганлигини кўрсатади. Аммо, бу яқинлик фақат санъат нусхаларининг айримларида сезилади, холос. Сарой планировкаси ҳам, хоналарнинг бадий жиҳатдан безатилиши ҳам, ҳайкал ва расмларнинг композицияси ҳам, нақш элементлари ҳам ўзининг ажойиблиги ва стиль бирлиги билан характерлидир.

Шубҳасиз, Тупроққалъадан топилган жуда бой археологик материалларни пухта текшириш билан хоразмликларнинг III—IV асрлардаги хўжалик фаолияти, жумладан қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчилиги, ҳарбий тузуми, бадий маданияти ва ёзувини тўлиқ равишда тасвирлаш мумкин. Қўлида арфа ушлаган созанда аёлнинг ажойиб нафислик билан ишланган расми киши туйғуларини таронага солиб, севимли куй ва ашулалар билан танилган Хоразмнинг мусиқа тарихини ўрганишда муҳим саҳифа бўла олади.

Бутун Хоразмда шоҳларнинг тенги йўқ дабдабали резиденцияси бўлган Тупроққалъа саройи номаълум сабабларга кўра IV асрга келиб ташландиққа айланиб бўшаб қолади, шаҳардаги ҳаёт эса VI асргача давом этади.

Феодал қасрларининг бурқираб ўсиши натижасида шаҳар ҳаётининг тушкунликка учраши, Бируний ёзишича, Хоразмшоҳлар марказини эрамизнинг 305 йили Кат қалъасига кўчиришга сабаб бўлади. Бу жараён Хоразм тахтига янги, африқийлар сулоласининг кўтарилиши билан боғлиқ эканлиги маълум. Бу ҳақда Бируний қуйидагича ёзади: «Шундай қилиб, Африқ Исқандар келгандан кейинги 660 йилда Ал-Фир (Кат яқинидаги қалъа) шаҳри ичида қаср қуради. Ал-Фир шаҳри қалъа бўлиб, учта девори пахсадан ва хом ғишдан урилган; буларнинг бири иккинчиси ичига жойлашган, бирининг баландлиги иккинчисиникига қараганда ортиб боради; аммо шоҳлар қасри ҳаммасидан ҳам баланддир. Ал-Фир ўн миль ва ундан узоқроқдан кўрииб турган».



*a*



*б*



*в*

**Тупроққалъадан топилган нарсалар:**

- a*— ганчдан ясалган ҳайкалнинг бўлаги.
- б*— деворга бурштириб ясалган ранган бугу расмининг бош қисми.
- в*) Хоразм шоҳи Балъмар тарб қилган кумуш танга.



Янги сулолага асос солган Африғнинг расми Хоразм тангаларида яхши сақланиб келган. Кўз олдимизда бургутсимон қирра бурун, чўққайиб турган сийрак соқолли, бўйнига мунчоқ осган, совуқ башарали кишининг образи туради. Унинг бошида қадимги Шарқ подшолари ва рум папалари киядиган тиара бор. Бу махсус қалпоқ ярим доира шаклида бўлиб, елкани бекитиб турган. Манглайда ярим ой белгиси бор. Танганинг орқасида отлиқ кишининг расми, отнинг оёғи остида эса қадимги Хоразм алифбэсида «Шоҳ Африғ» деб ёзилган.

Ўрта асрларда илгариги, яъни африғ давридаги Хоразм пойтахти ўрнида пайдо бўлган Шаббоз (ҳозирги Бируний) атрофида ҳозиргача сақланиб қолган ва маҳаллий тилда «Пил» деб аталиб келинаётган сўнгги антик даврга оид катта қалъа харобалари мавжуд.

Албатта, бу қалъа Бируний ёзганидек, Африғ қурдирган қаср эмас, аммо уни янги Хоразм пойтахти билан боғлиқ эканлигига шубҳа йўқ.

Қалъа харобалари атрофи шўр ботқоқлик билан ўралган бўлиб, унга битта сўқмоқ йўл боради. Архитектура жиҳатидан Пилқалъа Аёз — 1 га жуда ҳам ўхшаб кетади. Истеҳкомнинг бир бурчагида антик давр ёдгорликларига ўхшамайдиган квадрат шаклидаги номаълум иморат ҳам бор. Пилқалъанинг деворлари пахсадан 10—11 метр баландликда ва 6 метр қалинликда қурилган.

Африғ сулоласи катта тарихий ўзгаришлар содир бўлган бир даврга тўғри келади. Дарвоқе, эрамизнинг IV асрларидан бошлаб шундай кучли воқеалар рўй берадики, натижада Хоразмнинг бутун хўжалик ва жамият тузуми, маиший ва сиёсий ҳаёти кескин равишда ўзгара бошлайди. Бу ўзгаришлар янги хилдаги истеҳком ва ҳовлиларнинг пайдо бўлишида яққол кўринади. Қудратли қалъалар соясида сақланиб, мустаҳкам қурилмаган истеҳкомлар ўрнига, далалар ўртасида деҳқонларнинг ўзбошимчалик билан мустаҳкамлаб қурган қўрғончалари пайдо бўлади. Бу қўрғончалар билан бир қаторда аристократия яшайдиган ваҳимали янги қасрлар ҳам қад кўтаради. Воҳадаги дабдабали антик шаҳарлар тушкунликка учраб, жамият ҳаёти шаҳардан қишлоққа ўта бошлайди.

Бу даврга оид ёдгорликлар жуда ҳам хилма-хилдир. Тахминан бир гектар майдонни эгаллаган Бургутқалъа, Тешиққалъа, Қумбосканқалъа каби катта истехкомлардан бошлаб, то сатҳи бир неча юз квадрат метр келадиган жуда майда деҳқон қўрғончаларини учратамиз. Аммо бу ёдгорликларнинг ҳаммаси бир принципда қурилган бўлиб, ўзига хос мудофаа иншоотларига эга.

Африғийлар давридаги мураккаб сиёсий ҳаётни муфассал тушуниш учун Тешиққалъа устида бир оз тўхтаб ўтамиз.

Африғийларнинг бу типик истехкоми тўрт бурчак шаклидаги, овал бурчакли буржлар билан мустаҳкамланган қалъа бўлиб, сатҳи ўн минг квадрат метрдан кўпроқ майдонни эгаллайди. Тешиққалъа деворлари ҳам Пилқалъаникига ўхшаб ёппасига пахсадан урилган.

Қалъанинг ичида, унинг жануби-шарқ бурчагидаги ташқи деворга нисбатан юпқароқ девор билан алоҳида майдон ажратилган. Бу майдоннинг жануби-ғарб томони ўртасида кишилар яшайдиган квадрат шаклдаги минорага ўхшаш иморат — қаср бор. Қасрнинг пастки қисми кесак пирамида шаклдаги ёппасига пахсадан урилган пойдевордан иборат. Қаср деворларининг ташқариси ҳашаматли ярим колонна шаклида ишланган, юқориси эса чиройли пештоқлар билан бир-бирига қўшилган. Бундаги турар бинолар гилам ва ҳар хил гулдор нақшлар билан безатилган.

Тешиққалъадаги материаллар хоразмликларнинг VI—VIII асрлардаги ҳаёти ва турмушини кенгроқ тасаввур қилишга имкон беради. Шуниси характерлики, африғийлар вақтидаги ҳунармандлар ясаган нарсаларнинг сифати антик даврдаги маҳсулотлар сифатига нисбатан анча паст бўлган. Сопол идишларнинг деярли ҳаммаси бир текисда пиширилмаган, қўлда чархсиз ясалган идишлар антик даврникидан анча кўпроқ.

Қазилмаларда топилган маиший қолдиқлар бу даврда боғдорчилик ва полизчилик билан бир қаторда деҳқончилик ҳам тараққий қилганини кўрсатади. Тарик, арпа, буғдой, пахта, лўвия, қовун, қовоқ, бодринг, узум, шафтоли ва ўрик кабилар бўлганлиги аниқланди. Сигир, қўй, эчки, чўчқа, туя, эшак ва товуқ суякларининг қолдиқлари хўжаликда чорвачилик ҳам муҳим роль ўйнаганлигидан дарак беради.

Қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналаридан чўзинчоқ шаклдаги ёруғчоқлар билан бир қаторда айлантриладиган катта ялпоқ тегирмон тошлари ҳам учрайди. Ҳайвон кучи билан ҳаракатга келтириладиган харос (эшак тегирмон) деб аталувчи бундай тегирмонлар Хоразм территориясида сўнгги вақтларгача кенг тарқалган. Булардан ташқари Тешикқалъада қўл тегирмон тошлари ҳам топилган. Қўл тегирмонларини ҳозиргача баъзан Ўзбекистон, Қозоғистон ва Туркменистоннинг айрим районларида, Хоразм воҳасида учратиш мумкин. Сўнгги вақтларгача Хоразмда қўл тегирмони ва харосларнинг кенг тарқалишининг сабаби, унинг табиий-географик шароити сув ва шамол тегирмонларини қуришга имкон бермаганлигидир. Тешикқалъадаги қаср хоналари ҳовлидаги биноларнинг сўнгги қатламларидан харос ва қўл тегирмон тошлари топилган.

Топилган кумуш танга, жез чақалар ҳамда сопол идишлар ва бошқа материаллар қалъанигина характерлаб қолмай, шунингдек VI—VIII асрлардаги бутун Бургутқалъа воҳаси ҳаётини ҳам аниқлашга имкон беради.

Тешикқалъани текшириш шуни кўрсатадики, бу қаср катта ерли деҳқон оилалариники бўлган. Бу даврда деҳқон оилаларининг қаср ва қўрғонлари асосан катта-кичиклиги билан фарқ қилиб, аристократ деҳқонлар оддий деҳқонларга қарама-қарши синф сифатида эмас, аксинча булар ҳаммаси бир ижтимоий табақа ҳисобланган. Уша вақтда маҳаллий аристократия «деҳқон» сўзи билан аталган. Демак, янги ижтимоий тузум — феодализм ҳали ғалаба қозонмаган, аммо унинг белгилари бутун ҳаётда сезиларди. Аристократларнинг дабдабали қасрлари катта сув иншоотларининг бошини аста-секин эгаллаб, оддий деҳқон қўрғонлари устидан ўз ҳукмини ўтқазиб бошлайди. Қўрғонларнинг мустаҳкамлашдан мақсад ташқи душмандан мудофаа қилишгина эмас, шунингдек, ўзидан кучли аристократлардан ўз озодлигини ҳимоя қилишни кўзлаган эди. Бу даврга оид баъзи бир манбалар Хоразмнинг ички ҳаётида жиддий синфий тўқнашувлар мавжудлигини кўрсатади. Воҳадаги истиқоматгоҳларнинг мустаҳкамланганлиги, моддий ва маданий соҳада ўзига хос тор рамкадалиги — Хоразмнинг сиёсий ҳамда иқтисодий жиҳатдан Урта Осиёнинг бошқа областларидан ажралиб қолганлигини кўрсатади. Бу факт

VIII асрга келиб араблар истилоси арафасида Хоразм-шоҳлар олий ҳокимиятининг заифлашганлигидан дарак беради.

Африғийлар ҳукмронлигининг сўнгги даврида шаҳарларнинг тушкунликка учраши ҳақидаги маълумотлар VII аср араб ёзувчилари ҳикояларида бор. Ал Табари 712 йилда Хоразмда фақат учта катта шаҳар — Кат (Пил), Хазорасп ва Урганч борлигини хабар қилади. Эндиликда илгариги «мингта шаҳар»лар ўрнига ўнг мингталаб қаср ва қўрғонлар пайдо бўлади. Ал Мақдиси-нинг ёзишича X асрда — африғийлар сулоласининг энг охириги кунлари арафасида фақат Маздаҳкан (Қорақалпоғистоннинг Хўжайли районига яқин) шаҳарларнинг атрофида 12 минг қўрғон бўлган. Хоразмнинг тушкунликка учрашига яна бир далил катта суғориш иншоотларининг ишдан чиқишидир. Бу даврда Амударёнинг чап қисмидаги энг катта сув системаси — Чарманёп канали ва ундан фойдаланаётган жойлар харобаликка айланади.

Бутун Ўрта Осиё территориясида содир бўлган бу янги ижтимоий ва сиёсий жараён марказлашмаган қудратли давлатларнинг ўрнига тарқоқ майда подшолик ва хонликларнинг пайдо бўлиши — араб истилосининг муваффақият қозонишига анча енгиллик туғдирган.

Маълумки, араб истилочилари биринчи марта Ўрта Осиё чегараларидаги Марв ва Балхдек бой шаҳарларни урушсиз қўлга олганлар. Бу шаҳарлар эса келажакда бутун Ўрта Осиёни истило қилишда муҳим стратегик база бўлиб хизмат қилган.

Тарихий манбаларга қараганда араблар Хоразмни истило қилишдан олдин унга икки марта юриш қилганлар: биринчи юриш 674 йили Халифа Муовия томонидан Убайдулла ибн Зиёд бошчилигида; иккинчиси эса 696 йили Хуросон ноиб Умайян ибн Абдулла бошчилигида амалга оширилган. Бу юришлар асосан таланчилик мақсадини кўзлаган.

Ўрта Осиёни, шу жумладан Хоразмнинг босиб олинishi VIII аср бошларидаги Хуросон ноиб Қутайба ибн Муслим номи билан боғлиқ. 712 йили эса Қутайба лашкарлари Хоразмни забт қилади. Хоразмни забт қилиш оғир шароитда ўтди.

Манбаларга қараганда Чағон номли Хоразм шоҳи халқ қўзғолонларининг бошида туриб унга раҳбарлик

қилган ўз укаси — Хурзоддан қўрқиб, 711 йилда Қутайбадан ёрдам сўрайди ва унга ўз шаҳарларининг олтин қалитларини юборади. Қутайба Хоразмга келиб, Хурзодни тор-мор қилишда унинг акасига ёрдам беради ва укасини қўлга туширади. Хоразмшоҳ билан араб лашкарбошиси ўртасидаги шартномага кўра Хоразм йилига ўн минг бош мол солиқ тўлаш мажбуриятини олади. Хурзод билан бирга тўрт минг асир қатл қилинади.

Арабларнинг кетиши билан Хоразмда янгидан қўзғолон кўтарилиб, қўзғолончилар ўз Ватанини сотган шоҳни ўлдирадилар. Бу эса, Бируний ва Ибн ал Асарнинг ёзишича, Қутайбанинг Хоразмга иккинчи марта юриш қилишига сабаб бўлади. Хоразмни қайтадан забт қилган Қутайба ўлдирилган шоҳ ўрнига унинг укаси Асқажамуқни тахтга ўтқзади, унга ёрдамчи (волий) қилиб, ўз укаси Абдуллаҳни белгилайди. Африғийлар билан яқинлашиш мақсадида, ҳатто укасини хоразм шоҳининг қизига уйлантиради.

Шундай қилиб, Хоразм ўз мустақиллигини йўқотиб, араб халифалигига қарам бўлиб қолади. Бу ҳолат ички синфий курашларнинг яна ҳам кучайишига, ниҳоят араб истилоси арафасидаги иқтисодий тушкунликни яна ҳам жиддийлаштиришга олиб келади.

## БИРУНИЙ ЯШАГАН ДАВР ЁДГОРЛИҚЛАРИ

Антик Хоразмнинг қудратли иқтисодий ва маданий пойдевори асосида вужудга келган янги жамият қисқа вақт ичида оғир ижтимоий қийинчиликларни енгиб ўтди.

Бу даврга оид ёзма манбалар қулдорлик тузумига доир маълумотларга нисбатан анча бой ва тўлиқроқдир. Бу ҳолат археологик ёдгорликларни текшириш ва уларни баён қилишни анча осонлаштиради.

Кучли ички ларзалардан тушкунликка учраган Хоразм IX—X асрларда араб халифалигининг емирилиши туфайли кетма-кет Ўрта Осиё ва Шарқий Эронда пайдо бўлган йирик илк феодал давлатлари — тахирийлар, саффарийлар ва сомонийлар қўл остида бўлди. Бу даврда Ўрта Осиёнинг бошқа районларидагидек, Хоразмда ҳам янги туғилган феодал тузумнинг тараққий қилишига тўсқинлик қилаётган патриархал қулдорлик традициялари анча тез емирила боради. Бу емирилиш йирик феодал аристократияси билан озод деҳқон оммаси ора-

сидаги шартли тенглик ниқобини олиб ташлаб, улар ўртасидаги синфий ихтилофни кучайтиради. Чунки юқори табақага тез кўтарилаётган текинхўр оқсуяклар озод деҳқонларни асоратга солиш учун кучли таянчга муҳтож эди. Феодал давлати эса ана шундай таянч бўла олган.

Кўп тарихий ва археологик маълумотларга қараганда Х аср охирларида Хоразм иқтисодий жиҳатдан жуда тез ривожлана бошлайди. Бунга шаҳарларнинг ўсиши далил бўла олади. Агар Табори 712 йилда Хоразмда учта шаҳар бўлганлигини кўрсатиб ўтса, ал Истоҳрий Х аср бошларида Хоразмда шаҳарлар сони ўн учтага етганлигини кўрсатади. 985 йилларда эса ал Мақдиси-нинг ёзишича шаҳарлар ўттиз иккитага етади. Археологик қазилма вақтида топилган кулолчилик маҳсулотлар — бу даврда шаҳарларда ҳунармандчилик тез ривожланганлигидан дарак беради.

Иқтисодий юксалишнинг яна бир муҳим кўрсаткичи савдо-сотиқнинг ривожланишидир. Араб манбаларига қараганда Х—ХІ асрларда Хоразм йирик савдо марказига айланади. Хоразм савдогарлари Қозоғистон ва Туркменистон даштларида, шунингдек Волга бўйидаги Хазор ва Булғор подшолиги билан айирбошлаш ишларини кенг тарзда олиб борганлар.

«Хоразм,— деб ёзади Истоҳрий,— ёнғоқдан бошқа озиқ-овқат ва мевага бой бўлган ҳосилдор шаҳар (мадина): унда пахта ва жундан хилма-хил маҳсулот ишланиб, узоқ мамлакатларга юборилади...» Ал Мақдиси ўша даврда Хоразмдан четга чиқарилган молларнинг рўйхатини келтиради. Бу рўйхат Хоразмда айирбошлаш муҳим роль ўйнаганлигини ва бу ўлка транзит савдо марказларидан бирига айланганлигини яққол кўрсатади.

Археологларимизнинг текширишича, Хазор подшолигининг маркази — Итилга борадиган савдо йўли Беловул харобаси орқали Эмбанинг қуйи оқими, Урал ва Волгага қараб ўтган. Х асрнинг охирлари, ХІ асрнинг бошларида шу йўлдан юрган араб сайёҳи ибн Фадлан кесилган тошлардан қилинган ва четига тош терилиб ишланган қудуқлари бўлган ҳашаматли карвонсаройлар бўлганлигини ҳамда карвонсаройлар орасидаги масофа тахминан 25 км га тенг бўлганини кўрсатади. Бу ҳолат карвонларнинг нормал юришини таъмин қилган.

Археологларимиз қазиб текширган ва ўша даврга оид бўлган Талайхонота карвонсаройи ибн Фадлан тасвир қилган карвонсаройларга ўхшаб кетади.

Талайхонота саройи доира шаклида (диаметри 60 м) ва пишган ғиштдан солинган бўлиб, уни ўраган деворнинг бир қисми сақланиб қолган. Карвонсаройнинг ўртасида квадрат шаклда тўрт томони айвонлар билан безалган ҳовли бўлиб, унга икки томондан 18 та хона қўшилади. Ҳовли ўртасида пишган ғиштдан терилган зинапояли (диаметри 7,1 м, чуқурлиги 3,5, ҳажми 138 м<sup>3</sup> келадиган) сардоба киши диққатини ўзига тортади. Карвонсаройга кирадиган жойнинг қаршисида сардобага тарнов ўтказилган бўлиб, бу тарнов орқали сарой атрофидаги тақирларда ёмғир сувлари тўпланган. Топилган кўп нарсалар ичида хилма-хил идишлар, жумладан, сувдонлар, темир буюмлардан эса белкуррак, қайчи, бигиз ва ҳоказолар бор. Қираверишда тош деворга куфик алифбесида ёзиб қўйилган хатлар ҳам киши диққатини ўзига жалб қилади.

Араб мамлакатларида Хоразм X—XI асрларда йирик савдо маркази бўлганлиги ва ҳарбий қудрати юксалганлиги айтилади. Хоразмликлар Хазор подшолиги пойтахтида муҳим роль ўйнаганлар. Ҳоқон қўшинларидаги 12 минг киши, яъни асосий қисми хоразмликлардан иборат бўлиб, улар ҳукумат ишида иштирок қилишган. Улар Хазорияга кўчиб келиб, ўзлари учун мачит ва мадраса қуришган. Мақдисининг сўзига қараганда ўз замондоши (X асрнинг иккинчи ярмида) хоразмлик ибн Қувайё Хазорнинг маркази Итилда вазир лавозимида бўлган.

Кўшни мамлакатлар ва Шарқий Европа билан алоқа қилиш туфайли Хоразм шаҳарлари тез ўса бошлаган.

Сомонийлар даврида Хоразм икки ҳокимликдан иборат эди. 995 йилда Гурганч (ҳозир Кўҳна Урганч) ҳокими Кат шаҳрини эгаллаши билан икки ҳокимликка барҳам берилади. Маъмун II даврида Гурганч Шарқ мамлакатларидаги йирик марказлардан бирига айланади. Унда савдо, ҳунармандчилик, маданият ва фан ривожланади. XII—XIII асрларга келиб Гурганч буюк Хоразм давлатининг гўзал ва ажойиб пойтахти бўлиб танилади.

Дунёнинг жуда кўп ерларини айланган атоқли араб сайёҳи ва географи Ёқут бу шаҳар ҳақида қуйидаги-

ларни ёзади: «Мен умримда бу шаҳарга ўхшаш бой, чиройли шаҳарни кўрмаганман... Битмас-туганмас бойликлари, пойтахтининг кенглиги ҳамда аҳолисининг жуда кўплиги ва яхшилиги билан Хоразмнинг бош шаҳрига ўхшаган шаҳар бўлмаса керак деб ўйлайман». Истоҳрийнинг таърифича: «Гурганч Хоразмнинг энг катта шаҳри... у ўғузлар билан савдо қиладиган жой бўлиб, у ердан Журжония, Хазорларга, Хуросонга карвонлар жўнайди». Истоҳрийдан олдинроқ Хоразмга келган ибн Ботута «у (Урганч) аҳолисининг кўплигидан денгиз сингари тўлқинланиб туради», деб ёзган эди.

XII асрнинг охири ва XIII асрнинг бошларида (шоҳ Текеш (1172—1200) даврида) Хоразм кучайиб Шарқдаги энг қудратли давлатлардан бирига айланади. Буюк хоразмшоҳлар даврида илгари чўлга айланган Чарманёп воҳасида маданий ҳаёт тикланиб, Шоҳсанам, Змухшир, Говурқалъа, Девқалъа, Қалъалиқир — 2 каби қадимий шаҳар ва истеҳкомлар яна қайтадан жонланиб кетади. Катта Чарманёп каналининг сув билан таъминланиши қудратли марказлашган давлат борлигидан далолат беради.

Аммо Хоразм Шарқда иқтисодий ва сиёсий жиҳатдангина танилиб қолмай, йирик фан ва маданий марказ сифатида ҳам кенг танилади.

Хоразмнинг қисқа бир даврда бунчалик тез ўсиши — асрлар давомида даштни енгиб, унга сув чиқариб, ўз давридаги илғор қурилиш техникасини эгаллаган, ўз давлати ва мустақиллигини ҳимоя қила олган жасур халқнинг самарали меҳнати натижасидир.

Антик ва африқий давлатига оид маданият ёдгорликларини жиддий текшириш — Хоразмда аниқ ва табиий фанлари қадим замонлардан буён жуда ҳам тараққий қилганлигини кўрсатади. Ҳашаматли шаҳар, йирик сув ва мудофаа иншоотларини қуриш, Бируний тузган йилнома ва астрономия терминологияси, девор ва ҳайкалларга берилган хилма-хил бўёқларни топиш ва ҳоказолар — тараққий қилган математика, тригонометрия, топография, астрономия, химия, минералогия каби фанларсиз, албатта, мумкин эмасди. Агар Хоразм савдогарлари географиядан билимдон бўлмаганларида эди, узоқ мамлакатларга қатнай олмаган бўлардилар.

Юқорида айтиб ўтилган фанларнинг ривожланиши туфайли Хоразм олимлари араб истилосидан кейин таш-



қил топган «араб фанида» деярли энг пешқадам олимлар бўлиб танилган. IX асрлардаёқ Хоразм дунёга машҳур математик, астроном, географ ва тарихчи Абужаъфар ибн Мусо Хоразмийни етказиб беради. Унинг номи математика фанида қабул қилинган «алгорифм» (масалани алоҳида махсус усул билан ечиш) терминида бизгача етиб келган. Алгебра сўзи ҳам Хоразмийнинг математика соҳасида ёзган бир асарининг сўз бошида келтирилган «алжабр» термини асосида пайдо бўлади. С. П. Толстовнинг айтишича, ҳозирги математика фанининг энг бошланғич даври ҳинд алгебраси ва грек геометриясининг синтези бўлган Хоразмий асарларига бориб тақалади.

XI аср бошида Хоразмшоҳ Маъмуннинг пойтахтида Шарқнинг энг машҳур олимлари тўпланиб, уларга Ибн Сино ва Бируний сингари улуғ олиб ва мутафаккирлар бошчилик қилган. Абурайхон Бирунийнинг (973—1048 й) катта кузатишлари туфайли Хоразм фани ўсиб ривожланади ва энг юқори даражага кўтарилади. Урта аср Шарқининг буюк энциклопедисти бўлган бу олим астрономия, география, минералогия, жимё, этнография, тарих ва ҳатто шеърий соҳасида ҳам ажойиб асарлар яратган. Бируний ўз ҳаётида 150 дан ортиқ илмий асар ёзди. У ўзининг «Минералогия», «Ўтмиш авлодлардан қолган ёдгорликлар», «Ҳиндистон» каби йирик асарлари билан бутун дунёга машҳурдир.

Хоразмшоҳлар давридаги иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг гуриллаб ўсиши ёзма манбалардагина эмас, шунингдек маданий ёдгорликларда ҳам ёрқин кўринади. Текширишлар XI—XII асрларда Хоразмда темирчилик, кулолчилик, шиша ва қурилиш касбларининг жуда ҳам тараққий қилганлигини кўрсатади. Бу даврда янги қурилиш материали — пишган ғишт ишлатила бошланади ҳамда биринчи марта деразаларга ойна қўйилади. Дераза ойнасининг қолдиқлари Хоразмда Урта Осиёнинг бошқа ерларига нисбатан энг аввал топилган. Уйларнинг ички архитектурасини безашда деворга чизилган расмлардан ташқари, ўйма нақш берилган ёғочлар ҳам ишлатилади. Бу эса Хоразмда тасвирий санъатнинг янги ва юқори босқичга кўтарилганлигини кўрсатади.

Бу даврдаги тасвирий санъатнинг характерли томони шуки, илгариги антик даврдаги одам ва ҳайвон тас-

вирлари ўрнига ислом динига биноан, фақат жонсиз табиат ҳодисаларини акс эттириш биринчи ўринга ўтади. Шунинг учун нақшлар ўсимлик дунёси ва геометрик шакллар билан чекланади.

Бундай ёдгорликлардан анча тўла текширилгани қадимги Чарманёп каналининг этагидаги Шоҳсанам истехкомидир. Ёқут асарларида кўрсатилганидек, унинг илк ўрта асрдаги Субурни шаҳри харобалари билан боғлиқлигини олимлар исботлаган. Шаҳарнинг номи ҳам (Сув бурни) уни сув этагида ўрнашганлигини кўрсатади.

Шаҳар девори XII асрда қурилган бўлса-да, аммо ўз антик анъаналарини сақлаганлиги билан ажралиб туради. Девор антик даврдаги (40×40×10 см) хом ғиштлардан қурилган. Девор қадимги қалъалардагидек икки қават бўлиб, ундаги шинакларнинг шакли ромбага ўхшаганлиги билан фарқ қилади.

Шаҳарнинг жанубида кенг майдонни эгаллаган боғ бўлганлигини кўрсатувчи белгилар, боғ чеккаларидаги ҳашаматли иморат харобалари кишига Ғариб ва Шоҳсанам дostonидаги чуқур маҳорат билан тасвирланган кўшк боғини эслатади.

Субурнининг шимолида жуда кўп учрайдиган қўрғонча харобалари, кичик сув иншооти қолдиқлари ва катта қабристон диққатга сазовордир. Айрим қабрларнинг сағанаси ганч билан ўймакор қилиб ишланган. Шаҳардан 8 километрча шимолда ойна ва ойна буюмлари ишлайдиган катта устахона қолдиқларининг топилиши муҳим аҳамиятга эга бўлиб, Урта Осиёда техниканинг тараққий қилишини ўрганишга ёрдам беради.

Шаҳардаги иморатларнинг энг ҳашаматлиси катта мачит харобаларидир.

Мачит меҳробидаги жимжимадор ва нафис нақшли ёзувлар кишини ҳайратда қолдиради. Мачитдан хоразмшоҳ Текеш (1200—1220) зарб қилган танга топилган.

Топилган нарсалар орасида жуда кўп маиший буюмлар ҳам бор. Булар ичида ҳаммаёғи нақшдор ёзув билан чиройли қилиб ишланган жез қозон алоҳида ажралиб туради. Шунингдек жез ва суякдан дастаси хўроз бошига ўхшатиб ишланган бигизлар, ҳар хил ойнадан ишланган идишлар ҳамда экспедиция тарихида биринчи марта топилган кушан империясининг сўнгги даврларига оид кумуш танга, тошдан ишланган қозон ва бошқа буюмларни кўрсатиш мумкин.



Шоҳсанам қазилмаларидан топилган хат ёзилган нақшли жез (бронза) идиш.

Текширишлар кўрсатишича Шоҳсанам истехкоми антик даврда, яъни эрамиздан аввалги 1-минг йилликнинг охирларида пайдо бўлиб, ундаги ҳаёт бутун Кушан империяси давомида мавжуд бўлган. Аммо африғийлар даврига келиб, бу қалъа харобаликка айланади. Буюк хоразмшоҳлар даврида унда ҳаёт яна қайтадан тикланди, аммо мўғуллар истилоси даврида яна сўнади.

Бируний яшаган давр ёдгорликларининг стратегик жиҳатдан муҳими — Амударёнинг баланд чап қирғоғидаги Қизқалъадир. Адирнинг тепасидаги бу баланд қирғоқ мудофаа жиҳатдан қулайлиги учун қалъа жуда мустаҳкам бўлган. Унга жанубдан тор қия йўлаксимон пастлик ўтиб, афтидан бу ўша вақтда истехкомга кирадиган пандус бўлган. Баландликни ўраб олган девор бўйлаб қалъа гарнизонидаги кишилар учун турар жойлар қурилган. Бинонинг марказида ҳовуз бор. Бундай ҳовузларни қалъанинг ғарбий қисмида ҳам учратиш мумкин. Диаметри 4—4,5 метрча келадиган бу ҳовуз-

ларнинг баъзилари пишиқ гишт билан ишланиб, усти гипс билан сувалган. Бу ҳовузлар Ўрта Осиё даштларидаги сардобаларни эслатади.

Қизқалъанинг ғарбий деворлари сиртдан ярим доира шаклидаги учта бурж билан мустаҳкамланган. Буржларнинг бирида атрофи пишган гишт билан ишланган ва чуқурлиги 16,25 м келадиган қудуқ бўлиб, унга ер остидан сув оқадиган махсус йўл ўтказилган. Сопол қувурли бу яширин ер ости иншоотини дарё бўйидаги Йигитқалъа мудрофаа қилиб турган. Бу мудрофаа истеҳкоми билан Қизқалъа ўртасидаги тўғри йўлда ҳар бири 300—350 метр масофада жойлашган ва унча катта бўлмаган сунъий тепаликлар сақланиб қолган. Бу тепаликлардан ўт ёқиб Қизилқум даштларидан ёв келаётганлиги дарҳол воҳага хабар қилинган.

Археологик маълумотларга қараганда Қизқалъа ва Йигитқалъа ёдгорликларида XII аср ўрталари ҳамда XIII аср бошларигача, яъни мўғуллар истилосигача ҳаёт давом қилган.

Қаватқалъа комплексига кирувчи ёдгорликлар буюк хоразмликлар даврининг ижтимоий-сиёсий ва маданий қиёфасини тўлиқроқ билишга ёрдам беради. Юқорида айтиб ўтилганидек, бу даврда Хоразмнинг ижтимоий-иқтисодий тузумида катта ўзгаришлар рўй берган. Африғийлар даврида бир табақага қарашли бўлган озод деҳқонлар ишлаб чиқариш усулининг тубдан ўзгариши туфайли кучли давлат аппарати таянган эзувчи феодал ва эзилган деҳқонлар синфига ажратиб ташланган эди. Африғийлар даврида жиддий тус олган ўзаро урушлар феодализмнинг барқарор бўлиши билан тугаб тинч ҳаёт, аҳолининг хавфсизликка бўлган ишончи билан алмашинади. Илгариги мустаҳкам қалъалар ўрнига энди феодалларнинг ҳашаматли кўшклари ва деҳқонларнинг мустаҳкамланмаган қўрғонлари пайдо бўлади.

Бу ўзгаришлар моддий маданият ёдгорликларидан Говхўра канали воҳасидаги Қаватқалъа комплексига кирган ёдгорликларда айниқса сезилиб туради. Говхўра воҳаси шу ном билан аталган канал бўйлаб, эни 2—3 километр, узунлиги эса 15 километргача чўзилган сонсаноксиз қалъа, қаср ва қўрғон харобалари билан банд бўлган территориядан иборат. Қаватқалъа атрофида 8 км майдонни эгаллаб ётган жойнинг ўзидагина тўқсондан ортиқ истеҳком борлиги аниқланди.


Воҳа марказида унча катта бўлмаган ва шаҳарчага ўхшаш мустаҳкам қалъа (сатҳи 160×190 м) бўлиб, унинг ўртасида ҳашаматли пахсага ўйма нақш берилган сарой харобалари бор. Қалъа атрофидан ўтган Говхўра канали бўйлаб шу даврга хос бўлган яна тўртта ҳашаматли қаср бор. Тўрт бурчак шаклидаги шинаксимон аркли бу истехкомларнинг бурчаклари нақш берилган қиррали буржлар билан мустаҳкамланган. Аммо қалъа деворлари антик мудофаа иншоотларидай қалин бўлмай, мудофаа мақсадида қурилмагандай бўлиб туйилади. Айрим қаср деворларига ҳам нафис ўйма нақшлар берилган.

Қасрлар атрофида сон-саноқсиз майда ер эгалари ва деҳқонларнинг қўрғонлари жойлашган. Қўрғонлар бири-бирига яқин қурилган бўлиб, паст пахса деворлар билан ўралган. Қўрғонларнинг бирига ёнма-ён қилиб солинган кўпхонали иморат сўнгги вақтларгача Хоразм қишлоқларида учрайдиган катта оила учун солинган кунгирали ҳовлиларга ўхшаб кетади.

Деярли ҳар бир қўрғонда ёки унга яқин бўлган жойларда баланд иморатлар мавжуд. Бу иморатларнинг характерли хусусияти шундан иборатки, унинг деворларида токчалар жуда кўп. Маҳаллий аҳоли шунинг учун ҳам бу иморатларни «каптархона» деб атаган. С. П. Толстов фикрича, бундай иморатлар меҳмонхона вазифасини бажарган, ундаги токчалар эса, ҳозирги ўзбекларнинг баъзи уйларидагидай зеб бериш мақсадида қўйилган. Ибн Батута Хоразмга борганда Урганч қозиси меҳмонхонасида ҳар хил чинни асбоб ва мискарлик асбоблари ила тўлатилган ва парда билан бекитиб қўйилган токчалар кўрганини ёзади.

«Каптархона»лар ҳар хил планировкада қурилган бўлиб, баъзи бирлари буржли кичик қасрларга ўхшаб кетади. Бу ҳолат африғийлар давридаги қасрларни эслаб, бу даврдаги архитектурада ҳам эски традицияларни сақлаб қолишга интиланликларини кўрсатади. Пахсадан урилган «каптархона» деворларининг ташқи томони ҳам ўйма нақш билан безатилган.

Қаватқалъа комплексига кирадиган ёдгорликлардан қазиб олинган топилмалар унча кўп эмас. Марказий истехкомнинг 1-хонасида топилган зинапояли пирамидага ўхшаш ва баландлиги 40 см келадиган қумтошдан ишланган таккурси ҳамда мрамар таккурсининг жуда кўп



Қаватқалъа комплексига кирган деҳқон кўрғонларининг  
„Каптархона“ харобалари.

синиқлари диққатга сазовордир. Шу хонада ҳар хил мис ва темирдан ясалган буюмлар, ойна ва сополдан ишланган идиш синиқлари, ёғочдан ишланган баъзи бир буюм қолдиқлари, бўйра, газлама ва қоғоз парчалари ҳам топилган. Буюмлар ичида мисдан ишланган тунча, ёғоч дастали темир пичоқ, капкир ва темирдан ясалган бошқа буюмлар ажралиб туради. 2-хонада тегирмон тоши, 5-хонада эса жездан ясалган буюм бўлаги, отнинг кўкрагига тақиладиган арабча ёзувли боқир безак, тошдан ишланган қозон парчалари ва бошқа нарсалар бор.

Қаватқалъа ёдгорликлари текширилганда марказий қалъа йирик ер эгаси ёки ҳокимнинг жойи, қасрлар эса йирик феодаллар истеҳкоми, мустаҳкамланмаган кўрғонлар майда ер эгалари ва деҳқонларнинг турар жойи бўлганлиги аниқланди. Демак, бу даврда шаклланган феодализм тузумига хос табақалар мавжуд эканлиги яққол кўриниб турибди.

Текширишлар натижасида бу ёдгорликлар жуда катта ёнғин туфайли харобага айланганлиги маълум бўлди. Ёнғин шунчалик кучли бўлганки, айрим мис ва шишадан ясалган буюмлар эриб кетган. Баъзи бир далилларга қараганда Қаватқалъага ўт қўйилиши мўғул

исилоси билан боғлиқ деб ҳисоблашга асос бўла олади. 1220 йили Хоразмга юриш қилган Чиготой ва Угедай бошчилигидаги Чингизхон лашкарлари Самарқанддан Бухорога бориб, ундан Урганчга ўтишда Қаватқалъани талаб, унга ўт қўйган бўлсалар эҳтимол.


Бироқ хоразмшоҳлар даврида кўп шаҳарлар Урта Осиёда типик бўлган ўрта аср шаҳарлари қиёфасига киради. Хоразмнинг ўша даврдаги пойтахти Урганч ёки, тарихий манбаларда ёзилганидек, Гурганч бунга мисол бўла олади. Бу шаҳарнинг харобалари Турк-манистондаги ҳозирги Тошҳовуз областининг Кўҳна Урганч райони марказидан жанубдадир.

Урганч харобалари ва бу харобалар орасида қад кўтарган пишган гиштдан қурилиб, кошин билан моҳирона зийнатланган ажойиб ҳашаматли, ҳозиргача сақланиб келган ёдгорликлар кўп вақтларгача сайёҳ ва тадқиқотчилар диққатини ўзига жалб қилиб келган. Аммо, Урганчни илмий жиҳатдан муфассал равишда текшириш фақат Октябрь революциясидан кейингина бошланди. Бундай тадқиқот ишлари 1928—1929 йилларда А. Ю. Якубовский раҳбарлигидаги экспедиция томонидан ўтказилган бўлиб, унинг натижалари экспедиция раҳбари ёзган «Урганч харобалари» деган асарда баён қилинди. Хоразм экспедицияси бу ёдгорликларни дастлаб 1948 ва 1950 йилларда текширди, муфассал археологик қазилма ишларини эса 1952 йилда бошлаб юборди.

Урганч шаҳарига қачон асос солинганлиги тўлиқ аниқланмаган. Атоқли шарқшунослар В. В. Бартольд ва А. Ю. Якубовский Урганч сўзини хитой манбаларида учрайдиган Юегянь сўзи билан таққослаб уни эрамизнинг биринчи асрларида пайдо бўлган деб ҳисоблайдилар. Профессор Я. Ғ. Ғуломов эса Урганч эрамизнинг IX асрдан кейин пайдо бўлган деб ҳисоблайди. Дарҳақиқат, Урганч ҳақидаги маълумотларни асосан X аср манбаларида учратамиз, буни юқорида кўриб ўтдик.

Хоразмнинг ўрта асрдаги пойтахти бўлган Урганч шаҳрининг харобалари тахминан 400 гектар майдонни эгаллайди. Шаҳар ҳозирги Кўҳна Урганч билан Амударёнинг қадимги ўзани Дарёлик ўртасида гуллаб-яшнаётган колхоз далалари қуршовида жойлашган.

Бир вақтлар шаҳар атрофи мустаҳкам деворлар билан ўралган эди.



Кўҳна Урганч вайроналиги орасида сақланиб қолган Хоразм шоҳи  
Текеш мақбараси ва илк ўрта аср минори.

Хоразм экспедицияси ер устида яхши сақланиб қолган машҳур ёдгорликлардан Тўрабекхоним мақбараси ва унга яқин турган ажойиб Урганч минораси (XIV аср), ҳашаматли Текеш ва Фахриддин Рази мақбаралари (XII—XIII асрлар)нинг жанубидаги Тошқалъа номли истеҳком харобаларини қазиб текширди. Бу истеҳкомнинг шарқида деворлари майда хом ғиштдан ишланган Оққалъа харобалари сақланиб келган. Тахминан Тошқалъадан 1,5 километр ғарбда катта пахса девор билан ўралган Хоразмбоғ номли ёдгорлик бўлиб, у киши диққатини ўзига жалб қилади.

Тошқалъа 600×800 метр келадиган кўп бурчакли истеҳком бўлиб, пишган ғиштдан тикланган девор ва чуқур хандақ билан ўралган. Қалъа территориясида «Карвонсарой дарвозаси» номи билан машҳур пештоқ харобалари ва XX аср арафасида йиқилган илк ўрта аср даврига оид катта минора қолдиқлари бор. Тошқалъанинг жанубий дарвозаси атрофида ўтказилган археологик қазилмалар натижасида шаҳар деворининг қолдиқлари топилиб, уни пишган ғиштдан қурилгани маълум бўлди. Девор остида чуқурлиги 2,5 метр кела-



Диган пишган ғиштдан қилинган хандақ ҳам бор. Катта шаҳар девори ажойиб қилиб қурилган. У ташқи томонда 1,65 м ички томони 0,8 м қалинликда пишган ғишт билан, ўртаси эса тупроқ билан шиббаланиб, умумий қалинлиги 4 метрча келадиган иншоотдан иборатдир. Бу девор топилган нарсаларга қараганда XIX аср охирларида, илгариги девор харобалари ўрнида тикланган. Тошқалъа XIII—XIV асрларда кенг территорияни эгаллаган Урганч шаҳри ичида қурилган арк ёки сарой харобалари бўлса эҳтимол. Текширишлар шуни кўрсатдики, Темур юришларидан кейин Урганчнинг вайронликка айланиши натижасида XV—XVII асрларда шаҳардаги ҳаёт Тошқалъа истеҳкоми билан чекланган. Ана шу даврга оид бўлган нарсалар фақат қалъа ичида учраши бунга далил бўла олади.

«Карвонсарой дарвозаси» жойлашган ердаги катта кўча бўйида шаҳар маҳалласининг харобалари қазиб текширилди. Карвонсарой олдидаги Чорсуда жуда кўп ҳунармандларнинг кўча томон қараб турган дўконлари, бир бурчакда чойхона, ошхона ва балиқхона борлиги маълум бўлди. Ошхона олдида катта қозон учун қазилган ўчоқларнинг излари бор, Чойхона харобаларидан жуда кўп чойнак синиқлари ва кичик бир халтачада майда чақалар топилган. Бу ерда катта тандурли нонвойхона, темирчи дўкони, ҳаммом ва шунга ўхшаш қурилишларнинг борлиги аниқланган.

Маҳаллада яшаган кишиларнинг бой ва камбағаллиги ундаги турар жойларнинг архитектурасидан яққол кўриниб турибди. Бир томонда камбағал ҳунарманднинг кичик хонаси бўлса, иккинчи томонда судхўр бойнинг ганч ва бўёқлар билан безатилган ҳашаматли иморати кўзга ташланади. Хоналарнинг ҳаммасида, катта-кичиклигидан қатъи назар, одамлар ётиши учун пишган ғиштдан қилинган ва остидан ўт ёқиб қиздириладиган супалар (бу супалар Хитойда кенг тарқалган бўлиб, у кан номи билан юритилади) ташнов ва ўчоқлар бор. Топилган сопол буюмларнинг сифати паст бўлган.

Топилган нарсалар орасида иероглиф ҳарфи билан тамға қўйилган чинни идишнинг синиқлари Хоразм билан Хитой ўртасидаги савдо муносабати илгаригидай фаол давом қилганлигини кўрсатади. Топилган нарсалар ичида темир ва жездан ишланган қўл тарозилари, ангишвона, кичик шишасимон жез идишлар, суяқдан

ишланган конькига ўхшаш ғалати буюм, узук, тарози тоши, ҳар қил мунчоқлар ва бошқа темир, жез, суяк ва шохдан ишланган жуда кўп буюмлар учрайди.

Илк ўрта асрга оид минора харобаларини қазиб текшириш ҳам муҳим маълумотларни берди. Минора харобалари ёнида 1900 йили топилган тошга ёзилган хатга қараганда бу минора 1011 йили, яъни Маъмун академиясида Абу Али ибн Сино ва Бируний хизмат қилаётган даврда пайдо бўлган. Лекин бу ёдгорлик мўғул истилоси даврида шаҳарнинг бошқа ёдгорликлари билан бир вақтда йиқилган. Минора қайтадан XIV асрда тикланган бўлиб, Кўҳна Урганчнинг ҳозиргача сақланиб келган катта минораси, Тўрабекхоним ва шу даврда қурилган бошқа ёдгорликлар билан тенгдош деб ҳисоблаш мумкин.

Минорага қўшилган XI асрга оид жуда ҳам катта ҳашаматли мачит харобалари диққатга сазовордир. Балки бу мачит Бируний яшаган даврдаги Урганчнинг марказий мачити бўлгандир ва унда буюк мутафаккир тез-тез бўлиб, ўзининг ўлмас ғояларини ташвиқ қилиб, руҳонийлар билан олишиб турган бўлса ажаб эмас. Бу мачит ҳам мўғул истилоси даврида харобаликка айланиб кейин тикланди. Аммо Темур лашкарлари Урганчни босиб олганларида уни яна ҳам вайронликка айлантирадилар.

Хоразмбоғ ёдгорлигини текшириш, бу квадрат шаклдаги катта истеҳком, унда топилган ажойиб ганчдан ишланган хилма-хил қурилиш зийнатлари, нозик қилиб ясалган сопол идиш синиқлари ва бошқа муҳим буюм қолдиқлари XIII—XIV асрларда қурилган нафис ҳашаматли сарой, Олтин Ўрда давридаги Хоразм ҳокимининг шаҳар четидаги ёзги кўшки бўлганлигини кўрсатди.

Бутун Урганч харобалари, онда-сонда сақланиб қолган ёдгорликларни эътиборга олмаганда, Хоразм мўғул ва ундан кейинги Темур лашкарларининг мисли кўрилмаган ваҳшиёна юришлари натижасида қандай фожиали аҳволга тушганлигини муфассал тасвир қилишга имкон беради.

Мазкур ёдгорликлардан ташқари мўғул истилоси натижасида Хоразмнинг Гулдурсун, Шўрахон, Норинжон, Маздоҳқон, Дарғон ва шу каби шаҳар ва қалъалари абадий харобаликка айланди. Қолган шаҳар ва

қишлоқлар ҳам вайрон қилинган бўлса-да, бир қанча вақт ўтиши билан ундаги ҳаёт яна тикланади.

Хоразмнинг гуллаб-яшнаши юқори босқичга чиққанда, қудратли хоразмшоҳлар давлати атрофида энг кучли турк қабилалари — қанғли, қипчоқ, туркман ва тожик аҳолиси бирлашиб жипслашаётган ва дунёни забт қилиш мақсадида халифаликнинг маркази Боғдодга қарши юришга тайёрланаётган бир пайтда шафқатсиз Чингизхон қўшинлари ваҳшийларча бостириб киради. Аммо биринчи қарашда мустаҳкам бўлиб кўринган бу давлат кучли ички қарама-қаршиликларни бошдан кечираётган эди.

Мўғул истилоси арафасида Хоразмга қарашли кўчманчи турк қабилалари ва маҳаллий зодагонлар ўртасида тўхтовсиз сиёсий кураш давом этиб, бу кураш сарой атрофидаги доираларга ўтиб, жиддий тус олади. Хоразмнинг ана шу даврдаги подшоси Султон Муҳаммад (1200—1220 й)нинг қипчоқ онаси ва унинг қариндош уруғларининг, шунингдек кўпгина руҳонийларнинг таъсири остидаги халифаликка ён берган турк доиралари ҳокимиятни ўз қўлига олишга уринадилар, бунга Хоразмшоҳнинг ўғли, тахт эгаси Жалолоддин Мангуберди шаҳар ва қишлоқ зодагонлари ёрдамида тиш-тирноғи билан қарши туради. Шундай кескин вазият Чингизхон лашкарларининг ғолибона юришларига енгиллик туғдирган, албатта.

Хоразмшоҳ янги стратегияга эга бўлган зўр давлат арбоби Чингизхонни менсимас эди. Унинг мағлубиятга учрашининг сабабларидан бири ҳам ана шу бўлди. Чингизхон қудратли мўғул империясини ташкил қилгандан сўнг бир қанча маъмурий ва ҳарбий реформаларни ўтказди. Чингизхон варвар қабилаларни жипслаштириб илғор Хитой ҳарбий фанига асосланган ҳолда мунтазам қўшин тузади ва уни янги стратегия ва тактикага таянган ғоялар билан тарбиялайди. Бу ҳолат эса Чингиз қўшинларини ўз даврининг энг кучли қўшинига айлантиради. Мардонавор, аммо ташкилий жиҳатдан бўш бўлган хоразмшоҳ қўшинлари Чингиз қўшинлари олдида ожиз эди, албатта.

Чингизхон қўшинларининг яна бир афзаллиги мустаҳкамланган шаҳар ва қалъаларни қамал қилиш ва олишда мукамал тактикага эга бўлиб, ўз юришларида ана шу тактикага катта аҳамият берганликларидадир.

Шунинг учун ҳам мўғуллар Хоразмга тегишли Моварауннаҳрни ва Сирдарё этагидаги Жанд областини яшин тезлигида эгаллайдилар, Хуросонга эса деярли уруш қилмасдан босиб кирадилар. Натижада, Чингизхон юришларининг шоҳиди бўлган тарихчи Рашиддиннинг жонли равишда ёзишича, «Хоразм ипи узилиб ерга ёпирилган чодирга ўхшаб қолди».

Хоразм забт қилингандан кейин ўн йил (1220 — 1230 й.) давомида истеъдодли лашкарбоши Жалололдиннинг ўз мамлакати озодлиги ва мустақиллиги учун олиб борган курашлари Ўрта Осиё тарихидаги ажойиб саҳифалардан ҳисобланади. Чингизхон ўзига муносиб рақиб бўлган Жалололдиннинг бир неча бор қақшатқич зарбасига учрайди. Аммо хоразмлик жасур лашкарбоши ўзининг қозонган ғалабаларини мустаҳкамлай олмайди ва етарли кучга эга бўлмагани туфайли сўнги жанглارнинг бирида мағлубиятга учраб, Курдистон тоғларига кетади ва шу ерда ҳалок бўлади.


Шундай қилиб Хоразм империяси мўғул истилоси натижасида ёмирилади, шаҳар ва қишлоқларнинг деярли ҳаммаси талон-торож қилиниб, аҳолиси қирилади, қисман ҳайдаб олиб кетилади, минглаб гектар унумдор ерлар эса харобага айланади, доимий равишда тозалаб ва қараб туришни талаб қиладиган суғориш тармоқлари тушкунликка учрайди. Худди шундай қисматни Хоразм кейинроқ бераҳм Темур юришлари даврида қайтадан бошдан кечиради. Бунга ўша даврга оид сонсаноксиз шаҳар ва қишлоқлар, айниқса Кўҳна Урганчининг ҳозиргача сақланиб қолган харобалари далил бўла олади.

Чингизхон ва Темур лашкарларининг тўхтовсиз юришлари, кейинги даврларда феодаллар ўртасида ўзаро бўлиб турган курашлар ва кўчманчи қабилаларнинг босқинчилик ҳужумлари қадимги Хоразм маданиятининг қайтадан тикланишига йўл қўймайди. Аксинча, бундай ҳолат кенг меҳнаткаш оммани қашшоқликда, феодал-патриархалчилик кишанида узоқ вақтлар сақлаб келди. Хоразм воҳасида яшовчи халқлар бу кишандан фақат Улуғ Октябрь социалистик революциясининг оламшумул ғалабаси туфайли қутулдилар ва мисли кўрилмаган ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиётга эришдилар.

## ХОТИМА

Жасур совет тадқиқотчиларининг бепоён Қизилқум ва Қорақум саҳролари бағрида йўқолиб кетган сон-саноксиз харобалар томон мардонавор юриш қилиб, бу харобалар қалбида асрлар давомида сақланиб келган сирларни очиш учун қилган фидокорона меҳнати туфайли Ўрта Осиёнинг буюк дарёси Аму воҳасида ва унинг атрофида яшовчи халқларнинг воқеаларга бой бўлган ва узоқ вақтгача номаълум бўлиб келган кўп томлик тарихининг айрим саҳифаларини ўқиш имкони туғилди. Қилинган кашфиётлар Ўрта Осиё, жумладан Хоразм воҳасидаги халқларнинг ибтидоий даврдан бошлаб шаклланган қулдорлик жамият босқичига ўтиб жуда ҳам юқори босқичдаги ўзига хос хусусиятли маданият яратганлигини ёрқин равишда намойиш қилиб берди. Жуда кенг территорияда кашф этилган ажойиб архитектура ва санъат дурдоналарининг ўрта асрга келиб исломнинг тарқалиши билан йўқолиб кетиши — бу диннинг реакцион моҳиятини яна бир бор очиб беради.

Иккинчидан, олимларимизнинг илғор методологияга асосланиб Хоразмда бир неча йил давомида ўтказган катта илмий ишлари узоқ вақтлар давомида ечилмай келган масала — қадимги гўзал шаҳар ва қишлоқларнинг вайронликка айланиш сабабларини очиб берди. Улар рад қилиб бўлмайдиган далиллар билан бу жараённинг туб негизида буржуа олимлари айтганидек табиий ҳодисалар эмас, балки бир формация ўрнига иккинчи формациянинг келиши, доимий синфий кураш, ўзаро ички ва ташқи урушлар каби ижтимоий факторлар ётганини яққол кўрсатдилар.



Қадимги Бургутқалъа харобалари теварагидаги колхоз далалари.

Ижтимоий занжирлардан қутулган халқнинг нималарга қодир эканлигини совет ҳокимияти даврида янгидан гуллаб-яшнаётган Хоразм мисолида аниқ кўриш мумкин. Асрлар давомида феодализм турғунлигида ва мустамлака занжирида эзилиб келган Хоразм воҳасида яшовчи ўзбек, туркман, қорақалпоқ ва қозоқ халқлари буюк Октябрнинг ҳаётбахш нурлари остида абадий асорат уйқусидан уйғониб — эркин нафас олдилар ва мисли кўрилмаган иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ютуқларни қўлга киритдилар. Кўп йиллар давомида шаҳар ва қишлоқларни, яшил далаларни босиб қуритган кўчманчи қумлар мардонавор совет халқининг фидокорона меҳнати туфайли орқага чекинди, доимо халқни ваҳима остида сақлаб келган дайди Амударё таслим бўлди. Қайтадан тикланган ва янгидан қазилган юзлаб километр келадиган серсув ариқлар минг йиллар қақраб ётган қадимги серунум ерларга янгидан ҳаёт бағишлади. Ибтидоий омов ва чиғир ўрнини қудратли пўлат отлар ва суғориш техникаси эгаллади. Натижада ўз тақдирини ўз қўлига олган меҳнаткаш халқ олдида гўзал Хоразм бутун бойлигини очиб ташлади.

Халқ хўжалигида муҳим аҳамиятга эга бўлган «оқ олтин» — пахта экиладиган бутун Ўрта Осиёдаги майдоннинг деярли 15 проценти Амударё этакларидадир. Бу ерда серҳосил шоли ва юқори сифатли йўнғичқа ҳам экилади. Ҳозирги суғориладиган Хоразм воҳасидаги ерларнинг тахминан учдан бир қисмида дон экинлари парвариш қилинади. Маҳаллий эҳтиёжларни қондириш учун кунжут, картошка ва бошқа сабзавот ва полиз экинлари етиштирилмоқда. Кенг майдонларни эгаллаган хилма-хил мевалар етишадиган колхоз боғлари фаровон ҳаётга эришган меҳнаткаш халқ қалбида ғурур туғдиради.

Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларидан бири бўлган чорвачилик ҳам тараққий қилган. Амударё дельтасидаги чексиз ўтлоқ ва пичанзорларда, дельтага яқин жойлашган Устюрт ясси тоғи, Қизилқум ва Қорақумнинг бепоён яйловларида ўтлаб юрган сон-саноксиз колхоз моллари Хоразм воҳасидаги аҳолининг фаровон ҳаёт кечираётганлигидан дараж беради.

Совет ҳокимияти даврида бу ерда илғор замонавий техникага асосланган юзлаб корхоналар, ўнлаб олий ва ўрта ўқув юртлари, жуда кўп кино-театр ва бошқа маданий-оқартув ташкилотлари пайдо бўлди.

Шундай қилиб, узоқ ўтмишда ажойиб маданият яратган меҳнатсевар ва истеъдодли халқ бир қанча асрлар давомида тўплаб келган миллий традицияларини янги ижтимоий тузум асосида ривожлантирди ва яна ҳам гуллаб-яшнаган маданиятга эришди.

---

---

## МУНДАРИЖА

Афсонавий ўлка . . . . .	3
Жасур тадқиқотчилар . . . . .	11
Кўҳна канал ва ариқлар бўйлаб . . . . .	22
Ибтидоий кулба қолдиқлари . . . . .	31
Беҳисоб шаҳар ва қалъалар даври . . . . .	42
Кушан давлати ва Тупроққалъа . . . . .	58
Бируний яшаган давр ёдгорликлари . . . . .	76
Хотима . . . . .	92

---



*На узбекском языке*

ИСА ДЖАББАРОВ

## ТАЙНЫ ДРЕВНИХ РАЗВАЛИН

*Госиздат УзССР—1961—Ташкент*

Редактор К. Абдуллаев

Рассом М. Калинин

Техредактор Т. Аббосов

Корректор Ф. Мухамедов

\* \* \*

Теришга берилди 15/VI-1961. Босишга рухсат этилди 16/VIII-1961. формати 84×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Бос. л 3,0. Шартли б. л 4,92. Нашр л. 5,22. Тиражи 5000. Индекс н/п. P09275. Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти, Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 338-60.

\* \* \*

ЎзССР Маданият министрлиги Главиздатининг 1-босмахонаси Тошкент, Ҳамза кўчаси, 21. Заказ № 1127. Баҳоси 19 т.

